


..... ЖОН ДЭВИДСОН .....

# РОКФЕЛЛЕР



МИЛЛИАРДЕРНИНГ  
ХОТИРАЛАРИ



Қандай қилиб 500 000 000 доллар ишлаб топдим?

ЖОН ДЭВИДСОН РОКФЕЛЛЕР

# МИЛЛИАРДЕРНИНГ ХОТИРАЛАРИ

«Yosh kuch»  
Тошкент - 2021

УЎК: 33(09)

КБК: 65

Р - 72

**Дэвидсон, Жон Рокфеллер**

Миллиардернинг хотирадари / Жон Дэвидсон Рокфеллер. Рус тилидан Фаррух Ҳасанов таржимаси. – Тошкент, 2021 й. – 176 б.

ISBN 978-9943-7084-8-8

Standard Oil Company – дунёning етук компанияси, ҳали-ҳамон довруғи сўнмаган гигант ташкилот. Унинг барча дохиёна тизими, у фаолият кўрсатаётган ва бошқарилаётган принциплар Рокфеллернинг маҳоратидир. У бундай улкан ишларни ўйлаб топган ва йўлга қўйган ягона муҳандис, кўрсатмалари асосида шу каби муваффақиятли тижорий юришлар амалга оширилаётган стратег ҳисобланади.

Қўлингиздаги китоб муваффақият билан бир қаторда муваффақиятсизликни ҳам бошдан кечирган кучли шахс – Рокфеллер ҳақидаги мемуар асардир. Китобни ўқиш орқали стратегнинг ҳаётий қарашлари ва иродаси неларга қодирлиги билан танишасиз.

Рус тилидан  
**Фаррух Ҳасанов**  
таржимаси

ISBN 978-9943-7084-8-8

© Жон Дэвидсон Рокфеллер, «Миллиардернинг хотирадари». «Yosh kuch», 2021 й.

*"Онам ва рухоний болалигимдан менга меҳнат қилиш, камхарж бўлиш кераклигини уқтириб келган".*


*"Бизнесдаги мұваффақиятнинг биринчи ва асосий шарты – бу сабр".*

*"Агар сизнинг мақсадингиз бадавлат бўлиш бўлса, сиз ҳеч қачон унга эриша олмайсиз".*

*"Мен ҳамиша ҳар қандай фожиани янги имкониятга айлантиришга ҳаракат қилганман".*

*"Мен ёлгиз ўзимнинг 100 фоиз кучим әмас, 100 кишининг 1 фоиз кучи орқали даромад олишини маъқул кўраман".*

*"Ҳамиша голиблар ва некбинлар билан мулоқотда бўлиши лозим. Айнан шундай, катта ҳарфлар билан – ФОЛИБЛАР ва НЕКБИНИЛАР".*



*66489*

## РОКФЕЛЛЕР ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШИМИЗ ЗАРУР?

“Бойликнинг ёвузлиги ва пулга гуноҳкор мухаббат ҳақида, – дейди Бокл, – борган сари кўпроқ овозлар эшитилиб туради. Ва шунга қарамай, ҳеч қандай эҳтирос инсониятга пул топиш истагичалик яхшилик келтирмаган, билим олишга бўлган интилиш бундан мустасно, албатта. Биз бу истак олдида барча савдо ва жамъ хунармандчилик жабҳалари билан қарзлормиз. Унгар бизга турли мамлакатларниң маҳсулотлари билан танишиш имкониятини тақдим этди; шунингдек, улар биздаги билим олишга интилишни янада кучайтириди ва турли миллатларниң маданияти, тили ва ғоялари билан танишиш, одамларда тадбиркорликка журъат уйғотиш, эҳтиёткорлик ва олдиндан қўра билиш қобилиятини шакллантириш, тажрибамизни бойитиш ҳамда ҳаётимизни кутқариш ва азобларимизни енгиллатиш учун чексиз микдордаги фавқулодда муҳим восита-ларни тақдим этиш орқали дунёкарашимизни кенгайтириди. Буларниң барчаси учун биз пул топиш истагидек бир куч олдида қарзлормиз. Агар ғаюр илохиётчилар бутун инсониятни йўқ қилишниң улдасидан чиққанида эди, дунёда бир тур сифатида пул топишга интилиш йўқ бўлиб кетган, биз эса табиий равищда ибтидоий даврларниң ёввойи одамлари ҳолатига қайттан бўлар эдик. Бойлик бўлмаса, меҳнат қилишга ундовчи куч ҳам йўқ, бундай куч бўлмаса, билим ҳам, санъат ҳам бўлмайди”.

Дунёниң энг бадавлат одами бўлган, бугунги кунда “савдо-сотиқ қироли” дея эътироф этилаётган Рокфеллер мемуарларининг ўқувчилари ораси-

да машхур инглиз тарихчиси томонидан айтилган ушбу сўзларнинг моҳиятини тушунмайдиган бирор ким бормикин, кимлар учун бу ҳақиқат тимсоли бўлолмайди? Шу билан бирга, ким Горацийнинг сўзларидағи залвор ва аччиқ ҳақиқатини тушунмайди: “Ким пул жамғарса, ўша қайғуни таъқиб қилаётган бўлади”.

“Менимча, – дейди Рокфеллер, – катта бойлик охир-оқибат ўз эгасига баҳт-саодат беради, деб ўйлаганлар хато қилади. Бойлар ҳам бошқалар каби одам, ва агар бойлик уларга қониқишиҳиссини бера олса, бу уларнинг қониқишиҳосил қилиш ва бошқа нарсаларни кўлга киритиш учун ҳаракат қила олиш имкониятигининг борлиги билан изоҳланади, холос”.

Бу сўзларни Рокфеллернинг мемуарларига эпиграф қилиб олиш мумкин ва, оддий тилда ҳамда ҳаёт бўёқлари билан безатилмай ёзилган ушбу хотира-ларни ўқиганда, тан олиш керакки, у бутун умри давомида мана шу сўзларга амал қилиб яшаган.

Инсоният пайдо бўлгандан буён, алоҳида хусусиятларга эга бўлган одамлар юзага чиқиши билан, жамият уларни дарҳол қоралашни бошлайди. Рокфеллер билан ҳам шундай: унинг сафдошлари, энг камида уларнинг аксарияти, Рокфеллернинг даҳо, савдо-сотиқ Наполеони бўлгани, шунингдек, бир сафар нодонлар жамиятидан ўзини йироқ тутишини, уларни ҳеч қачон ҳамкорликка таклиф қилмаслигини ва улар билан алоқа ўрнатишдан қочишини айттани учун уни кечира олмаган. Қасос олиш учун бундай “эътироф” тўла асос бўла олар эди: уларнинг аксарияти буни ҳеч қачон кечирмаган ва унумтмаган эди. “Баҳт инъомлари билан тақдирланган” одамнинг манзилига қаратилган тухматнинг заҳарли ўқлари ва улар қолдирган жароҳатлар олдида ҳаттоқи савдо-сотиқ қироли ҳам ожиз қолади.

Шундан кейин Рокфеллердан иғвогарларнинг бирига қонуний чора қўришни сўрашади. Бунга жавобан у мағрур жавоб қайтаради: “Хўш, мен нима қилишим керак? Иғвогарлар учун қонунда фақат иккита жазо белгиланган: ё иғвогарни қамоққа тиқишидаи, мен эса, ғайриихтиёрий тарзда, уни ўз дўстларининг кўзи олдида жабрланувчига айлантирган бўламан, у “қудратли одам”га қарши норозилик ғоясининг жабрланувчисига айланади. Ё уни жаримага торгади, айбланувчи мени ҳақорат қилгани учун, айтайлик, 10 минг доллар ҳақ тўлайди, ахир бу жуда кулгили-ку”.

Аммо ақл оломонга таъсир кўрсата олмайди. Агар инсонда унга таъсир ўтказиш истаги бўлса, у ўз ҳиссиётларини кузатиши лозим, керакли пафос ва “самими ишонч оҳанглари”га эга бўлган ёлғон ишонтиришлар қанчалик мунтазам ва баланд эшистилса, оломоннинг кўзи олдида шунчалик адолатли кўринади ва оломон буни шунчалик чуқур хис қиласи. Буни Рокфеллер ҳаёти давомида бир неча марта синовдан ўтказди. У ҳақда ифво қилиб юрганларнинг барчаси бу қоидага қаттиқ амал қиласар эди. Масалан, диндор оилада тарбия топган Рокфеллер черковга кириш учун навбатда турганида иғвогарлар бақиради: “Анави ярамасга қаранглар! Мана у черковларнинг марҳаматини нима билан сотиб олмоқчи! Хайрия мақсадларига миллионлаб доллар сарфлаётганига сабаб битта – у ўз виждонини ўлдиринши хоҳлайди, холос”. Агар Рокфеллер “оддий ўлимга маҳкум қилинган” йўловчилар билан поезд вагонига чиқиб қолса, иғвогарлар яна ўшқиради: “Мана бу бадбахтни кўринг, гўё ўзи учун темирийўл вагонларидан маҳсус салон қурдиришга имконияти йўқдек”. Агар Рокфеллер уларнинг маслаҳатларига амал қиласа, янада баттарроқ гап-сўз кўтари-

ларди. Чунки катта бойлик устида келиб чиққан бу каби баҳсларнинг охири йўқ эди. Ўзига ва оиласига дахл қилган барча иғволар захрига Рокфеллер умри давомида дастуриламал қилиб олган файласуфони сабр билан чидагани кишини ҳайратлантиради. Мана, яна бир мисол. Бундан икки йил олдин Рокфеллернинг қизларидан бири Францияга қилган ташрифи чоғида қаттиқ касал бўлиб қолади. Ота қийинчилклар ичида сарсон юрарди. Катта бир газетанинг топшириғи билан унга икки мухбир ҳамроҳлик қилар, ҳар кун, ҳар соатда ушбу саёҳат ҳақида газетага ҳисобот топшириб турар эди. Ўшанда ўз уйидан олисда жон талашаётган қизи сабабли азоб берувчи қўрқув ичида қолган кекса отанинг ҳиссиётлари ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди: бу фақат қизиқиш, сезги истаги эди. Охир-оқибат Рокфеллер дўстлари олдида унга жуда оғир бўлганини, қундалик сўроқлар унинг силласини қуритганини тан олди, лекин икки мухбирга ҳам ўз вазифасини бажариш осон кечмаганини ҳам қўшимча қилди. Бундан кўринадики, Рокфеллернинг инсонлардаги фазилатларга ишончи қатъий эди.

Шу ўринда Рокфеллернинг хайрия жамиятларини ташкил этиш учун 20-30 миллион доллардан кўпроқ харажат қилгани учун эмас, балки барчага маълум бўлган камсуқумлик нуқтаи назаридан, ўз мемуарларида улар ҳақида атиги бир неча сўз билан эслаб ўттани учун, у асос соглан жамиятлар ҳақида бир неча оғиз гапириш ўринли бўлар эди. Унинг номи билан аталган ягона институт – “Рокфеллер институти” тиббий тадқиқотлар ташкилоти ҳисобланади. Гап шундаки, Нью-Йоркдаги бу институтда шифокорларнинг атиги учдан бир қисми ишлайди, бошқа бир қисми Американинг турли

шахарларидағи лабораторияларда фаолият олиб боради, қолган қисми илмий мақсадлар билан чет эл сафарларида бўлади. Яқинда ташкил этилганига қарамай, бор-йўғи саккиз йил олдин, бу институт мухим амалий натижа кўрсатди: айнан шу ташкилотда фалажга қарши даволовчи сарум топилди.

Рокфеллернинг ҳаётта татбиқ этилган бошқа ғояларидан бири фойдали билимларни омма орасида кент тарқатиш ва уларнинг олий таълим олиши орқали жамият эҳтиёжларини енгиллатиш ва тўла қондириш ғояси эди. Шу мақсадда у Умумбашарий таълим кенгашига асос солди ва унга бошқа филантропларни ҳам таклиф қилди (масалан, Андрю Карнеги). Ушбу умумбашарий таълим палатаси – мұхташам қилиб “филантроплар трести” дея номланган Рокфеллернинг севимли ғояси – унинг мемуарларida батафсил ёритилган. Бундай таълим дастурининг мақсади, масалан, фермерларга қишлоқ хўжалигини юритиш санъятини ўқитиш, кейин эса уларни Американинг турли фермер хўжаликлариға юбориш эди, у ерларда эса улар янги олган билимлари билан қишлоқ хўжалигини юритишдаги янги методларни, жараёнларни кузатиш учун керакли воситаларга ҳам, керакли вақтга ҳам эга бўлмаган маҳаллий фермерларга ёрдам бериш имкониятига эга бўлди. Кейинчалик, Рокфеллер Чикаго университетига ҳомийлик қилиши билан ўз номини абадийлаштирди. Европанинг қайси бадавлат кишиси ўзи ўқиган университетта шундай хайрия қила олиши мумкин! Рокфеллернинг охирги ғояси ҳам бебаҳо аҳамиятта эга эди: ёш қизларга таълим бериш, уларни бола тарбиясига тайёрлаш, кейин эса меҳнат қиласидаган камбағал аёлларнинг хизматига юбориши. Бу маданий ислоҳот жамият учун сўзсиз катта аҳамиятта эга бўлди, ва ҳозирги кунда Америка ҳукума-

ти Рокфеллер ғояларининг мақсадга мувофиқлиги-  
ни тан олган ҳолда унинг изидан бормоқда.

Шу ўринда айтиш мумкинки, буларнинг барчаси ажойиб, барчаси катта аҳамиятга эга, буларда биз Рокфеллер шахсини рад эта олмаймиз. Лекин, шу билан биргалиқда Рокфеллер бойлигининг орти-  
шига катта ҳисса қўшган Standard Oil Company катта ножӯя шов-шувларга сабаб бўлди. Бу шубҳа-гумон-  
ларга тўхталадиган бўлсак, Рокфеллер мемуарлари-  
даги трестнинг асоси ва моҳияти ҳақидаги хотиралар  
бунга энг яхши жавоб бўла олади. Бундай фикрлар-  
нинг ажойиб мантиғига ким эътиroz билдира ола-  
ди, ким буларга қарши нимадир қила олади?

“Рақибнинг муваффақиятсизлигидан, – дейди Рокфеллер, – амалий муваффақият кутиш жуда кул-  
гили. Умуман олганда, ишбилармон кипчи ташқи таъсирга мослашувчан бўлади, тўғри, у ўз ишида тўсиқларга учраши мумкин, лекин ҳамиша осонлик билан буни енгиб ўтади. Нима бўлганда ҳам, ме-  
нинг ҳеч қачон бундай ёлғон тактикани қўллашимга тўғри келмаган. Ҳаётимнинг ягона мақсади ҳамкор-  
лик учун қобилиятлиларни жалб қилиш бўлди, уларни менга қарши эмас, мен билан ишлаш учун мослаштиришга уриндим. Шундай одамлар билан кўришганда, уларни ҳамкорликда ишлашнинг тежамкор эканини, бозорнинг кенгайишига туртки бўлишини, савдо-сотиқни алоҳида бирлаштириш-  
нинг мақсадга мувофиқлигини тушунтиришни истардим. Агар “ракобатчиларим”ни бу ғоянинг адолатли эканига ишонтира олмасам, Standard Oil Company ҳозир мавжуд бўлмас эди. Наҳотки ким-  
дир мени деб касод бўлгани ҳақида миш-мишлар тарқалиб, Standard Oil Companyга қўшилишга маж-  
бур бўлган одамлар ҳаттоқи, душманларимиз тан олган корпорациямизнинг ўзгармас рухини намой-

иш этиши мумкинлигига ишонса? Давом этамиз ва тасаввур қиласиз, ўзининг касод бўлишини олдиндан билган одам ҳақиқатан ҳам унга чиқиши йўлини кўрсатувчи ягона шахс билан бирлашишта мажбур бўлади. Лекин бирор кимсанинг қадр-қимматини жоҳилларча топтаган, бор будини тортиб олган бўлсам, ўша одам менинг компаниям ривожи учун мен билан елкама-елка ишлаши мумкинми?”

Рокфеллер аввало ташкилотчи ва ҳамкорликка тафаккур кучларини жалб қилиш қобилияти билан ажралиб турад эди. У четлаб ўтганларнинг рўйхати жуда узун бўлиб, улар орасида Рокфеллернинг ашаддий рақиблари ҳам бўлган. Трест таълимига тўхталадиган бўлсак, уни инсон кучини тежовчи машина ихтиросининг эфекти деб қабул қилиш ўринли бўлар эди. Машиналар биринчи марта пайдо бўлганида дунё бўйлаб ишчи кучи сезиларли равишда қисқартирилди, кичик тадбиркорлик субъектлари аввалбошда ўз маҳсулотларининг ҳажмини қисқартиришга мажбур бўлди, кейинчалик эса маҳсулотларини арzonроқ нарҳда сота бошлади, бу эса истеъмолчи учун товар нархида, ишчиларнинг ойлик маошида, капиталистнинг капитал ижараси ошишида кечикмай ўз таъсирини намоён этди, шундай қилиб, трестнинг фаолияти дастлаб кўринган бўлса-да, унинг бунёдкорлик ғоялари кейинчалик юзага чиқа бошлади. Агар кимdir Рокфеллер ғояларининг ёрқин келажагига ишонмаса, Рокфеллернинг айнан ўзига, айнан Рокфеллер бир неча маротаба оммавий равишда талаб қилган адолатли иш юритишига дикқатимизни қаратамиз, бу талаблар билан бир қаторда Рокфеллер давлат назорати ва жамият кафолати бўлиши кераклигини таъкидлаган – бундан ортиқ нимадир дейишимиз амримаҳол. Канчалик гайритабиий эшитилмасин, трестлар ғоя-

си чуқур социалистик идеологияни намойиш этади ва келажакнинг савдо-сотиқ тамойили ўлароқ Рокфеллер борасида ўзига хос характер ҳосил қиласди. Шубҳа йўқки, трестлар яна ва яна саноат ва тижорат бозорларини эгаллайди, савдо уйлари кириб келгани каби ҳаётимизга янада чукурроқ кириб боради.

Трест ғояси Рокфеллернинг бутун ҳаёти давомида қизил тасмадек кўзга ташланиб турди. Рокфеллер ўзининг ғояларини амалга ошириш учун 18 ёшида, черков етакчиси сифатида ибодатхона қурилиши учун хайрия маблағларини йиға бошлаганида ilk қадамларини қўйди. Ушбу хайрия трести нафақат унинг ҳаётида, бутун дунё тарихида муҳим аҳамият касб этди, чунки кўп йиллар давомида Рокфеллер ўз фаолиятини хайрия ишларига бағишлишни давом эттирмоқда.

Лекин айнан Standard Oil Company ни ишонч билан барча замонларнинг дохиёна тижорат иши деб аташимиз мумкин. Ташқи бозорларни забт этиш учун амалга оширилган савдо сафарларини фақат Наполеоннинг ҳарбий юришлари билан солишитириш мумкин. Бизнинг замонимизда, бутун ер юзида (Россиядан ташқари) Standard Oil Company томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учрамайдиган жойни топиш амримаҳол.

Модомики, компаниянинг маҳсулотлари Осиё ва Африканинг ёввойи ўлкаларида ҳам топилар экан, маданий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Юқори Ганг ва Ҳинд дарёлари бўйида керосин етказиб бериш кичкина текис дипли қайиқ, фил ёки буқалар ёрдамида амалга оширилади. Ҳинди斯顿 аҳолисининг ушбу Америка компаниясининг номини эшитмаган бирорта қишлоқ йўқ. Юзлаб шаҳарларда компаниянинг катта ҳажмдаги омборхоналари мавжуд.

Ушбу омборхоналарнинг эгалари кўпинча қўлида револвер ёки қурол билан уларни қўриқлашга мажбур бўлади, – барча жигаррангдан тортиб, қора-сариқ танлилар: зиккилар, турхалар, магометанлар, ҳиндулар. Айтиш лозимки, Кирахида Американинг асл заводларидан бири жойлашган. Бу ердаги механик мосламаларда белужистонликлар ва Ҳинд во-дийсидан келган одамлар меҳнат қилади. Маҳаллий ишчиларнинг узун соchlари ёки уларнинг кенг шимлари машина тросларига ўралиб қолишидан сақла-ниш мақсадида барча машиналар кичик сим тўрлар билан қопланган. Афғонистон остонасидағи Хай-берга кираверишда, Пешовар шаҳрида улкан омбор жойлашган. У ердаги улкан идишларда сотиладиган керосин қадоқланмайди: у Канзасдаги улкан манбадан, айтиш мумкинки, афғонларнинг омборига бевосита келиб тушади. Қувурлар ёрдамида ёнилғи Канзас нефть базаларидан керосин заводига келтирилади, у ерда эса дистилланиб, қайиқларга юкла-нади ва Ҳиндистонга юборилади, кейин эса цистерна вагонларга қуилиб Пешоварга етказилади, ва ниҳоят буқаларга қўшилган, Standard Oil Company ёзуви туширилган кичик вагончаларда керосин ёввойиларга, истеъмолчиларга етиб боради. Араблар ва қора танлилар бошчилигидаги түя ва эшаклардан иборат узун карvon ёрдамида ёввойи Осиё матери-гининг ҳудудларига кириб боради ва ўрганилмаган мамлакатлар сарҳалларида кенг тарқалади. У Маорис вайроналарида, Янги Зеландия тоғларида ишлатилади ва Гренландияда китлар билан тўлиб-тошган қирғоқлардаги кулбаларни ёритади.

Ҳиндистон, Арабистон, Эрон, Суматра, Ява, Борнео, Марокаш ва бошқа давлатларда маҳсус шакл берилган синк кружкалар ва қалай идишлар кенг фойдаланилади – бу Standard Oil Company нинг каш-

фиёти хисобланади. Маҳаллий аҳоли керосиндан ҳам, шишпадан ҳам фойдаланади, лекин иккинчи-си кўпинча ғайриоддий мақсадларда ишлатилади. Шундай қилиб, янги бозорлар топувчи, шу туфайли узоқ йиллар давомида бегона юртларда бўладиган жамият агентлари ғайриихтиёрий тарзда турли тилларни ва ҳалқларнинг урф-одатларини ўрганиб олади. Шундай агентлардан бири Маскатда беш галлон керосин идишидан (тахминан 22 литр) ясалгаи қуш қафасини сотиб олган экан. Қафас жуда мукаммал ясалган бўлиб, унда барча керакли нарсалар бор экан: эшикча, емакдон, устунлар, қушлар учун арғимчоқ – барчаси оддий керосин идишидан яратилган эди. Бу каби худди хушбўй ифор билан тўлдирилган идишларни Ҳиндистон ибодатхоналарида тутатқи сифатида ишлатилаётганини кўриш мумкин; шунингдек, уларни Байрут, Лакнау, Калькутта, Мадраса бозорларининг расталарида ғуруч учун ликопчалар, ҳаттоқи сув учун флягалар, сут идишлари ва лампалар кўринишида учрайди. Баъзан бу флягалар қимматбаҳо буюмларни оловдан химоя қилувчи қути вазифасини ўтайди.

Бундай узун йўлда енгиб ўтилиши лозим бўлган кўплаб қийинчиликлар учрайди: баъзан бу муаммолар диний ва ирқий хусусиятларга эга бўлади, у ерда компания қўшимчаларнинг шакл топган бетартиблигига дуч келган бўлса, бу ерда шафкатсиз ваҳшийлик гувоҳига айланди. Битта муваффакиятли савдо юришини амалга ошириш, бозорни забт этиши учун неча миллионлар сарфланганини тасаввур қилиш қийин, бу меҳнатнинг барчасини ёритиб бериш бир китобга сигмаса керак. Биз бу ерда Хитой бозорининг забт этилиши ҳақида қисқача баён қиласиз, бу эса енгиб ўтилган машаққатлар ҳақида қисқагина бўлса ҳам тасаввур бера олади.

Standard Oil Company стастистикасининг ҳисоб-китобларига кўра, агар Америка керосини Хитой бозорларини эгаллашга муваффақ бўлса, узоқ муддат янги бозорларни топиш масаласида ташвишланмаса ҳам бўлар эди. Тижорий юришнинг биринчи қадамлари бошланди. Аввалбошда хитойликларнинг алоҳида жамиятлари керосиндан фойдаланишни жиноят деб эълон қилди. Руҳонийлар керосиндан фойдаланганларга жазо тайинлади, Ўрта давлат бўйлаб тарқалган, доимий ўзаро алоқада бўлган катта савдо гильдиялари эса керосин сотишга уринган ҳар бир савдогарга бойкот эълон қилди. Бунинг жавоби оддий эди: хукмрон табақанинг кўпчилик вакиллари ўсимлик ёғининг ишлаб чиқарилишидан манфаатдор эди, шунинг учун улар бозордан минерал мой ёрдамида маҳаллий маҳсулотларга жиддий рақобатчилик қилаётган “бегона шайтон”ни қувиб чиқариш учун бор нуфузини ишга солди. Дастрраб хитойликларнинг керосинга нисбатан қандай муносабатда бўлишни билмагани бунга қўшимча бўлди. Уларнинг ойнасиз чироқ лампалари бизнинг чекиш хоналаримиздаги каби бадбўй ҳид таратар эди – уларнинг ёруғи паст бўлса-да, кишини безовта қилас, ҳеч қандай нокулагайлик тутдирмас эди. Албатта, бундай лампаларда керосин ёкиб бўлмасди, шунинг учун Хитой аҳолиси учун биринчи навбатда арzon ва муқобил лампани ихтиро қилиш лозим эди.

Узоқ йиллар давомида компаниянинг техникалари ушбу лойиҳа устида иш олиб борди, лекин ҳали муваффақиятга эришмаган эди. Янги ихтиро қилинган лампанинг кенг тирговичли резервуари ёрқин ранглар билан бўялган ва осиш учун илгак билан безатилган эди. Пахта максимал даражада ёруғлик беришга мўлжалланган, шиша эса кўпроқ тортиш

кучига эга қилиб ишланган эди; бир марта түлдирилгандай лампа 11 соат нур таратиб турғанда, бу лампа мукаммал ясалған эди. Компания учун лампанинг таннархи 11 центта тушса, хитойликларга 71/2 центдан пулланди. Масалан, ўтган йили бундай лампалар Хитойда тахминан миллион нусхада солылди. Компания агентларидан бирининг айтишича, қиши тұнлари ўртача 16 соат давомында өткізгендегі Хитойнинг қоқ юрагида яшовчи одамдар керосиндан фойдаланишни ўрганды.

Марказий Хитойнинг юзлаб кичик қишлоқларидан компания лампасининг сурати түширилған, остига хитойликларнинг содда рухиятини тушнұвчи саводхон томонидан ёзилған құлланма матни түширилған плакатлар пайдо бўла бошлиди. Матнинг тахминий таржимаси қуйидагича эди:

*“Бахт, узоқ умр, масалли ва тинчлик!*

Агар бахт, узоқ умр, масалли, соглиқ ва тинчликка эга бўлишни истасангиз, сизни ёргулук ўраб туриши лозим. Ёргулук ичидә яшаши иммий асосдан ишлаб чиқарилған, Мей-Фу мойи ёнадиган Мей-Фу-Гонг лампасини ёқишишингиз лозим. Агар ушбу лампа ва мойни ёқсангиз, у кундек ёргулук таратади.

Мой билан түлдирилған лампа 10 соат давомида ёритиб туради; Мей-Фуга тенглаша оладиган мой ҳеч қаерда йўқ.

Бу лампани столга қўйиш, деворга илиш ёки қўлда олиб юриш мумкин. Ким уни сотиб олса ҳам, барака топади. Standard Oil Company уни иммий асосдан тайёрлади, моҳир рассомлар ёрдамида лампани лойиҳалаштирилди, унда мой бадбўй ҳид таратмай, сўнгги томчисигача ёнади.

Агар бу маҳаллий чилангарлар ишлаб чиқарған кам ёргулук тарқатувчи лампадан бироз қимматроқ бўлса,

үйингизда бундай лампа бўлиши хонани янада ёритади ва кечаси билан чарчамай ишлаш имконини беради. Мана сизга биринчи фойда. Кейин, фарзандларингиз ҳам кечаси билан ўқиши мумкин, бунинг учун ушбу лампа қулайлик яратади, улар эса бажонидил билим олиш билан банд бўлади.

Ўглиниг ўқимишли бўлишини истамайдиган бирор ота топилмаса керак. Шундай экан, лампа бу йўналишида сизга тадрижий, лекин қатъий ҳамкорлик қиласди. Сизга галати туюлиши мумкин, лекин буларни қуруқ гап деб ўйламанг. Ишонинг, буларнинг барчаси ҳақиқат.

Айримлар айтиши мумкин: "Бу лампани сотиб олгандан кейин шишаси тушшиб қолса ёки синса, у ҳеч нарсага ярамайди, чунки унинг ойнасини алмаштириб бўлмайди". Шундай экан, Standard Oil Company ҳар бир портда шиша ойналарнинг катта захирасига эга бўлиб, уларни исталган жойга юбориши мумкин. Компания улар учун маълум нархни белгилаб қўйган, сотувчиларга эса маҳсулотларни белгиланган нархда сотиш мажбурияти юклатилади: ҳар бир шиша ойнали лампалар ва масмалари оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас 17 Мексика центига сотилади. Бир вақтнинг ўзида бир нечта сотиб олган харидор чегирмага эга бўлади.

Хали ҳам лампани қиммат деб ўйланяпсизми? Аслини олганда у ҳеч қанча турмайди, ахир сиз натижада қўйидагиларга эга бўласиз:

Бахт, Соглиқ ва Узок умр".

Аввал айтганимиздек, ушбу плакат реклама шедеври ҳисобланади. У жойларга ёпиштирилган заҳотиёқ, атрофи қизиқиши билдирган одамлар билан тўлган, саводи борлар эълонни ўқиб эшигтирган, ва шундай қилиб ишлар изига туша бошлаган.

Америка керосинини Европага олиб киришда турли қийинчиликлар юзага келган, уларни бу ерда

батафсил ёзишга ҳожат йўқ. Standard Oil Company ёки, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсақ, у орқали Европада ташкил этилган компаниялар ўртacha етмишдан ортиқ улкан портларга ва қуруқлиқда тўрут мингта омборга эга бўлиб, улар айланмасида тўрут мингта вагон цистернасига эга ўн олтига заводга асос соглан савдо агентликлари билан алоқадор хисобланади. Бу рақамларга шосселарда юрувчи яна икки мингдан ортиқ вагон цистерналар, тахминан юз элликта буссир, пароход, қирғоқ кемалари ва баржалар қўшилади. Европада керосин етказиб бериш эрасини бошлаб берган биринчи цистерна-пароходи биринчи марта 1885 йилда Европага тахминан бир миллион галлон керосин билан кириб келган. Бугунги кунда керосин буссирлар билан ҳам етказилади. Икки йил олдин қурилган "Ирокез" ва унинг баржаси камида бир юзу йигирма минг тонна (7 200 000 пуд) юкни сиғдира оларди. Баржалар ҳалокатининг олдини олиш мақсадида кемалар бир-бири билан симсиз телеграф орқали боғланган.

Айтиш мумкинки, Standard Oil Company ҳар бир чақани хисоб-китоб қиласи, буни цистерна-пароходларнинг ортга қайтишида бортига юк ортишидан ҳам кўриш мумкин; тинч пайтларда ҳатто Нью-Йорқдан келган танкерлар Антверпенга дон олиб кетган. Танкерлар ортга қайтишда Рангундан гуруч, Явадан шакар, Хитойдан чой ва қуруқ мевалар олиб келади. Осиё гаваналаридан бирида керосинини бўшатгач, танкерлар шамоллатилади ва дезинфекция воситалари ёрдамида тозаланади, шундан кейин пароходларнинг ҳар бирига иккичи пол ва иккичи девор қўйилади, шундай қилиб, собиқ цистерна-пароход оддий юк ташувчи кемага айланади. Юк ташишнинг бундай усули компанияга сезиларли даражада фойда келтиради.

Ҳар қандай материалнинг исроф бўлиши ва ишчи кучининг бекорга сарфланишидан сақданиш компаниянинг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Лекин бу ажойиб иқтисодий тизим ҳеч қанақасига одатий йиғимларни англатмайди. Аксинча, савдо-сотиқ учун қулай шарт-шароитларни яратиш учун компания батъзан исрофгарчилликка ҳам йўл қўяди, лекин, агар фақатгина қатъий тежамкорлик шароитида фойдага эришилса, у иқтисодиётни меъеридан ортиқ чегарагача олиб боради. Мисол учун, компания, кўплаб кафолатларга қарамай, перо ва қаламдан фойдаланишда ходимларининг исрофгарчилигига тўсқинлик қилмайди, лекин пайвандлаш вақтида ерга тушган металнинг барча бўлаклари обдан тўпланади ва йиғиб қўйилади. Ҳовлилардаги гўнглар тўпланади, эҳтиёткорлик билан тозаланиб, қайта ишланади, ҳатто қутилар ҳам пулланади, унинг ёрдамида Англиядан қалай етказиб берилади ёки ёкиш учун ишлатилади. Компания ходимлари эса қисман уларнинг қўллари орқали ўтувчи 50 минг долларлик чекдан кўра, шундай майда-майда даромадлардан фахранади.

Standard Oil Company, унинг барча дохиёна тизими, у фаолият кўрсатаётган ва бошқарилаётган принциплари Рокфеллернинг маҳоратидир. У бундай улкан ишларни ўйлаб топган ва йўлга қўйган ягона муҳандис, кўрсатмалари асосида шу каби муваффақиятли тижорий юришлар амалга оширилаётган стратег ҳисобланади.

Ўзига содик ёрдамчиларни излаб топа олган, ўз ишида уларнинг ҳар бирига муносиб ўринни бера олганлар бугунги кунда кўплаб ютуқларга эриша олади. Бундай маҳорат Рокфеллерни бошқалардан ажратиб турган, унинг ва Standard Oil Company-нинг муваффақияти сири аслида шундан иборат.

Рокфеллернинг таъсир кучи ҳамиша атрофдагилар-нинг ҳайратига сабаб бўлган. Унинг мемуарларида бир нечта ажойиб ҳангомалар келтирилган. Ва бу қобилият умуман унинг шахсиятидаги жозибадорлик натижаси эмас, балки ундан ҳам ортиғи – унинг етук тафаккурининг инсонларга таъсири натижаси ҳисобланади.

Наполеон армиясининг аскарлари каби, Standard Oil Company ходимларининг ҳар бири ўз сумкасида маршаллик таёқчасини олиб юради. Уларнинг ҳар бири, ўз самарадорлигига қараб, асосий бошқарувдан ўрин эгаллайдиган ажойиб кунга умид бөглажи мумкин. Уларнинг барчаси ўз фаолиятини қуиي погонадан бошлайди ва ўз хизматлари билан қобилиятларини ҳамда эркинлигини шакллантириб боради. Уларда бизнинг ўлик тартиб-қоидаларимиз йўқ. Уларнинг ҳар бири маълум микдорда мустақиллик ва ҳаракат эркинлигига эга, аксариятининг елкасида катта масъулият бўлса, аксарияти алоҳида ваколатларга эга, шунинг учун, бизга қон билан сингган европача одатларимизга зид равишда, компания фаолияти гуллаб-яшнайди. Рокфеллер ҳаётда ҳам бошидан товонигача демократдир.

Директор, бошқарувчи ва камсукум ҳисобчи, миллионер ва хизматкор – уларнинг барчаси бир стол атрофида нонушта қиласди. Яна қаерда бу каби нонуштани учратиш мумкин? Бошқарувчи директордан тортиб, оддий отбоқаргача, ташкилотнинг барча аъзолари учун умумий бўлган корпорациянинг бундай баланд руҳига шундай бирдамлик сабаб бўлса керак.

Рокфеллернинг юзага чиқишидаги илк даврларда қанчадан-қанча босимлар, қанчадан-қанча аёвсиз ҳақоратлар бўлмади! Масалан, унинг одамлари (тўғри, фақат тасвиirlарда) осилган, кейин-

роқ трестга тегишли фирмаларнинг цистерналари бурғуланган. Рокфеллернинг атоқли номи қандай маломатларга қолмади! Ажойиб жиҳати шундаки, қандай номаълум душман билан учрашишига тўғри келмасин, қўй терисини ёпинган бу душман бўрига нисбатан қанчалик газаб билан шайланган бўлмасин, жаҳд отига минганди бу душман Рокфеллернинг ажойиб ва очиқ муносабати туфайли дўст ва муҳлиста айланарди. Яқинда газета саҳифаларида бир хонимнинг мактуби пайдо бўлди, аёл хатда “фарзандимни очликдан ўлишдан сақлаб қолиш учун бу қонхўрдан пул олмайман” деб таъкидлаган. Энди эса у қуидагича иддао қиляпти: “Кўй терисини ёпиниб олган бўридан шубҳаланиш учун асос бўладиган бир ҳаракатни пайқаш учун, кундан-кунга Рокфеллерни кузатиб бордим. Барчаси бекор! Бу кекса, меҳрибон, ҳиссиётлари самимий инсон менга нисбатан ҳамиша хотиржам,adolatli, нима бўлишидан қатъи назар,adolatli, кўк рангдаги икки ёрқин кўзлари билан табассум қилишга тайёр бўлди, мутлақ ошкоралик билан ўзининг ўтмиши, бугунги кунгача босиб ўтган йўли ҳақида гапириб, турли хил саволларга бажонидил жавоб берди”.

Ҳозирги замоннинг мағкуравий оқимида Рокфеллер ҳарактеристикаси биз учун аниқ бўлмаслиги мумкин, у ҳали ҳам ҳаёт бўлса-да, ҳар қандай бўёқдан холи бу каби камсукум картиналар, мемуарларда – фақат шу ерда унинг ажойиб шахсияти ва буюк ишлари билан танишамиз ва, эҳтимол, унинг бадавлатликкача бўлган йўлинни билиб олармиз.

*Dr. A. Hn.*

## СҮЗБОШИ

Ишонаманки, ҳар бир инсоннинг ҳаётида шундай вақт келади, ўтмишининг асосий босқичлари ни шакллантирган ҳаётидаги катта ва кичик ҳодисаларни кузатиш учун ортга қараш истаги пайдо бўлади. Менда ҳам кутилмаганды эски сұхбатларни эсга олиш ва ҳаловатсиз ҳаётим давомида гувоҳ бўлган одамлар ва воқеалар ҳақида ҳикоя қилиш истаги пайдо бўлди.

Бутун ҳаётим давомида бизга ватандош бўлган жуда ғалати одамлар билан учрашишга тўғри келди (тўғри, бу муносабатлар асосан иш юзасидан эди), улар шундай одамлар эдики, Кўшма Штатлар савдо соҳасининг ривожланишида ва товарларининг бутун дунё бўйлаб тарқалишида катта рол ўйнаганди. Бу воқеалар айни дамда менинг хотирамда аниқ-равшан қўзғолон кўтарди, улар аввалбошда содир бўлганидек ҳозир ҳам мен учун жуда муҳим.

Инсон ўзининг шахсий ишларини жамиятнинг диққатидан сир тутиш ва хужумлардан сақланиши хуқуқи борасида озмунча тортишувлар бўлмаган. Гап шундаки, агар у ўзининг шахсий ишлари ҳақида гапирса, эгоизмда айбланиши мумкин. Агар сукут сақласа, ўзини оқлаш учун бир оғиз сўз айта олмай, айбини тан олган саналади.

Шахсий ишларимни жамоатчиликка очиқлаш менинг табиатимга мос келмайди. Лекин бир сафар оиласи, дўстларим тущунмовчиликларга ва мунозараларга сабаб бўлаётган вазиятларга барҳам бериш учун ҳисоботга ўхшаш нимадир ёзишни маслаҳат

берди, фаолиятим ҳақида дунёга йилт этган ойдинлик беришимни сўрашди, мен эса бунга жавобан, уларнинг таклифини инобатта олиб, ҳаётимга маъно бағишлаган воқеалар ҳақида ёзишни бошладим.

Хотираларимни ёзишга яна бир туртки бор эди. Агар мен ҳақимда айтилганларнинг ўндан бир қисми ҳақиқат бўлганида, мен билан ишлайдиган юзлаб қобилиятли инсонларнинг барчаси атрофдагиларнинг кўзи ўнгида оғир жиноятларда айбдор деб топилган бўлур эди. Менинг ўзимга келадиган бўлсак, аввалбошда, ўлимимдан кейин барча ҳақиқат юзага чиқишига авлодлар ўзининг адолатли ҳукмини чиқаришига умид қилган ҳолда, бир оғиз ҳам сўз айтмасликни истагандим. Лекин ўзим етакчи ролга эга бўлган кўплаб воқеаларни фақатгина ўзим изоҳлай оларканман, демак, ўзим баъзи тушунтиришларни беришим керак деб ўйладим, умид қиласманки, бу кескин мунозараларга сабаб бўлган кўплаб вазиятларга ойдинлик киритади. Ишончим комилки, менинг ҳаётимда нотўғри талқин қилинган воқеалар жуда кўп бўлган.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлганларнинг барчаси мархумлар хотирасига тааллуқли бўлиб, тирикларнинг обрўсига ҳам даҳл қиласди. Менинг назаримда, жамоатчилик илк ҳаракатлардан тортиб энг охирги ҳукмгача бўлган кўплаб жиҳатлар билан танишиб чиқса тўғрироқ бўлар эди.

Ушбу хотираларнинг бошланишида, менинг бу масалада тайинли яхлит фикрим ҳам йўқ эди, улар қачондир алоҳида китоб ҳолида дунё юзини кўради деб ўйламагандим. Ҳатто уларни оддий таржимаи ҳол кўринишига келтиришни режа қилмаганман. Ҳеч қандай тартиб ва режаларсиз барчасини қоғозга туширдим, бу эса, ҳар қандай мукаммаллик талабларидан қочтан ҳолда, менга қизиқ туюларди.

Күнделік машғулотлар ва узоқ йиллар давомида ишдаги қадрдан ҳамкасбларим, компания аъзолари билан дүстона муносабатлар ҳақида баттафсил ёзиш имконияти менга миссліз завқ ва чин дилдан қониқиши ҳиссини берар әди. Мен учун қанчалик қадрли эканига қарамай, бу каби битиклар ўкувчини қизиқтирмаслигини яхши тушунаман. Шу сабабли ўз хотираларимда компанияни ташкил этишда меңнат қылған сон-саноқсиз ишчилар армияси, мен билан елкама-елка ишлаган құллар ҳақида баъзи жиҳатларни ёзаман.

Ж.Д.Р.  
Март, 1909 йил.

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ САНЬЯТИ

### Ота уйи

Ҳаётимда тўғри йўлни кўрсатгани учун отамнинг олдида бир умр қарздорман. Саноат соҳасида тўла иштирок этган, улар ҳақда мен билан сұхбатлашишни хуш кўрган отам менга ишнинг моҳиятини англатди, уни юритиш усуllари билан таништирди. Болалигимданоқ кичкина бир китоб тутар эдим (уни “ҳисоб-китоб дафтари А” деб номлаганман ва у ҳозиргача сақланиб қолган), унга мунтазам равишда хайрия учун сарфланган барча кирим ва чиқимларни тартиб билан ёзиб борар эдим.

Оз даромадга эга одамлар, ўзининг кўплаб эҳтиёжларини қондириш учун қатор хизматчиларга эталик қиласиган бой-бадавлатларга қараганда, асосан, уюшган оила даврасида яшайди. Менинг ота-онам уларнинг биринчи турига мансуб бўлгани учун тақдиримга шукrona айтмай иложим йўқ.

Етти ёки саккиз ёшларимдан бошлаб тижорат билан шуғулана бошладим, биринчи “бизнес” имни онамнинг раҳбарлиги остида йўлга қўйдим. Менинг бир нечта куркаларим бор эди, уларни боқиши учун онам сутли маҳсулотлардан қолган қолдиқларни берар эди. Уларни боқиши ва сотиш билан ишибилармон киши сифагида ўзим шуғулланар эдим. Барча даромад менинг фойдамга кетар, ҳеч қандай чиқим йўқ эди, бори ҳам онамнинг ҳисобидан бўлган. Шундай қилиб, менинг “давлатим” ўсиб борди. Унинг ўсиб боришини қўлимдан келганча аниқ қилиб ҳисоб-китобимга белгилаб бордим.

Бу иш мени қувонтирарди. Ҳатто ҳозир ҳам озук-лантирилган паррандаларимизнинг сув бўйида ва унча катта бўлмаган мулкимизнинг дараҳтзорларида мағрур сайд қилиб юрганини кўргандек бўламан. Ўша болалик қунлари билан биргалиқда, қуркалар подасига нисбатан хайриҳоҳлик ҳиссини бутун умр сақлаб қоламан ва улардан завқ олиш имконини бой бермайман.

Онам “оиламизнинг обрўси”ни сақлаш учун биздаги тартиб-қоидага амал қилинишини қаттиқ назорат қилган, бу “обрў”ни бизнинг номаъқулчилкларимиздан қайин таёғи билан ҳимоя қилган. Бир куни, аниқ эслайман, қишлоқ мактабимиздаги бир кўнгилсиз воқеа туфайли онамнинг бу жонкуярлиги билан яқиндан танишиш имкони бўлди. Кейин, жазоланиш пайтида менинг умуман айбдор эмаслигимни исботлашга ҳаракат қилиш фикри туғилди.

– Ҳечқиси йўқ! – деди онам бунга жавобан. – Жазолашни бошлаб бўлдик-ку! Нега уни тўхтатишимиз керак, келажакда фойдаси тегади!

Бундай мантиқий эҳтиёткорликни онам ҳеч қачон канда қилмаган. Ҳалигача ёдимда, бир куни тунда биз, болаларни ой нури остида коnyderида учиш истаги тинч қўймади, аслида бизга тунда муз учиш қатъий тақиқланмаган ҳам эди. Биз барибир чиқдик, завқланишни энди бошлаган ҳам эдикки, кимнингдир ёрдам сўраб бақираётганини эшитдик ва ўша томонга югардик. У ерда муз ёрилиб сувга тушиб кетган қўшнимизни кўрдик, у ўлим ёқасида эди. Биз унга дарҳол қўл узатдик, уни ўрадан чиқариб олишга ва соғ-саломат оиласининг бағрига қайтаришга муваффақ бўлдик. Акам Вильям ва мен ўзимизни бир умид билан овутар эдик: конкида муз учиш чоғида кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиш

хар куни ҳам насиб этавермайди, шундай экан, хатти-харакатларимиз учун жазоланаётганимизда энг камида мана шу енгиллаштирувчи ҳолат бизнинг фойдамизга ишилаши мумкин эди. Лекин жазонинг енгиллатилиши борасидаги умидларимизни қаттиққўл ҳакам – онамиз пуч ёнғоққа айлантириди.

## Ишнинг бошланиши

Аввалига мени университетта ўқишга беришмоқчилигига қарамай, 16 ёшга тўлишим билан, отонам мактабни битиришимга оз қолганда бир неча ойга Кливленддаги савдо-сотик мактабига жўнатишни маъқул кўрдилар.

У ерда бухгалтерияни ўргандик ва ўқувчиларни савдо-сотик илмининг асосий принциплари, муомаласи ва бошқалар билан таништиришди. Бу мактабда мен унча кўп бўлмаган бўлсам ҳам, атиги бир неча ойда ўзим учун жуда катта фойда билан чиқдим. Бу мактабни тугаттагач, қаердан иш топсан бўлади, деган саволга дуч келдим. Бир неча ҳафта ва ойлар давомида мен ҳар бир дўкон ва идоралар остонасига кириб чиқдим. Ҳар бир кирган жойимдан ўқувчи керак ёки йўқлигини сўрадим ва рад жавобини олдим. Жуда камчилик инсонлар мен билан одоб юзасидан гаплашдилар. Ва ниҳоят, кливлендлик бир тижоратчи менинг тушликдан сўнг келиб-кетишимни сўради. Мен ўзимда йўқ хурсанд эдим: ва ниҳоят узоқдан нимадир порляяпти, ва ниҳоят иш бошланяпти.

Бу воқеа 1855 йил 26 сентябр куни бўлиб ўтган эди. Фирма “Тевит ва Теттл” деб аталарди. Узоқ изланишлардан сўнг топилган бу баҳти тасодиф бир зумда йўқ бўлиши мени даҳшатта солар эди.

Бу фирмага боришни интизорлик билан кутардим. Бориш вақти келганды эса бўлажак принципиалим, яъни раҳбарим менга: “Мен сизни синов тариқасида ишга оламан”, деди. Ойлик маош ҳақида на у, на мен бир оғиз сўз айтмадик.

Менинг иштиёқим жуда баланд эди. Бошқа ўқувчиilar билан такқослаганда, менинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатим бор эди, яъни отам мен билан амалий характерга эга бўлган сұхбатлар ва муҳокамалар олиб борар, бундан ташқари, мен мактабда савдо-сотик принциплари билан танишиб чиққан эдим. Шундан келиб чиқиб, савдо-сотик бўйича етарли билим захираси ва малакасига эга эдим. Ва бу билимларни ривожлантиришим мумкин эди. Бахти тасодиф туфайли менинг тақдиримга ўз ишининг устаси бўлган бухгалтер бўлиш ёзилган, у менинг ишларимдан чин кўнгилдан мамнун эди.

Кейинги йилнинг биринчи январида Тетта менга йилнинг биринчи чораги учун 50 доллар ойлик берди. Бу менинг меҳнатларим учун яхшигина мукофот эди ва мен бундан хурсанд эдим.

Кейинги йилни ҳам тўлиқ шу ерда ўтказдим. Идора ишларини ўрганиш ва бу корхонанинг бир неча соҳаларини ўзлаштириш эвазига ойига 25 доллардан ола бошладим. Бу улгуржи комиссиян ва экспедицион савдо-сотик эди ва мен шугулланаётган ишларнинг маркази идора эди. Менинг бошқарувчим юқорида тилга олинган бухгалтер эди, у йилига ҳеч қандай фойдасиз 2000 доллар ойлик олар эди. У йил давомида ишдан кетди. Унинг ўрнини мен эгалладим ва менга бухгалтерия, шунингдек, собиқ бошлиғим бажарган бошқа ишлар учун 500 доллардан ойлик берила бошлади.

Үқувчи сифатида мана шу даврдаги ишимга қараб, шу ишим кейинги ҳаётимда жуда катта маъно-мазмунга эга эканини англадим.

Шундан бошлаш керакки, ишим деярли идорада бўларди. Ҳар доим менинг иштирокимда иш ҳақида гапирилар, ўша жойда янги корхоналар режаси тузилар ва янги ишбилармонлик иттифоссварининг лойиҳалари ишланарди. Шу йўл билан мен ўзим билан тенг бўлган бошқа ўқувчиларга қараганда кўпроқ нарсани ўргандим. Бу ўқувчилар характеристига кўра мендан фаолроқ, балки яхшироқ бўлгандир, улар арифметикани ҳам яхшироқ билишар ва ёзувлари ҳам жуда чиройли эди. Бизнинг фирмамиз мана шундай турли хил ишбилармонлик муносабатларига асосланган эди. Менинг бу соҳага тайёргарлигим, истайманми-йўқми, тижоратнинг барча соҳаларини қамраб олган эди. Раҳбаримнинг уйлари, омборлари, қурилишлари идора учун берилган эди, энди менинг вазифам ижара ҳақини йигишдан иборат эди, бундан ташқари, бизнинг экспедицион ишимиз бор эди ва бизнинг юкларимиз темирийўл, сув йўллари, ҳаттоқи денгиз йўллари орқали ҳам юрар эди. Кундан-кунга ишимиз кенгайиб, янги соҳаларни эгаллаб борар эдик. Буларнинг барчаси билан мен иш жараёнида тўқнаш келдим.

Мана, нима учун бирор бир йирик ишда замонавий бухгалтер бажарадиган вазифалардан кўра менинг ишимнинг қўлами қизиқроқ. У ҳақиқатан ҳам мени қизиқтирас эди. Кейинчалик эса менга ҳисоб-китоблар ревизияси топширилди, яъни ҳар бир ҳисоб рақам моддасини битталаб текширишга тўғри келарди, шу тариқа фирманинг барча ҳисоб-китоблари менинг қўлимдан ўтар ва бу ишга вижданан ёндашар эдим.

Аниқ эслайман, бир куни қўшни идорадаги тижоратчининг ёнига кирдим. Щу пайти унинг ёнига маҳаллий пудратчи катта ҳисоб рақами бўйича ҳисобот топширишга кирди. Тижоратчи эса директор каби доимий банд инсонлар қаторига киради, эҳтимол, у ўнлаб жамиятларнинг аъзосидир. У катта ҳисоботга кўз югуртириб олди-да, ниҳоят, бухгалтерга қараб: "Илтимос, ҳисоб бўйича тўлов қилинг", деди.

Бу пайтда эса мен бир неча бор бу пудратчининг ҳисоботини қўриб чиқиб, унинг хулосасини яхшилаб текширар эдим. Бу ўзига хос юзаки қўриб чиқиш ва тўлов қилиш учун берилган буйруқ менга ёқмаётган эди, чунки ҳисобларни жиддий назорат қилиб қўриб чиқиш хўжайинларимиз учун фойдали эканига ишонч ҳосил қилдим. Энди бу фикримга кўпгина замонавий тижоратчилар қўшилади, деб қаттиқ ишонаман, менинг назоратим худди экзекуцияга ўхшарди, яъни мен раҳбаримнинг пулларини етказиб берувчиларнинг очкўз чангалидан озод қиласдим. Бу иш менинг бошқа ишларимга қараганда жуда ҳам масъулиятли эди.

Ишни юқорида келтирилганидек юритиш услуби ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаслигини жуда эрта тушуниб етдим.

Менинг бутун фаолиятим давомида: ҳисобларни текшириш, ижара тўловларини ундириш, ҳисобларни тартиблаш талаблари ва бошқаларда турили-туман инсонлар билан ишлашга тўғри келган. Тижорат нуқтаи назаридан яхши ишбилармонлик муносабатларини бузмаган ҳолда турили табақадаги инсонлар билан қандай муомала қилиш кераклигини ўргандим. Вақти келганда ишни муваффақиятли якунлаш учун қўлимдан келганча ўзига хос чаққонлик билан ҳаракат қилишга уриндим.

Мисол келтирамиз: биз Вермонтдан Кливлендга мармар тоши етказиб беришимиз керак эди. Ишнинг моҳияти юкни дарё ёки дентиз орқали кемада юк ташиш нархини чақонлик билан тақсимлашдан иборат эди. Йўқотиш, юк ташиш вақтидаги товарларнинг шикастланишидан пайдо бўлган зарарлар ва бошқалар ҳар қандай йўл билан бу уч хил транспорт воситасини тарқатишидан иборат бўлиб, бу масалани ечиш учун ёш мутахассиснинг ақли зарур эди. Бу масала барчани, шу қатори менинг хўжайинимни ҳам қизиқтирарди. Аввалига бу ишга кучим етмайди, деган фикр хаёлимдан ўтди. Бу борада бирор бир одам билан тўқнашув бўлмади деб ҳам айттолмайман. Бу тажриба, яъни ҳар бир инсоннинг қизиқишиларини раҳбарим иштироқида ўзаро боғлаш, мен билан маслаҳатлашиш учун учрашишга бажонидил келаётганилар айни менинг жуда ёш, таъсирчан давримда ўзим учун фавқулодда ибратли эди. Бу менинг савдо-сотиқ алоқалари-даги биринчи қадамларим эди. Лекин бу масалага кейинроқ тўхталамиз.

Бошқа шахслар олдида ўз фаолиятинг учун масъулият ҳиссини тарбиялаш ҳамма учун фавқулодда фойдали. Бу нарса менга ҳам фойда келтирди.

Мен ўзим учун баҳт деб ҳисоблайдиган ҳолат шуки, ўша пайтлари биз ҳозиргига қараганда икки баробар кам маош олганмиз. Кейинги йил раҳбарлар менинг маошимни 700 долларга кўтаришиди. Лекин мен уларнинг ишида энг камида 800 доллар олишим керак деб ҳисоблардим. Кейинги йилнинг апрел ойигача бу масала менинг фойдаламига ҳал бўлмади. Кулай имкониятдан фойдаланиб, мана шу турдаги мустақил ишни очишга қарор қилидим ва ўз иш ўрнимдан воз кечдим.

У вақтлар Кливлендда ҳамма бир-бирини танир эди. Шаҳар тижоратчилари ичида бир ёш инглиз М. Б. Кларк бор эди. У мендан 10 ёш катта эди. Кларк мустакил иш очмоқчи ва бунинг учун шерик излаётган эди. Бу ишга 2000 доллар сармоя киритмоқчи ва мана шундай сармояга эга бўлган шерик қидираётган эди. 700-800 доллар маблағ йиққан мендек одам учун бу жуда қулай имконият эди. Масаланинг иккинчи томони эса қолган маблағни қандай топишдан иборат эди.

Мен отам билан гаплашдим. Отам менга анчадан бери фарзандлари 21 ёшга тўлгач ҳар бирига 1000 доллардан беришга қарор қилиб юрганини айтди. Лекин айни пайтда кута олмасам, у менга сўраган пулимини беришга тайёрлитини билдириди. Албатта, мен 21 ёшга тўлгунимча унга ўз сармоямдан фоиз тўлаб туришим керак эди. “Лекин, Жон, менга 10 керак!”, деб сўзини якунлади отам.

Ўша вақтларда бундай қарзлар учун 10 фоиз нормал ҳисобланар эди. Тўғри, банкларда фоизлар бироз пастроқ эди; лекин ташкилотлар, албатта, барча кредит талабларини қаноатлантира олмас эди. Шунинг учун алоҳида шахслар учун белгиланган фоизлар баланд эди.

Ҳаётда ўз ўрнимни топиш учун пулга муҳтоҷ бўлганим сабабли отамнинг таклифини хурсандчилик билан қабул қилдим ва шу тарзда “Кларк ва Рокфеллер” фирмасининг кичик компаниони сифатида ўз шахсий ишмни бошладим.

Мен учун фирманинг ўз раҳбари ва иш берувчи-си бўлиш жуда муҳим эди. Ақдан ўйлаб қаралгандага, мен асосий капитали 4000 доллар бўлган фирмада шерик эканимдан баҳтиёр эдим. Кларк сотиш ва сотиб олиш билан, мен эса бухгалтерия ва маблағ билан шуғулланар эдим. Бошида бизнинг омади-

миз келди. Биринчи йилданоқ ярим миллион долларлик буюртма олдик. Бу масалада бизнинг кичик капиталимиз етмас эди. Шундай экан, бизнинг бирор бир банкдан қарз олишга уриниб кўришдан бошқа чорамиз қолмаган эди.

Лекин ҳали банк бизга қарз берадими?

## Биринчи кредит

Истасам-истамасам ўзим таниган банк эгасининг ёнига боришимга тўғри келди. У ҳам мен ҳақимда озмунча билар эди. Ҳалигача аниқ эслайман, қарз ололаманми-йўқми, банк бошлиғи бўлмиш Г. П. Гендини қай йўсинда ишонтиришим мумкин, деган савол кета-кетгунимча ич-этимни еганди. Ҳаммага бирдек ёқадиган, оққўнгил ва қўли очик бу меҳрибон қария доимо болалар билан ўралашиб юрар, уларга нима маъқул келишини фаҳмлар ва, албатта, менинг Кливленд мактабининг ўқувчиси эканимни ҳам биларди. Мен унга ҳамкорлигимиз, қандай иш бошламоқчи эканиму пулни нималарга сарфламоқчи эканимни батафсил баён қилдим ва мурожаатимга жавобини титроқ билан қутдим.

– Сизга қанча керак? – деди у бирордан кейин.  
– Икки минг доллар.  
– Ўша пулларни оласиз, Рокфеллер, – деди у. – Сўраганини беринглар, сиз эса менга тилхат ёзib берсангиз бўлди. Мен сизга тўлиқ ишонаман!

Банк эшигидан чиқиб кетаётганимда кечган тетик ҳиссиётни сўз билан таърифлаш мушкул эди. Тасаввур қиляпсизми, биргина ваъда эвазига менга икки минг долларни ишониб топширишиди. Бу ниманидир англатарди. Айни шу дамдан бошлаб мен Савдогар эканимни тушуниб етдим.

Кекса дўстим Генди яна тўрт йил банк бошқарувида бош-қош бўлди ва менга қийин вазиятларимда бир қанча миқдорда қарз бериб, ўз кўмагини аямади, мен эса бундай вазиятларга кам тушмас эдим. У мени ҳар қанақасига қўллаб-қувватлади. Шундай бўлса ҳам, кейинчалик у билан учрашиб, Standard Oil Company га маъдум миқдорда сармоя киритишни маслаҳат берганимда ундан олган пулларим унинг ўзига ҳам қувонч бағишлагани турган гап. У мазкур ишга бажонидил қўшилишини очиқасига тан олди, лекин у энди ҳеч қандай эркин пулларга эгалик қилмасди. Нихоят, шунда мен унга бандир ролини ижро этиш тақлифини бердим. У рози бўлди ва бунга қаршилик қилишга ҳеч қандай асос йўқлигини айтди. Бу қарор икки томонга ҳам катта фойда келтирди. Мен унинг то ҳозирга қадар ўша пайт бошлаган ишимнинг ривожига хисса қўшган ишончи ва ўзимга нисбатан илиқ муносабатини миннатдорлик билан хотирлайман.

## Принципларда қатъий турмоқ керак

Генди менинг биргина сўзимга ишонди, бизнинг энди йўлга қўйилажак ишимизни кучли тижорий принциплар ва обдан ўйланган режа асосига қурилганига ишонч билдириди. Шу билан бирга, бир кун қабул қилинган тижорий принципларда қатъий тура олишнинг нақадар мушкул бўлиши ёдимга тушади. Бир кун, ишимизнинг бошланиш арафасида, бизга кўплаб транспортларни ишониб топширган энг яхши мижозларимиздан бири юк етказилиши ёки тегишли ҳужжатнинг топширилишидан олдин жорий юк учун бўнак берилишини сўради. Албаттга, мижозни сақлаб қолиш жуда муҳим эди, лекин мен компаниянинг молия масалалари раҳ-

бари сифатида яхши мижозни бой бериш хавфи-га қарамай, бу илтимосни қондириб бўлмайди деб ўйладим.

Вазият жуда кескин тус олди, шеригим менинг қарашларимни тор деб ҳисоблагани ва бу ишга фаол қаршилик кўрсатганим учун мендан гина қилди, кейин ўзим мижознинг олдига бориб, илтимосини қондиришнинг иложи йўқлигини ту-шунтириб кўришга қарор қилдим. Чунки мен ҳар доим ҳар қандай тушунмовчиликни бартараф қи-лишнинг уддасидан чиқар эдим. Бу каби истисно ҳолатда эса менинг бундай ҳаракатларимга шери-гимнинг норозилиги шундай қилишимга туртки бўлди. Мижоз билан шахсан гаплашиб, бундай хатти-ҳаракатларнинг салбий оқибатларга олиб ке-лишини тушунтириш имконига ишончларни ҳис қилар-дим. Мен гапирадиган нутқимни хаёлан тайёрлаб бўлгандим ва уни мантиқий ҳамда ишонарли деб топиб, хаёлан ундан қониқиш ҳам туюрдим.

Тижкоратчининг олдига бордим ва илтимосини амалга оширишнинг имкони йўқлигини батафсил тушунтирдим. Лекин унинг жаҳли чиқиб кетди, мен эса янги маşaқатни бошдан кечиришга маж-бур эдим – шеригим олдида ўзимнинг ишонтира олиш қобилиятим омад келтирмаганини тан оли-шим керак эди.

Албатта, шеригим асабийлашиб кетиб, жаҳли чиқди ва қимматли мижозимизни йўқотдик деб ўйлади. Лекин мен қачонлардир қабул қилган иш юритиш услубимдан воз кеча олмас эдим, биз эса принципларимизда қатъий турдик ва мижознинг сўровини бутунлай рад этдик. Ўжар мижозимиз ҳеч нарса бўлмагандек, илтимосининг рад этилга-нига қарамай, биз билан ҳамкорлигини давом эт-

тирганида биз ҳайратта тушдик ва ишимииздан қо-  
ниқиши ҳис қилдик.

Бир муддат ўтгач бу ишда таниқли бир маҳал-  
лий банкир, норвалкалик Жон Гарденер ҳам ишти-  
рок эттанини билиб олдим, у ҳам бизнинг мижози-  
миз билан ҳамкорликда ишлар экан. Кейинчалик,  
Гарденернинг ўзи мижозимизни бўнак сўрашга ун-  
даган, деган фикрга бордим. Бу воқеа орқали улар-  
нинг фирмамиз ва унинг иш принциплари билан  
танишуви биз учун фойдали бўлди ва бизни бир  
поғона баландга кўтарди.

Ўша вақтда мен ўз меҳнатим натижасини излай  
бошладим, айни дамда бу вазифа мен учун бироз  
қийин эди.

Мен округимиздаги ҳар бир тижоратчи билан  
шахсан танишишга ҳаракат қиласдим, чунки унинг  
иши бизникига яқин эди ва, шу билан, қисқа вақт  
ичида бутун Огайо ва Индиана штатларини ўрга-  
ниб чиқдим. Тез орада маълум бўлдики, ёш фирмамизнинг ташкил этилгани ҳақидаги овоза қилиш  
иш бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишнинг  
энг тўғри йўли бўлиб, лекин бундан кўзланган мақ-  
сад буюртма олиш истаги эмас эди: мен шунчаки  
“Кларк ва Рокфеллер” фирмасининг вакили сифа-  
тида улгуржи савдо комиссарлари билан таниш-  
дим, фирманинг ташкил этилгани ҳақида хабар  
бердим, дарҳол бизнес ҳамкорликни йўлга қўйиш  
масаласида ҳеч қандай иддао қилмадим. Кейинроқ,  
уларга фирмамиз хизматларини таклиф қилишдан  
мамнун эканимни айтдим ва ҳоказо.

Лекин ҳайратланарли жиҳати шунда эдики,  
сехрли таёқча билан бир марта имо-ишора қилган-  
дек, жуда катта ҳажмда буюртмалар кела бошлади,  
биз эса уларга базур улгуарар эдик. Биринчи йил-

нинг ўзида, аввал айтилганидек, айланмамиз 500 минг долларга етди.

Мен энди пулга эҳтиёжимиз борлигини таъкидлардим. Тан олишим керакки, амалиётларимиз кенгайиб боргани сари, пул масаласидаги муаммоларнинг охири йўқдек қўринарди. Алоқаларимиз қанча кенгайса, шунча кўп хаёлга толардим: “Бу ҳали узоқ давом этадими? Охирига келганимизда, ҳаммаси қайтадан бошланади. Ўзингни бир фикр билан овутасан – сен мана шу йўлда баҳт топган ишбилармон тижоратчисан. Лекин янада совуқкон бўлиш лозим, йигитча, ақлингни йўқотяпсан, жим кетсанг узоқроқقا борасан!”

Тан олишим керак, ўзим билан кечган бу каби сукутли сұхбатлар менинг келажақдаги ҳаётим учун катта аҳамиятга эга эди. Омад мени сархуш қилиб қўйишидан, омад мендан юз ўтирадиган кун келишидан, омаднинг қайтишига бўлган ишончни миямга қўйиб яшашдан қўрқардим.

Вақти-вақти билан отамдан қарз олиб турардим. Гарчи ҳозир булар ҳақда ўйлаб, беихтиёр кулаётган бўлсам-да, лекин бизнинг бу каби олди-бердиларимиз мен учун қўрқув манбаи бўлган. Бир воқеа бўлди, бир куни отам ёнимизга келди ва, агар бизга пул керак бўлса, қарзга бериб туриши мумкинлигини айтди. Биз деярли ҳар доим пулга эҳтиёж сезардик, шунинг учун уларнинг ҳеч бўлмаса 10 фоизини олишдан баҳтиёр эдик. Лекин у пулларини қайтиб олиш учун пулга эҳтиёжимиз янада баландроқ бўлган вазиятларда пайдо бўлар эди.

– Ўғлим, – дерди у одатда, – пулларимни қайтариб бера олмайсанми? Ўзимга ҳам керак бўляпти.

– Ҳозир, ҳозир, – дердим мен. У мени шунчаки синаёттанини, пулни қайтарган тақдиримда,

кейинчалик менга яна қарз бериш учун, уларни ўзимда қолдиришини яхши билардим.

Менинг назаримда, тарбиялашнинг бундай оригинал услуги ҳам, эҳтимол, менга озмунча хизмат кўрсатмаган, лекин, тан оламан, ўша вақтларда тижорий қобилияtlарим устидаги бу каби синовлар мени камдан-кам қониқтиарди.

## Ўн фоиз

Ўтмишим кредит суммасидан неча фоиз олиниши билан боғлиқ қизғин мунозаралар ҳақидаги хотиралар билан узвий боғлиқдир. Бутун бошли тижоратчилар ўн фоизга ўсишни меъёридан ортиқ ҳисоблаб, бунга норозилик билдириб чиқкан, бундай ҳолатларни судхўрлик деб атаган ва фақат инсоғизлар бундай фоизларга кредит беришини таъкидлаган. Мен, мантиқан қаралганда, пуллар қанча фойда келтирса, унинг қадри ҳам шунча бўлади, деган фикрда эдим. Қарз маблағлари билан бир хил миқдорда пул олиш ҳақида ўйламасдан ҳеч ким 10, 5 ва ҳатто уч фоизини ҳам бермайди. Ўша вақтларда мен ҳеч қанақасига капиталист бўлмаганим учун катта қарздорлар сафида бўлишим эҳтимолдан холи эмас эди ва, шубҳасиз, бундай катта фоизларни ёқлаш учун асосли сабабларим бўлмаган.

Ўшанда бу масала бўйича юзага келган янада кескинроқ мунозаралар қаторига, мен ва акам Вильям мактаб йилларимиздаги пансионнинг қари эгаси билан бўлган сухбатлар ҳам қўшиларди. Бу сухбатлар менга катта қониқиш берар, пансион эгаси жуда доно ва чуқур фикрловчи аёл эди. Мен уни, айтайлик, бошқа сабаб билан қадрлардим. Биз хона ва стол учун ҳар биримизга ҳафтасига бир доллардан тўлар эдик, бунинг эвазига у бизни яхшиги-

на боқарди. Ўша пайтларда хўжаликни эгасининг шахсан ўзи, хизматчиларсиз юритадиган кичик пансионларда бу одатий нарх эди.

У муҳтарам аёл ўн фоизли тизимни ашаддий қоралар эди ва бир қанча муддат давомида биз бу масаланинг барча pro ва contra жиҳатларини муҳокама қилдик. У отамнинг менга мунтазам равишда пул беришни ва бунинг учун ўн фоиз олишини яхши билар эди. Охир-оқибат барча баҳслар ва сұхбатлар барибир бу фоизни қисқартира олмади, улар фақат бозорга янада күпроқ капитал кириб келганидан кейин қисқарди.

Умуман олганда, жамоатчилик фикри (ишта боғлиқ масалаларда) жуда секин амалга ошишига ишонч ҳосил қилдим. Ўша вақтларда ҳатто тижоријий мақсадлар учун ҳам пул топиш қийин бўлган, буни ҳозир тасаввур қилиш қийин. Farbga яқин худудларда, айниқса таваккалнинг зигирдек ишораси бўлса ҳам, фоизлар янада баландроқ бўларди. Нима бўлганда ҳам, буларнинг барчаси ўша даврлардаги ҳаваскорнинг қандай тўсиқларга дуч келганини кўрсатади.

### **Вақти келганда мен қандай қилиб пул тўплаганим**

Охирги сатрларда ҳаётимдаги энг қизғин давр эпизодлари ёдимга тушди. Бир сафар йирик бир ишни мамлакатнинг бошқа бир чеккасида ҳаётга татбиқ этиш учун менга нақд пулда йирик сармоя керак бўлди. Бир неча юз минг доллар валюта керак эди. Гаров, кафиллик, векселлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар ҳисобга олинмас эди. Соат учда йўлга тушишим керак эди. Мен коляскада у банкдан бу банкка чопар ва йўлда учраган ҳар қандай

директор ёки кассирга, ким биринчи бўлиб учраса ўшанга ўзим учун банқда бор бўлган нақд пулларни ушлаб туришларини сўрар эдим, уларнинг ҳар бирига менга қачон пул керак бўлишини айтар эдим. Шаҳардаги ҳамма банкларга бориб ўзимга керакли миқдордаги маблағни тўплаган эдим. Соат учда эса мен аллақачон поездда ўтирар ва керакли жойга йўл олган эдим. У ерда мен ўзимни бажардим. Ўша пайтлар жуда кўп жойларга борар эдим, ўзимизнинг бўлимларга бориб мижозлар билан учрашардим, тадбиркорлик бўйича янги алоқалар ўрнатардим, ишимизни янада кенгайтириш бўйича режалар тузардим ва ҳ.к. – керак бўлганда буларнинг ҳаммасини тезлик билан амалга оширав эдим.

## Черковнинг тўлови учун жамғарма

Тугилган шаҳримда мени черков назоратчиси этиб тайинлашганида ёшим 17 ёки 18 да эди. Биз алоҳида диний уюшмага тегишли эдик. Мен бирор марта ҳам черков аъзоларидан диний таълимимиз борасида салбий фикрлар эшитмаганман. Бундай вазият руҳий кемамизни ўзимиз бошқара олишимизни барчага исботлаш иштиёқини мустаҳкамлаган.

Бизнинг биринчи черковимиз кичкинагина бино бўлиб, бунинг устига 2000 долларлик ипотека кредити эвазига тикланган эди. Бу қарз бизни узоқ муддатдан буён қийнаб келарди.

Кредит эгаси узоқ вақтдан буён қарзларнинг тўланишини талаб қилиб келар эди, лекин жамиятимиз кредит фоизини тўлашнинг базўр уддасидан чиқарди. Ўшанда кредит эгаси черковни сотиб юбориш билан таҳдид қила бошлади. Унинг черков хизматчиси бўлганини (албатта, бу тасодиф) таъ-

кидлаб ўтиш лозим. Ўз унвонига қарамай, пулларнинг шахсий ишлари учун кераклигини таъкидлаб, кредитнинг тўланишини талаб қилиб туриб олди. Бир сўз билан айтганда, кредитнинг ундирилиши учун у барча зарурий чораларни кўрди. Ва ажойиб якшанба кунларининг бирида бўллим нотиғи, агар черковнинг сотилиб кетишини кутиб ўтиришни истамасак, қаерданцир 2000 доллар топиш кераклиги хақида гапириб қолди.

Мен черковдаги постимда турганимда жамият аъзоларидан бири келиб қолди, тўхтатдим ва черков қарзини ёпиш учун ниманидир беришга кўндиридим. Мен ундан илтимос қилдим, ишонтирдим ва ҳаттохи таҳдид ҳам қилдим. У рози бўлгач, исми ни ва бермоқчи бўлган пул миқдорини қайд дафтарчамга ёзиб қўйдим, сўнгра бошқасига мурожаат қилдим.

Ёдда қоларли якшанбаларнинг бирида бошланган бу ташаббус бир неча ой давом этди. Бундай маблағни йиғища кўпгина машаққатларга дуч келдик. Кимдир икки-уч цент, яна кимдир қуруқ ваъда берар эди. Ваъдалар ҳам нари борса 25-30 цент олиб келарди. Шахсан ўзим бу мақсад учун боримни бердим, бу ҳолат эса менинг иложи борича кўпроқ пул ишлаб топиш иштиёқимни янада жонлантириб юборди.

Ва ниҳоят, 2000 долларни жамғаришга муваффақ бўлдик. Ўша кун жамият кредитни тўлиқ қоплаган ажойиб бир кун эди. Ўшанда, барча шубҳа ва умидларга қарамай, жамиятимиз бирдамликни намоийиш эта олгани черков аъзоларини ҳайратга солади, деб ўйлаган эдим. Лекин негадир уларда ҳайрат ва хижолат ифодасининг пайдо бўлганини эслай олмайман.

Охирги эпизоддан кейин жамғарувчилик таж-рибаси мен учун катта фойда келтирди. Тан олишм керакки, ўзгалар олдида ялинищдан асло истиҳола қилмас эдим, аксинча, бундан ҳатто-ки ғуурланардим. Ишнинг кенгайиб бориши ва масъулиятнинг ортиши жойимни бошқаларга бў-шатиб беришимга туртки бўлмагунича, узоқ вақт черков назоратчиси вазифасини бажардим.

## НЕФТЬ СОҲАСИДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАР

### Керосин савдоси

Кларк ва Рокфеллер иши бир муддат ривож-ланиб борди ва 60-йиллар бошига келиб биз керо-синга ишлов берувчи ва унинг савдоси билан шугул-ланувчи жамиятга асос солдик. Жеймс ва Ричард Кларк, Самюэль Андрюс ҳамда Кларк ва Рокфел-лер фирмаси жамият аъзоларига айланди. Шундай қилиб, мен керосин савдоси билан танишдим.

1865 йилда жамият парчаланиб кетди, бу эса за-вод ва мижозлар оқимини сотиш дегани эди. Улар-ни энг юқори нарх айтганга қолдириш таклифи бе-рилди. Кейин расмий мажлис чақирилди ва биз бу муаммонинг ечимини излашга киришдик: савдони қачон ташкиллаштириш керак ва уни ким бошқа-ради? Шерикларим мажлиста ўзларининг вакили сифатида бир адвокатни таклиф қилишди, мен эса ҳеч қандай адвокатсиз иштирок этишга қарор қилдим, бундай арзимас муаммо учун унинг ишти-рок этиши шарт эмас, деб ўйладим. Адвокат аук-ционист сифатида танланди ва ўша вақтнинг ўзида савдони ўтказиши керак эди. Барча рози бўлди ва кимошли савдоси бошланди.

Мен катта компаниянинг шериги сифатида эмас, мустақил тижоратчи сифатида, керосин савдосига тиши ўтадиган, компанияни сотиб олишни режалаштираётган Андрюс билан бирга кентроқ форматда фаолият юритишни ўйлаётган эдим. Бу ҳақда уларга айтишга қарор қилдим. Агар саноатнинг бу соҳасига бирданига кўплаб одам жалб қилинса, керосин бозорида қайта ишлаб чиқариш имкониятларини тасаввур ҳам қилмаган ҳолда, ҳар қандай муваффақиятга эришишга ишонардим. Ўшанда умидларим катта эди ва заводлар ҳамда мижозлар оқимини сотиб олиш учун етарли бўлган молиявий кўмакни ҳам тайин қилиб қўйган эдим. Кларк ва Рокфеллер фирмаси таркибидан чиқишига ва барча ишни шеригим Кларкка топширишга ҳозирланардим.

Савдо бошлианди, адашмасам, биринчи таклиф 500 долларни ташкил қиласди. Мен 1000 доллар таклиф қилдим; бошқа дাъвогарлар эса 2000 доллар; шундай қилиб, нарх яна ва яна юқориляб боради. Ҳеч ким ён беришни истамас эди, ва ниҳоят нарх 50 000 долларга кўтарили! Бу биз тахмин қилганимиздан анча юқори баҳо эди. Кейин 60 000 долларга кўтарили ва секинлик билан 70 000 доллар гача борди. Ишни сотиб ололмайман, энг асосийси, ҳисоб-китоб учун керакли пулни топа олмайман деган хавотир мени чулғаб ола бошлиди. Ниҳоят, даъвогарлар 72 000 доллар таклиф қилиди. Мен дарҳол қичқирдим: 72 500 доллар! Шунда Кларк айтди: “Бўлди, мен шу ерда тўхтатаман, Жон: иш сеники!”

– Ҳамма суммага чекни ҳозироқ беришим керакми? – деб сўрадим.

– Йўқ, – деди Кларк, – сенга бу суммани ишонаман, ҳандай қулагай бўлса, шундай йўл тут!

“Рокфеллер ва Андрюс” фирмасига шу йўсинда асос солинди ва мен қулогимгача керосин савдосига кўмилиб кетдим. Шундан бери, 56 ёшни қаршила-гунимча, деярли қирқ йил давомида бу иш билан шуғулландим.

Керосин саноатининг биринчи қадамлари та-рихи ҳаммага яхши маълум, уни такрорлаш шарт эмас. Керосинни тозалаш жуда оддий жараён, унинг биринчи фойдаси яхшигина бўлди. Албатта, тез орада бу ишга бутун халқ ўзини урди: қассоблар, новвойлар, совунфурушлар – ҳамма керосинни то-залашга киришди ва бироз муддат ўтгач, бозорда керосин миқдори истеъмол ҳажмидан ортиб кетди. Нархлар яна ва яна тушиб бораиди, натижада, бу вазият саноатга хавф сола бошлади. Керосин бозо-рини чет эл мамлакатларида кенгайтириш рад этиб бўлмас талабга айланди, лекин бунинг учун катта-гина меҳнат ва пухта тайёргарлик талаб этиларди. Худди шундай, нархларни пасайтиришга эришиш учун бу даражада керосин тозалашни такомил-лаштириб ишлаб чиқариш ҳам жуда мураккаб эди. Бу вазиятда ҳам қандайдир даромад қилишим ке-рак эди. Бу жараёнда, бошқа обрўли фабрикаларда чиқитга чиқариладиган барча ён маҳсулотлардан тўлиқ фойдаланишимиз керак эди.

Бу биз керосин бизнесига кирганимиздан бери дуч келган муаммолар эди. Қандайдир йўл билан бетартиблашиб бораётган соҳада тартиб ўрнатиш керак эди, ишнинг мураккаблиги эса қўшнилар ва маслақдошлиар билан мажлис чақиришга ва мум-кин бўлган барча ечимларни излашга ундаdi. Бо-зорни кенгайтириш, фабриканинг улгуржи савдо-сини яхшилаш каби вазифалар ўша вақтдаги ҳеч бир алоҳида жамиятнинг қўлидан келмас эди. Бу вазифаларни фақатгина айланма маблағларини

ошириш ҳамда бой билими ва иш тажрибаси бўлган ходимларни жалб қилиш орқалигина амалга ошириш мумкин деб ўйлар эдик.

Шу фикрга асосланиб, биз энг яхши заводларни сотиб олиб, катта тежамкорлик ва ишлаб чиқаришга эришиш мақсадида уларнинг маъмуриятини марказлаштира бошлидик. Иш суръати ўйлагани миздан кўра тезлашди.

Тажрибали инсонлар ўртасидаги бу каби ҳамкорликдаги дўстона фаолият ишлаб чиқаришда, юк ташишда, молиялаштиришда ва бозорларни кенгайтиришда кутилмаган ижобий натижалар берди. Бизни ташвишлантирадиган ва хавотирга соладиган жиҳатлар бисёр эди, катта ёнғинлар ва ҳатто нефтнинг ўзи ҳам бир вақтлар қаттиқ шубҳа остига олинган эди. Биз мунтазам равишда режала-римизни ўзгартириб борардик, кўп ўтмай комби-нацияларимиз ҳам алмашарди. Шу йўсинда керосин ишининг маркази, захира цистерналар, труба қувурлар тизими барпо этилди. Кунлардан бир кун манбалар нефть етказиб беришни тўхтатиб қўйди, бу эса бизнинг барча меҳнатимиз ҳавога учганини англатарди. Лекин барибир, умуман олганда, бу иш каттагина спекуляция (судхўрлик) эди, лекин ҳозиргача бундай вазиятдан қандай чиқиб кеттани мизга ҳайрон қоламан. Шундай қилиб, оз бўлса-да, ишни тўғри юритишни ўрганиб олдик.

## Ташқи бозорлар

Узоқ йиллар олдин мендан ишимизнинг қандай қилиб бундай катта масштабга кўтарилгани ҳақида сўрашди. Мен бирламчи ташкилотимиз дастлаб ўзаро фондли компания бўлганини, кейинчалик Огайода акциядорлик жамиятини шакллантир-

ганимизни айтишим лозим эди. Шуларнинг ўзи керосинни қайта ишловчи маҳаллий завод учун етарлидек кўринган эди. Агар ўзимиз қандайдир маҳаллий жамиятга қарам бўлганимизда, биз анча олдин касодга учраган бўлар эдик. Лекин фойда бозорини ўзимиз дунёнинг энг чекка бурчакларигача кенгайтиришимизга тўғри келди. Шунинг учун дengiz бўйи шаҳарларида ўз филиалларимизни очдик ва тез орада экспорт учун маҳсулотнинг фабрикада тайёрланиши анча фойдалироқ, эканини тушуниб етдик. Кейин биз Бруклин, Байонн, Филадельфия, Балтимор шаҳарларида, шунингдек, бир нечта мамлакатларда қайта ишлаш заводлари ва шу каби ташкилотларни йўлга кўйдик.

Экспорт ҳажмининг ўсиши билан, керосинни оддий бочкаларда етказиб бериш қимматлигини, қадоқлаш харажатлари маҳсулотнинг ўзидан қимматга тушишини, керосин бочкаларини тайёрлаш учун мамлакатнинг бутун бошли ўрмонлари ҳам етмаслигини тушуниб етдик. Шу сабабли эътиборимизни етказиб беришнинг бошқа усуllibарига қаратдик ва қувурлар тизимидан фойдаландик, шунда дарҳол унинг жиҳозланиши учун манба топдик.

Бу тизимни ҳаётга татбиқ этишда фойдаланмоқчи бўлган қувурларимиз жойлашадиган керакли ер майдонини олиш учун штатлар розилиги керак эди, шунга кўра, темир йўллар жамиятлари қилганидек, компаниямиз бўлимлари турли штатларга имтиёзлар учун аризалар билан чиқди. Қувурлар тизимини такомиллаштириш учун кўп миллионли капитал талаб этиларди. Эндиликда бутун бошли керосин саноати мана шу қувурлар тизимига боғлиқ эди. Усиз ҳар қандай манбанинг қиймати тушиб кетарди, ҳар қандай бозорни (ички ёки ташқи) таъмилаш ва маҳсулот нархининг юқорилиги

сабабли назорат остида ушлаш мураккаблашарди. Щундай қилиб, бу соҳанинг кенг тарқалиши, шубҳасиз, етказиб беришнинг мазкур услубига боғлиқ бўлиб қолди.

Темирийўл линияларидағи цистерна вагонлар ва танкерлар каби қувур тизими ҳам такомиллаштиришни талаб этар эди. Бунинг учун маблағ керак эди, шундан кейин бу ишларни бажарувчи жамиятлар ташкил этила бошлади.

Жамиятларни шакллантириш муқобил йўлдан борар экан, бу қадамларнинг ҳар бири муҳим аҳамиятта эга эди. Тинимсиз ривожланишлар ва катта миқдордаги маблағларнинг тўплангани ҳисобига бугунги кун Америкаси ўзининг табиий бойлигидан фойда ола билиши ва дунёни ёруғлик билан таъминлай олиши керак эди.

## **Standard Oil Companyнинг ташкил этилиши**

1867 йилда “Вильям Рокфеллер ва К”, “Рокфеллер ва Андрюс”, “Рокфеллер ва Ко” ҳамда “С. В. Аркнесс ва Г. Н. Флаглер” фирмалари ягона “Рокфеллер, Андрюс ва Флаглер” номи остида бирлашди.

Сезиларли тежамкорлик ва маҳсулдорлик асосида янаям кенгроқ доирада, ўз қўрқувлари ва хавотирлари асосида иш юритаётган майда тадбиркорликлар ўрнига, ҳамжиҳатлик билан иш юритиш мақсадида маблағларимиз ва иш тажрибаларимизни бир жойга тўплаш истаги бу иттифоқнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Вақт ўтгани сари бизга янада кўпроқ маблағ кераклигини тушундик ва ишимизга бошқа фирмаларни ҳам жалб қилиб, капитали 1 000 000 доллар бўлган Standard Oil

Company га асос солдик. Кейинчалик янада кўпроқ маблағ кераклигини англалик ва компаниямизга пул тикишни истаган одамларни топдик, шу йўл билан капиталимизни 2 500 000 долларга кўтариб олдик. Ишнинг кейинги ривожида, ички бозор билан бир қаторда, ташқи бозорга ҳам кириб борилгач, жамиятта янада кўпроқ аъзолар кела бошлиди ва компаниямизнинг янги бўлимлари ташкил этилди. Мақсадимиз аввалгидек битта эди: маҳсулотни яхшилаш ва арzonлаштириш орқали ишни кенгайтиришни истардик.

Standard Oil Companyнинг муваффақиятини унинг доно сиёсати билан изоҳлайман: соҳангнинг таъсир доирасини юқорида айтилган йўл билан доимий равишда кенгайтириб бориш. Компания фабрикация қилишнинг мукаммалроқ ва қулайроқ методларини йўлга қўйишида ҳеч қандай харажатдан тап тортмас, ҳар ердан энг яхши ходимларни излар ва уларга энг яхши маош берар эди. Standard Oil Company янги, такомиллаштан машина ва заводларга эга бўлиш учун эскиларидан воз кечишдан қўрқмади. У нафақат ўз фабрикатларига, балки барча эҳтимолий ён маҳсулотларга нисбатан савдо-сотиқ шароитларини яратишга ҳаракат қилди, маҳсулотлар дунёнинг ҳар бир бурчагига етиб бориши учун ҳеч қандай харажатдан чекинмади. Компания маҳсулот нархини пасайтириш ва керосинни қувурларда етказиб бериш усуслари, маҳсус омборхоналар, танкерлар ва цистерна вагонлар учун миллионлаб пул сарфлашдан тўхтамади. Тежамкорликни таъминлаш ва етказиб бериш харажатларини камайтириш учун мамлакатнинг барча округларида темирийўл марказларида ёнилиғи қуиши шохобчалари қурилди. Компания Америка керосинига ишонарди, унинг жаҳон бозорида Рос-

сия маҳсулоти билан рақобатлашиши ва ёлғиз ўзи барча рақобатчилар – керосин ишлаб чиқарувчилари устидан ғалаба қозониши учун катта маблағ сарфлади.

## Суғурта режалари

Энергия тежаш ва маълум афзаликларга қандай йўл билан эришганимизга бир мисол келтироқчиман. Керосинни тозалаш ва уни омборхонада сақлашда, аччиқ тажрибамизда билиб олганимиздек, ҳар доим ёнғин хавфини инобатга олишга тўғри келади. Заводларимизнинг бутун мамлакат бўйлаб тарқалганини инобатга олган ҳолда, бу хавф ва эҳтимолий йўқотиш минимал даражага туширилди. Ҳеч қандай ёнғин бизнинг ишимизга халяқит бера олмади, бу орқали биз қилишнинг ўзига хос усулини йўлга қўйдик. Барча фабрикалари бир-бирига яқин жойлашган бошқа жамиятларда бўлгани каби бундай суғуртани амалга оширган захира капиталимизни, албатта, бирданига бўшатиб бўлмас эди. Компаниямиз бюджетида кўрсатилган даромадлар ҳажми шу даражага етгунча, биз ёнғин хавфидан эҳтиёт чораларини зимдан ўрганиб чиқиб, уларни такомиллаштиридик ва ҳар йили ҳимоя воситаларини яхшилаб бордик.

Ҳаммага маълумки, бир вақтнинг ўзида қайта ишловчи заводлардан ташқари, бошқа тадбиркорлик соҳаларимизнинг (нефть қолдиқларидан тайёрланадиган маҳсулотлар, цистерналар ва танкерлар, омборхоналар ва ҳоказо) кўламини кенг ёйиш билан бирга, бундай иқтисодий тутим компаниянинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириди.

Фаолиятимизни керосин ишига бағишлидик ва уни тўлиқ з abort забт этдик. Бизнинг жамиятимиз ҳеч қа-

чон спекуляция билан шуғулланмади, чунки улар ўзининг ташкилотини ривожлантиришдек мақсадида сабит туриб, бизга маслақдош бўлишда давом этди. Биз ўзимиз ёрдамчиларни ёшлигидан ўқитиб, тарбияладик; кенг фаолият доирасини ташкил этиб, уларни ўзимизга жалб қилишга ҳракат қилдик; уларга акциялар сотиб олиш имкони берилди ва унда жамиятимизнинг ўзи уларга кўмакчи бўлди. Фақатгина бу ерда, Америкада эмас, йўқ! Дунёning барча нуқталарида ёшларга хизмат иерархиясининг юқори мартабаларига эришиш имконияти берилди. Аввал пайванҷчи бўлиб ишлаган ходимларнинг фарзандлари алоҳида иштиёқ билан кенгаш йиғилишларида иштирок этишга, бошқарувдаги масъулиятли вазифаларга таклиф қилинди ва ҳоказо. Ўурур билан айтишим мумкинки, Standard Oil Company ташкил топгандан бўён ишбилармон кишиларнинг ажойиб комбинацияси яратилди ва, умид қиласманки, бугунги кунгача ҳам шундай бўлиб қолди.

Бугунги кун ишбилармонлари менинг ёнимга маслаҳат сўраб келиши ҳақида бир неча маротаба сўраштан. Бунга ҳар доим жавобим тайёр эди: агар мендан маслаҳат сўрашса, бажонидил берган бўлардим. Лекин, аслини олганда, ишдан чиққаним сабабли маслаҳатим жуда кам ҳолларда керак бўлади. Шу кунгача мен компаниянинг обрўли акциядори бўлиб келдим ва ундан кетганимдан сўнг акцияларим миқдори сезиларли равишда ортди.

## **Нега компания катта дивиденд тўлайди?**

Кўпчиликка маълум бўлган бир жиҳатга ойдинлик киритмоқчиман, чунки бу, шубҳасиз, ҳали аксарият инсонларга тўлиқ тушунарли эмас. Standard

Oil Company йилига тўрт мартадан дивиденд беради, биринчиси март ойида – қишида керосиннинг сезиларли даражада истеъмол қилинишини инобатга олган ҳолда йилнинг энг муҳим мавсуми натижаси ҳисобланади. Қолган учтаси тахминан бир хил муддатда тўланади. Улар 100 минг долларлик асосий капиталнинг 40 фоизигача етади. Лекин бу капиталга сарфланган даромаднинг 40 фоизини ташкил қиласди дегани эмас. Аслида, дивиденд бу компаниянинг 35–40 йиллик фаолияти давомида ҳар йили бериладиган тежаш ва ортиқча сарф-харажат натижаси ҳисобланади. Капитализациянинг меъёридан ортиқ таваккалисиз ёки, ўзимиз айтгандек, “сувсиз” асосий капитални бир неча маротаба ошириш мумкин. Асосий капитал оширилса, дивидендер камаяди ва йилига атиги 6–8 фоиздан беради.

## Ишнинг нормал ўсиши

Бироз фурсат қандай қилиб табиий йўл билан қиммат нарсани компания қўлида сўзсиз ўсиши масаласига тўхталиб ўтамиз. Кўплаб қувурлар шундай вақтда ўрнатилган эдик, уларни ўрнатиш учун замонавийларига қараганда 50 фоиз камроқ харажат қилинган эди. Нефтга бой участкаларнинг катта қисми деҳқончилик қилиш мақсадида сотиб олинган эди ва фақат кейинчалик биз ўзимизни ажойиб нефть ишлаб чиқарувчи эканимизни англаб етган эдик. Нефтнинг улкан захиралари, уни қайта ишлаш ва қолдиқларидан фойдаланиш туфайли нефтнинг нархи етарлича ошди. Аввалига буларнинг нархи ва қадрини билишмаган. Бандаргоҳ яқинидаги ер участкалари аввал арzon-гаровга

сотиб олинган, энди эса уларнинг нархи янги қурилишлар ва майдонларининг кенгайиши ҳисобига кўтарилиган. Катта саноат марказлари яқинида бўш бўлган ва қуриб битказилмаган улкан участкалар сотиб олинган. У ерларда биз ўз заводларимизни қурдик. Нафақат ўзимизга тегишли бўлган ерларнинг нархини оширидик, балки қўшни ерларнинг баҳосини ҳам аввалгига таққослаганда бир неча бараварга оширидик. Америкадами ёки бошқа мамлакатдами, қаерда бўлмасин, биз ўз омборхоналаримизни ташкил қилдик, ҳамма ерда зудлик билан ер мулкларини сотиб олдик. Эсимда, бир қарич яроқсиз, лекин биз учун керак бўлган ер учун 1000 доллар тўлаганмиз. Яхшиланишлар ва ривожланишлар қилганимиз сабабли бу участкаларнинг нархи 35-40 йил ичида 40 ёки 50 баробарга кўтарилиди.

Бошқа тадбиркорлар эса ўзларининг кўчмас мулкининг бу даражада ўсиши билан мақтана олмайдилар – улар фақат ўз сармояларини кўпайтирадилар. Лекин улар бизга қарши қаратилган эскирган консерватив ғояларни тарқатувчи, сармояга ҳукмронлик қилишга интигувчилар билан ёнма-ён бўладиган бемаъни танқидларга йўл қўймадилар.

Ишонинг, бу ерда савдо-сотиқнинг табиий ривожланишига зид бўлган ҳеч нарса йўк.

Кимдир ўз ишини 1000 доллардан бошласа, седин-аста мулки ва сармоясини ошириб боради, қилган фойдасини шу ишга тикиб сарфлаб юбормаса, айтайлик, 10 000 долларга етгунча кўтариб боради. Энди унинг сармоясини 1000 доллар десак нотўғри бўлади. Айнан мана шунинг учун Standard Oil Company раҳбарларини олқишилаш мумкин.

## Капитализация

Юқорида айтганимдек, компаниямиз акцияларини бир неча марта биржа бозорига чиқаришга ҳаракат қилдик. Авваллари ишимиздаги таваккалнинг ўзи бундай қилишимизга йўл қўймасди, чунки таваккал ҳажми жуда катта эди ва акциялар биржага қўйилган тақдирда, нархнинг ўйнаши бизни хавотирга соларди. Шунинг учун, ишимизни тўғри ривожлантириш мақсадида, диққат-эътиборимизни акция спекуляцияларига эмас, акциядорлар ва администраторларга қаратдик. Аввало компания манфаатлари ҳақида ўйладик. Асосий капитал жуда оз миқдорда бизнинг мулкимиз улушини ташкил этишига қарамай, баланд миқдордаги дивидендлар сабабли бизни танқид қилишибди. Агар биз капиталга мол-мулкимизнинг асл қийматини қўшиб, акцияларни биржага жойлаштирганимизда, бизни ҳақли равишда жамият капиталини ўз компаниямизга жалб қилишни режалаштиришда айблашган бўлар эди. Таъкидлаганимдек, компаниямиздаги ҳолат жуда қатъий бўлиб, ишлар консерватив тарзда олиб бориларди. Натижада, ўтган давр мобайнида компанияни капитализация қилишдаги дастлабки қийинчиликлардан хulosа чиқариб, аччиқ тажрибадан хulosа чиқарган биздек тадбиркорлар мадад учун фақатгина ўзимизнинг манбаларимизга таяниш қоидасига риоя этишга қарор қилдик. Шундан буён бирор марта молиявий ёрдам учун ташқарига мурожаат қилишга тўғри келмади, лекин ҳар доим ўзимизнинг шахсий манфаатларимизни назорат қилиш ва сақлаб қолишига, зарурат туғилганда бошқаларга ёрдамга боришга ҳаракат қилдик. Компаниямиз ишнинг асл моҳиятини тушунмаган одамлардан кўплаб дилхиралик-

лар күрди. Компаниядаги шахсий иштирокидан аллақачон воз кечган одам сифатида фикримни айтиш ҳуқуқига эга бўлсан, қайд этишим жоизки, ўз умрини бутун дунё бўйлаб Америка маҳсулотининг савдоси билан шуғулланувчи ташкилотга, чет эллик рақобатчилар билан курашга бағишилаган одамларни рағбатлантириш, уларга нисбатан миннадор кайфиятда бўлиш лозим, туҳмат қилиш эмас.

Standard Oil Companyning "спекуляциялари" ҳақида ҳар хил гап-сўзлар юради, бу масалада ҳам икки оғиз сўз айтишни истардим.

Компания фақатгина керосин савдоси ва у билан қайсиdir жиҳатига кўра боғланган тармоқларидан манфаатдор. Бизнинг бочка, цистерна, нефть тортиб оловчи фабрикаларимиз бор, айнан шу мақсадда нефть етказиб бериш учун цистерналар, қувурларга эгалик қиласиз. Лекин у, умуман олганда, бошқа спекуляциялардан чекланади, чунки керосин бизнесининг ўзи шундок ҳам спекуляция ҳисобланади, уни юритиш эса ҳар доим қаттиққўл ва соғлом ақлни талаб қиласи.

Компания нефть савдоси билан шуғулланиб, ўзининг акциядорларига катта дивиденд тўлайди. Акциядорлар бу пулларни ўз хоҳишига кўра тасаруф қилиши мумкин, компания бу жиҳатларга асло дахл қила олмайди. Ҳамиша айбланганидек, компаниямиз "бутун турдаги банклар"га эгалик ҳам қилмайди, истисно тариқасида таъсир ҳам ўтказмайди. У на бевосита, на билвосита бирор банкнинг фаолиятидан манфаатдор эмас, йирик корхоналар банклар билан қандай алоқада бўлса, бизнинг компаниямиз ҳам шундай алоқа қиласи: ўз векселларини сотиб олади ва сотади. Ҳаракатнинг бундай йўсини жаҳон бозорида компания векселлари учун улкан ижобий аҳамият касб этди.

## Баккус иши

Кичик корхоналарнинг барча харидларини ўзимиз вижданан амалга оширап эдик. Шунга қарамай, бу масалада жуда кўп шов-шувлар юрди ва ҳатто буларнинг барчаси ҳар қандай зўравонлик воситалари ёрдамида амалга оширилган “таёқ остидаги” харидлар, деган тасаввур ҳам пайдо бўлди. Хусусан, ўз вақтида Standard Oil Company-ning ташкил этилиши кўп ва кескин баҳсларга сабаб бўлди. Шу билан бирга, менинг ҳимоясиз бева бир аёлга тегишли қимматбаҳо мол-мулкни сариқ чақа эвазига сотиб олиб, уни хонавайрон қилганим ҳақида миш-мишлар тарқалди. Бу ҳикоя шундай бўрттирилар эдики, натижада юрак беихтиёр баҳтсизларга раҳм-шафқат ҳисси билан тўлғонарди, агар унинг замирида ҳақиқат бўлганда ҳам, бу иш ҳимоясиз бева аёлга нисбатан даҳшатли зулм намунаси бўла оларди.

Масаланинг асл ҳақиқатини билмайдиган одамлар кенг тарқатган бу миш-мишлар Standard Oil Company га нисбатан бошқа бадбинилкларга қарангда кўпроқ нафрат ҳиссини уйғотди.

Айнан шунинг учун бу ерда масаланинг энг майда тафсилотларига тўхталиб ўтаман. Бундай қилишга аслида менинг хоҳишим йўқ ва айтишим мумкинки, узоқ вақт ўзим билан бўлган курашдан кейин бу масалани батафсил очиқлашга қарор қилдим.

Эски дўстим, Кливленднинг фуқароси Ф. М. Баккус ўлимидан бир неча йил олдин (1874 йил) мен каби керосин савдоси билан шуғуллана бошлади. Унинг ўлимидан сўнг иши Standard Oil Company фирмаси муассислиги остида давом этди. 1878 йилнинг иккинчи ярмида компаниямиз бу

корхонанинг алоҳида бўлимларини сотиб олди. Бу хариднинг натижаларига бағишланган мажлисда компания номидан Питер С. Женнингс, Баккус хоним номидан Чарльз Г. Марр қатнашди ва у бир неча ҳафта давом этди. Шахсан ўзим мажлисда қатнашмадим, фақатгина савдо қизиганидан кейин Баккус хоним мени юзма-юз гаплашиб олиш учун чақирди. Албатта, мен бордим ва ўша ерда Баккус хоним музокараларда шахсан ўзим қатнашишимни сўради. Мен эса ишнинг икир-чикирлари билан яхши таниш эмаслигимни айтиб бунга рад жавобини бердим. Шунга қарамай, корхонани сотишга шошмаслигини маслаҳат бердим, аёл иши билан боғлиқ келажак хавотирлари ҳақида айтгач (масалан, керосин етказиб бериш учун вагонлар танқислиги), ўзимиз уларга муҳтоҷ бўлишимизга ва ҳар доим улардан тўлиқ таркибда фойдаланишимизга қарамай, унга шу заҳотиёқ ўзимизнинг вагонларни ижарага бериб туришни таклиф қилдим. Муваффақиятнинг шундай чўққисига кўтарилгач нима сабабдан ишни ўзи давом эттирмаётганига тушум маётганимни айтдим. Ва шу заҳотиёқ барча музокаралардан кейин ҳам корхонани сотишга қарор қиласа, унинг ёнига нефть соҳасининг мутахассисларини юборишимни қўшимча қилдим. Кейин у барибир компанияни сотиш истаги борлигини ва барча янги музокаралар Женнингс билан олиб борилишини билдириди. Кейинчалик мен фақатгина бир марта аралашдим: корхона мутахассислар томонидан баҳолангач, Баккус хонимнинг энг майда зиёнга ҳам тоқат қила олмаслигини билган ҳолда, белгиланган нархга яна 10 минг доллар қўшиб бердим. Келишув ҳар икки томоннинг тўлиқ розилиги асосида тузилди, белгиланган нарх деярли тўлаб берилди. Келишувдан бир неча кун ўтгач Баккус

хонимдан шикоятомуз хат олдим, унда аёл адолат-сизлик бўлганидан арз қилган эди. Мен ишни қайта кўриб чиқдим ва унга жавоб хатини ёздим:

13 ноябрь, 1878 йил.

Хурматли Баккус хоним!

Standard Oil Company билан бўлган савдо шартномасининг ҳар бир қисмини қайта кўриб чиқши учун кеча сиздан олган хатни бугунгача жавобсиз қолдирган эдим. Чунки ўзингизни ҳуқуқи топталган инсон сифатида ҳис қилишга асос бўладиган бирор гайриихтиёрий камчилликка йўл қўймаганимизга шахсан ишонч ҳосил қилишим керак эди. Тўғри, сұхбатимиз давомида мен сизга, агар истасангиз, компаниянинг маълум миқдордаги акцияларни бериб, Standard Oil Company ишларида иштирок этиши имконини таклиф қилдим; лекин ўшанда сизнинг сўзларингиздан ишни бутунлай сотиб, четга чиқшини истаётганингизни тушундим. Шунинг учун, сұхбатимиз моҳиятидан келиб чиқиб, келишувимиз бошқача эмас, айнан шундай тус олди. Шунинг учун акцияларни олиш бўйича юборилган сўровдан кейин, биз сизга, мактубингизда келтирилган моҳиятни келишувга сингдирмаган ҳолда, тегишли тартибда жавоб бердик. Сизнинг эътирозингизга келадиган бўлсак, ишни бизга сотмаганингизда ҳам уни сиздан олиб қўйган бўлардик. Айтишим мумкинки, ўз мактубингиз билан мени, умуман, ҳаммани асоссиз ранжитдингиз. Мен вакили бўлган компаниянинг манфаатлари учун Standard Oil Company иши биз томонимиздан сотиб олинганми-йўқми умуман аҳамиятсиз. Икки йил аввал мендан ва Флаглердан ишингизни бизга сотиш масаласида маслаҳат сўраган вақтларни эслашингизни сўрайман. Ўшанда сиз ишингизни ҳозиргидан анча

настросқ нархда, нақдга әмас, балки мұддатли түловға сотишига рози бұлған ва сизге кимдир мұнтазам түлов амалға ошириб туришидан жуда ҳам мамнун әдингиз. Мұлкінгиз учун түланған нархга түхталаған бұлсак, шубхасиз, сиз уни үч баробар ошириб юбордінгиз, бұ сумма билан биз үзөк вақт давомида даромад олишимиз мүмкін әди. Лекин келишувни ихтиёрий түзіш мақсадида мен 60 000 доллар таклиф қилдім, буны аксарайт шерікларим мейеридан ортиқ даражадаги таклиф деб ҳисоблади. Мактубингизда айттылған барча гаплар ҳақида үйлаб, мени ҳақорат қылғанингизни тан олишингиз керак, деб ҳисоблайман ва умид қиламанки, бұ борада сиздаги түгмаadolat түйгеси менга ёрдам беради.

Камтар құлингиз  
Жон Д. Рокфеллер.

Лекин Баккус хоним менинг мурожаатимға ҳеч қандай муносабат билдірмади. Менинг баёнотимни асоссиз баҳона деб үйламаслиги учун, үқувчиларнинг дикқат-эътиборига қуидаги ҳужжатларни илова қиламан: биринчиси – Баккус хонимнинг қайнакаси Г. М. Баккуснинг мактуби. Г. М. Баккус акасининг вафотидан кейин ҳам компания аъзоси бўлиб қолди ва шу ерда фаолиятини давом эттиради. Хат ҳеч қандай ташқи таъсирсиз ёзилған әди, мен эса ундан фақат хатни чоп этиш учун рухсат олдим. Бу хатда мен ҳақимда келтирилған мақтолардан завқланиш бутунлай аҳамиятсиз, чунки тушунмовчиликка сабаб бўлувчи бир оғиз сўз айтиб қўйишдан хавотирдаман:

Баулинг-Грин, Огайо. 18 сентябрь, 1903 йил.  
Жаноб Жон Д. Рокфеллерга, Кливленд, Огайо.

"Бу мактуб қачондир сизга етиб борадими ёки котибангиз уни кераксиз қогозлар саватига ташлаб юборадими, буни билмайман. Лекин, бу ўз қўлимда бўлгани учун, виждонимни тинчлантиришим керак, мактубин олиш-олмаслигингиз эса аҳамиятсиз. Акамнинг беваси сизга менинг ҳам кичик иштироким бўлган Standard Oil Company савдоси билан боғлиқ ўшаadolатсиз ва ўринсиз хатни ёзган кундан бўён, сизга ёзишини ва барча тушунмовчиликлар ҳақидаги фикримни баён қилишини истадим. Мен акамнинг оиласи билан яшардим, сизнинг ташрифингиз куни, Баккус хонимнинг хоҳишига кўра, компаниянинг олди-сотди музокараларида иштирок этиши учун уйда қолдим. Мен аввалбошданоқ ишнинг сотилиши тарафдори эдим.

Жаноб Роуз ва жаноб Алоней билан бўлган нохуи сұхбатлар чогида ҳар доим Баккус хонимнинг ёнида бўлдим ва уларнинг Баккус хонимни сизга қарши қайрашларига қўлимдан келганича қаршилик қилдим. Фикримча, у тулли ишларда жуда ҳам доно, лекин компаниядаги улушиларнинг сотилиши, молиявий нуқтаи пазардан қаралганда, оқилона қарор бўлишини тушунмайди. Сўнгги беш йилдаги ўсиб борувчи, кучли рақобат Standard Oil Company ни хонавайрон қилиши, фаолиятини жар ёқасига келтириб қўйиши, Авеню Эвклиддаги ер участкаларининг қарзи эса ишга якун ясали мумкинлигини тушунмас эди. Модомики, у ўзининг нефть ишини қутқарип қола олганида ҳам бу фақатгина Жон Д. Рокфеллернинг режалари туфайли амалга ошириларди. У миллионларни йўқотганини тушуниб турибди ва бир кунда уч марта ўз фарзандларига уқтиради. Шундай экан, ўйлайманки, бу унинг учун ўзига хос манияга айланди. Уни ҳеч ким бу шаштидан қайтара олмайди. Кўплаб жабҳаларда у жуда доно, лекин негадир бу сафар шошма-шошарлик қилиб қўйди. Ишончим комил, Рокфеллер томонидан унга дивиденд-

лар тўланиши давом этиши ваъда қилинганида, мен савдога қарши чиқишимга тўғри келарди. Лекин бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Сизнинг тала-бингиз билан умумий суммага яна қўшимча 10 000 доллар қўшиб берилгани, ишнинг асл нархидан уч баробар қимматроқ тўлаганингиз, компаниямизни банкротликдан қутқаришининг ягона йўли уни сотиш бўлгани ҳақида биламан. Бу мактуб билан мен шунчаки ўз виждонимни тинчлантиряпман. Саводдан кейин мен ўзимда эмасдим; баҳт излаб Буффалога бордим, лекин тез орада ҳаммаси чиппакка чиқди ва уятга қолиб, ортга қайтдим. Ўшанда мен Делетга кетдим ва бошидан бошлидим, лекин “ер иситмаси” мени яна ҳеч нарсасиз қолдирди. Шу йўсинда мен яна турдим ва яна ийқилдим, лекин ўз баҳтсизлигим учун анжир дарахтининг тагида ўтириб, Жон Д. Рокфеллерни айбламай, аччиқ тажриба заҳрини ютишга ва ёрқин келажакка умид билан қараашга ҳаракат қилдим.

Агар қувур ишлаб чиқарувчи компания бошлиги жаноб Ганафин билан суҳбатлашмаганимда, эҳтимол, шунча вақт ўтиб бу мактубни умуман ёзмаган бўлармидим. Ўша суҳбатда гап тасодиған Standard Oil Сотрапунинг сотувига бурилди. Ўшанда, ва ниҳоят сизга ўзим гувоҳ бўлган воқеалар ҳақида ушибу мактубни ёзишга журъат топдим. Ёзгач, елкамдан тоз ағдарилди.

Жон Д. Рокфеллерга чексиз хурмат ва эҳтиром билан камтар қулингиз.

Г. М. Баккус”.

Тасдиқланган хужжатлардан ва протоколлардан кўриниб турибдики, музокараларни Баккус хоним ва унинг компанияси номидан узоқ йиллик ходими Чарльз Г. Марр ва компанияга асос солинганидан буён директор лавозимида ишлаган жаноб Мало-

ней, Standard Oil Company номидан эса Питр С. Женнингс олиб борди.

Үшанды Standard Oil Companунинг 79 000 долларга аңчагина қиммат бўлган бу ишни таҳдид ва мажбуrlаш йўли билан сотиб олгани ҳақида гаплар юрарди. Үшанды Женнингс Баккус хонимнинг компанияси тадбиркорликнинг сотувга қўйилган ҳар бир қисми ва келишувнинг бошқа шартлари учун сўраган нархнинг аниқ ва батафсил кўрсатилган ёзма ҳужжатини талаб қилган. Унинг талаби қондирилган ва Женнинг уни ўзининг қасамёд тасдиқномасига қўшган.

Натижада, Standard Oil Company Баккус хонимнинг компаниясини тўлалигича эмас, қисман сотиб олишга қарор қилди. Масалан, омборхонадаги жами керосин учун 19 000 доллар таклиф қилинди, заводлар, мижозлар ва уларга эгалик қилиш ҳуқуки учун Mapp 71 000 доллар сўради, компаниямиз эса 60 000 доллар таклиф қилди ва бу нарх дарҳол маъқулланди. Куйида Маррнинг қасамёд баённомаси келтирилган:

“Чарльз Г. Мар қасамёд билан баён қиладики, заводлари, мижозларини ва эгалик ҳуқукини сотишни мақсад қилган Standard Oil Company билан савдо музокараларини олиб бориш ваколатига эга. Юқорида номи келтирилган компания барча мол-мулкни маълум сумма эвазига, аниқроқ айтганда, бир юзу эллик минг (150 000) долларга сотиб олиш таклифини бергач, музокаралар давомида компания вакили Женнингс савдо ишининг батафсил актини беришни талаб қилди, унда савдога қўйилган ҳар бир предметнинг нархи алоҳида кўрсатилган бўлиши керак эди. Киритилган таклифни Баккус хоним билан муҳокама қилиб, унинг розилиги билан Mapp ёзма ҳужжатни иккинчи томонга тақдим этди, Женнинг эса бу ҳужжатни ўзининг қасамёд

тасдиқномасига қўшиди. Кейинроқ, Марр бу ҳужжатни Баккус компаниясида ўз қўли билан ёзганини ва аслидан нусха кўчирганини тасдиқлади, Женнингснинг илтимосига кўра, ҳужжатнинг асли Баккус хонимга топширилди.

Охирида ўтган музокараларнинг барча тафсилотлари Баккус хонимга етказилди, у таклиф қилинган нархнинг ҳар қандай алоҳида ҳолатлари ҳақида, шунингдек, компания акцияларининг 7/10 қисмига эгалик қиласар экан, унинг энг йирик акциядори сифатида ишдаги ҳар бир навлатдаги қадам унинг розилиги билан амалга оширилишини билади. У ўртага ташланган таклифдан хабардор ва заводлар, мижозлар ва эгалик ҳуқуқи учун айтилган нарх – 60 000 долларга, гувоҳга маълум бўлганидек, ҳеч бир муаммосиз рози. Гувоҳ қўшимча қиласарди, олди-сотди шартномасининг умумий миқдори бир юзу ўттиз уч минг (133 000) долларни ташкил этади ва унинг бир қисми ҳали тўлаб берилмади”.

Кейинчалик Марр, бева Баккуснинг собиқ вакили сифатида, музокараларга тўхталади ва ва айтади:

“Гувоҳ тўла-тўкис тасдиқлайдики, Женнингс ёки бошқа кимдир томонидан таҳдид сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳеч қандай гап айтилмади. Худди шундай, Женнингс бизнинг шошилинч ёки бепарво иш тутишимизга сабаб бўлувчи ҳеч қандай иш қилмади”.

Кейин у қуйидагиларни айтди: “Гувоҳнинг айтишича, музокаралар икки-уч ҳафта давом этди... Баккус хоним музокара давомида ҳар доим тадбиркорликни сотишга ҳаракат қилиб, ишни тезроқ якунлаш ва бу билан ўзидан барча ташвиш ва масъулиятни соқит қилиш учун гувоҳни шоширди. Олди-сотди ишлари, юқорида Женнингс томонидан айтилган шартлар асосида унга тақдим этилганида у дарҳол розилик билдириди”.

Шунингдек, Малоней компанияси фаолияти бошлангандан буён унинг директори бўлганини тасдиқлади ва ўзининг компания акциядори эканини ҳамда Баккус хоним билан вафотигача узоқ вақт бирга ишлаганини, олди-сотди музокараларида аёлнинг ишончли вакили бўлганини таъкидлади. Музокаралар ҳақида билишини маълум қилиб, давом этди:

“Нихоят Баккус хоним заводлар, мижозлар ва эгалик ҳуқуқини 71 000 долларга сотишга қарор қилди. Бир неча кундан кейин иккинчи томон заводлар ва клиентура учун 60 000 доллар таклиф қилиб, хонимга бу ҳақда хабар қилди, лекин керосиннинг бутун захирасини жорий бозор нархида сотиб олишни ўз зиммасига олди. Хоним бу таклифга рози бўлди ва келишув тузилди.

Музокаралар давомида Баккус хоним тадбиркорликни сотиш учун жиҳдий ҳаракат қилди ва эришилган келишувдан тўлиқ қониқиши ҳосил қилди. Билардимки, бир ярим йил олдин Баккус хоним Standard Oil Comrapudаги акцияларини буғунгидан 30–33 фоиз арzonроққа сотишга ҳаракат қилган эди, бу вақт давомида заводлар ва мол-мулк нархи кўтарилимаган эди. Олди-сотди вақтида мен буларнинг ҳаммасини 25 000 долларга тиклаб олардим. Савдога мажбурловчи ҳеч қандай таҳдид, ҳеч қандай қўрқитиш бўлмади. Музокаралар бутунлай тинч йўл билан ўтказилди, таклифлар ва мурожаатлар мувофиқ тарзда берилди, таклиф этилган нарх мулкнинг асл қийматидан кўра анча яхши бўлди ва Баккус хоним ҳамда бошқа манфаатдорлар олди-сотидан қониқиши ҳосил қилди”.

Хотирам панд бермаса (ахир ўшандан буён 30 йил ўтди), Standard Oil Company Баккус хонимга ҳамиша меҳрибон ва эҳтиёткор муносабатда бўлган.

Фақат бир нарсадан, Баккус хоним ўз пулларининг ҳеч бўлмаса бир қисмини, биз маслаҳат берганимиздек, Standard Oil Company акциялари кўринишида олмаганидан афсусланаман.

## Чегирма масаласи

Жамоатчилик диққатини компания фаолиятига қаратган барча ҳолатлар ичидаги темирийўл чегирмалари масаласи энг катта шов-шувларга сабаб бўлган. Менинг вакиллигим остидаги Огайо штатида жойлашган Standard Oil Company 1880 йиллардан оддин темирийўллардан чегирма олган, лекин бу бизга фойда келтирмаган, чунки бунинг учун кўпгина хизматларимиз билан товоң тўлаганмиз. Умуман олганда, темирийўллар қоидалари асосида имтиёзли тарифлар жорий этилган эди. Ҳамма учун баробар бўлган муайян тариф темирийўллар жамиятлари томонидан кенгайтирилган ва амалга киритилган эди, лекин билишимча, тўлиқ дахлсизликка ҳар доим ҳам амал қилинмас эди. Унинг каттагина қисми ҳар доим юк жўнатувчиларга чегирма кўринишида тўланар эди. Шу туфайли, юборувчи тўлаётган жўнатишнинг асл нархи унинг рақибларига ва бошқа темирийўл жамиятларига номаълумлигича қолар эди, чунки бу жамият ва юк жўнатувчи ўртасидаги алоҳида келишув натижаси бўларди. Бир нарса кундек равшанки, ҳар ким темирийўллар билан фойдали шартнома тузишга интиларди, лекин бунинг қай даражада муваффақиятли чиққанини фақат тахмин қилиш мумкин эди. Албатта, бу масаланинг кўп жихати экспедицияни олиб бораётган масъул шахсларга ҳам боғлиқ эди.

Огайо штатининг Кливленд шаҳрида жойлашган Standard Oil Company бошқа компаниялар оддида,

худди ёз фаслидагидек, қиши фаслида ҳам турли йўналишларда сув маршрутларидан фойдаланиш имтиёзига эга эди. Шу имтиёз туфайли, рақобатчиларга қараганда бизнинг компаниямиз анча манфаатли келишувлар тузарди. Бошқа жамиятлар ҳам шунга интиларди. Компаниямиз бир нечта темирйўл жамиятларига тарифларни арzonлаштириш эвазига бир қатор манфаатли таклифлар киригтан: вагонлар ёки поездларга тўлдирилган катта микдордаги юклар, ўз воситаларига тушариш ва юклаш мосламалари, йўллар ўзининг юк кўтариш қобилиятини ошириш ва жўнатилувчи ижара материалларининг таркибини шай ҳолатга келтириш учун мунтазам юклар, керосин етказиб берувчиси ким бўлишидан қатъи назар енгил ёнувчан материалларни сугурта қилиш орқали, Standard Oil Company йўлларни ёнғин оқибатида пайдо бўладиган зарарлардан бартараф этди. Компания ўз ҳисобидан йўлнинг якуний пунктларига тежамкор курилмалар ўрнатди. Бундай хизматлари учун мукофот сифатида компанияга бошқа чегирмалар олдидан имтиёзли шартномалар тақдим этилди.

Лекин бу каби чегирмаларга қарамай, Standard Oil Companyнинг юклари йўлларга, кичик чегирмалар олган майда жамиятларнинг кам ва нотўри юкларидан кўра кўпроқ фойда келтиради.

Тарифлар бўйича чегирмалар сабабли юзага келган вазиятни тушуниш учун, биринчи навбатда йўллар ўзининг юк кўтариш қобилиятини ошириш учун қанча ҳаракат қилишини эслашимиз лозим. Улар ўша вақтда юк ташиш соҳасида дентиз ва дарё кемалари ҳамда қувурлар тизими билан беллашар эди. Юк ташишнинг барча шу каби турлари темир йўллар фаолиятига таъсир кўрсатди ва бу соҳа кучли рақобатда енгиб чиқиш учун умидсиз равишда

катта маблағ сарфлади. Аввал айтганимдек, юкларни тезроқ ортиш ва юклаш учун қурилмаларни фойдаланишга топширдик, шартнома асосида ҳар куни маълум миқдордаги вагонларда юк етказиб берилишига масъул қилиб қўйдик.

Охир оқибат, қанча иложи бўлса, темирийўллар учун транспорт харажатларини шунча камайтиридик.

Буларнинг барчаси савдо айланмаси шартларининг табиий қонунларидан келиб чиққан.

## Қувурлар ва темирийўллар

Қувурлар тизимининг қурилиши билан темирийўллар учун яна бир қўшимча ва хавфли рақобатчи пайдо бўлди. Керосинни насослар ёрдамида қувурлар орқали етказиб бериш поезд цистерналаридан кўра анча арzonга тушар эди. Шунинг учун етказиб беришнинг бу услубини ривожлантириш замон талаби эди, лекин бир савол кўндаланг туради: сарфланган капитални қоплаш учун керосин етказиб беришнинг ўзи етарли бўладими? Ер участкаларида қувурлар ётқизилиши бошланса, кейин уларда қандайdir носозлик кузатилса, қувурлар энг бефойда ва кераксиз нарсага айланади.

Қувурлар ва темирийўл линиялари ўртасида юзага келган муносабат жуда қизиқ. Кўп ҳолларда уларнинг манфаатларини бирлаштиришга тўғри келарди: баъзида қувурларни ернинг фақат бир қисмига жойлаштириш мумкин бўлар эди, у ердан борила-диган манзилга юкларни темир йўл орқали етказиб бериш талаб этилади. Аввало, аксарият ҳолларда, автомобил йўллари керосинни бутун бошли масофадан атиги бир нарх эвазига олиб ўтарди. Кейинчалик, керосинни қувурлар ва темир йўллари ёрда-

мида етказиб беришни бошлаганимизда, тарифни бўлишишга тўғри келарди. Қувур эгалари умумий такс жорий этиб, даромадларининг бир қисмини темир йўлларга беришга рози бўлди. Шундай ҳолатлар ҳам бўлардики, Standard Oil Company темирийўлларга чегирмалар берарди, темирийўллар бизнинг компаниямизга эмас. Лекин бу каби мурраккаб ҳисоб-китоблар билан шутулланган одамларинг бундан шикоят қилганини эслай олмайман.

Компаниямиз даромадлари темирийўлларнинг чегирмаларидан келмас эди. Лекин айнан охиргилар Standard Oil Company юкларини ташишдан катта фойда кўрди, компания қандай фойда кўрмасин, истеъмолчилар учун маҳсулотлар нархини пасайтиришда давом этди. Нарх пасайиши орқали маҳсулотларимизнинг дунё бўйлаб тарқалишига эришдик.

Ҳамма жойда катта чегирма туфайли савдо кўпайган вақтда, ҳамма манфаатли келишувларга Эришишни истайди. Барча штатлар учун баробар савдо тўғрисидаги қонуннинг (Interstate Commerce Law) жорий этилиши муносабати билан, дунё билдики, йўналишларнинг якуний пунктларида қурилмаларга сарфланган каттагина маблағлар борлиги га, биз жорий қилган мунтазам юклар ҳаракати ва қатъий иқтисодий қонунларнинг амал қилишига қарамай, биздан сезиларли даражада кам транспортировка қиласиган майда тадбиркорлик субъектлари биз қачонлардир эришгандан кўра анча камроқ фойда олар эди. Ҳанузгача темирийўл чегирмалари ҳақида кўп гапиравчи бостонлик бир маҳмадона киши сира ёдимдан чиқмайди.

У ўз ишига диққат ва масъулият билан ёндашувчи кекса ва тажрибали тижоратчи эди. У рақибларини ўзидан кўра яхшироқ ишлайти деб ўйлар

Эди ва бир куни бу масалада ўз фикрини қуидаги афоризм билан қатъий ифодалади:

– Агар менга фойда келтирмаса, мен чегирмалар тизимиға бутунлай қаршиман!

## THE STANDARD OIL COMPANY

### Иш юритиш услубимиз

Агар кўплаб ходимлари бор катта компания ўзининг фаолияти билан танқидларга сабаб бўлмаса, жуда ғалати бўлар эди. Ҳатто нисбатан кичикроқ ишларга таққослагандан, баъзан бундай ходимларни шахсий ёки ўзи аъзо бўлган жамият манфаатлари га бундай ёндашишдан чеклаб қолишинг иложи бўлмайди. Лекин барча ходимлар ёки бутун жамият учун умумий бўлган яхлит индивидуаллик нинг хатти-ҳаракатларини ҳисоблаш адолатсизлик бўлар эди.

Таъкидлаш ёқимлики, мен нефть соҳасидаги шерикларимни мажбуrlаш йўли билан ўзимга жалб қилиб, боғлаб олдим. Йўқ, мен у даражада кўр-кўроналик билан иш тутмасдим. Агар мен ростан шундай тактика билан иш тутганимда, шундай узоқ йиллар барҳаёт қоладиган компанияга асос кола олган бўлармиди? Шундай ходимларни компанияда масъулиятли, муҳим вазифаларга қўйиш, улар эса вазифасини ўн йиллар давомида бошқариши мумкинмиди? Яна сўрайман, шундай зўравонлик қурбонига айланган одамлардан ўн йиллар давомида дўстона муносабатлар муҳитидаги, бирдам колективга эга ташкилот тузса бўлармиди? Лекин бу ташкилот нафақат парчаланишдан сакланниб қолди, балки унинг меҳнат қобилияти ҳам ўсиб борди. Мен 14 йилдан буён компанияда эмасман, охирги 8-10 йил давомида эса компанияга йилига бир мартадан ортиқ бормадим.

Охирги марта маъмуриятта 1907 йилнинг ёзида бордим. Мен у ерда яна компания биносининг узоқ йиллардан буён хизматчилар ва бошқарувчилар бирга нонушта қиласидан юқори қаватига кўтарилидим. Кейинчалик бирор марта ҳам эски дўстларим ва янги бошловчилар билан сұхбатлашишнинг имкони бўлмади. Лекин корпоративнинг бурунги муҳити ва гармонияси ходимлар орасида ҳеч қандай ўзгаришсиз сақланиб қолингани мени қувонтируди. Юзлаб одамлар иштирокида дўстона сұхбат ва мулоқот билан қилинадиган биргаликдаги нонушта анъанаси (бир қараашда қанчалик аҳамиятсиз факт бўлмасин) мен исботламоқчи бўлган ўзига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Агар ходимлар фақат мажбурлаш йўли билан боғланган бўлса, улар ҳар куни шундай дўстона дастурхон атрофида тўпланган бўлармиди? Ўйлайманки, бўйнига сиртмоқ солинган одамлар йиллар давомида дўстона, ахил оила сифатида бир жойга тўпланмаган бўларди.

Standard Oil Company бир неча йиллар давомида қадамба-қадам ривожланиб борди, у ўзининг корхонанинг кенгайиб бориши орқали қисқариб борувчи нарх асосида бутун дунёни нефть маҳсулотлари билан забт этишдек улкан вазифасини қойилмақом қилиб уddaлаганига ишонардим. Компания оз-оздан ўзининг таъсир доирасини кенгайтируди, аввалига марказлардан қўним топди, кейинчалик кичик шаҳарларга ўтди, ва ниҳоят, кичик-кичик қишлоқларгача кириб борди. Унинг қадами харидорларининг остонасигача, шунингдек, харидорга қулай бўлган ҳар қандай манзилгача бориб, керосин етказиб беради. Дунёning ҳар бир бурчагидаги филиалларимиз худди шундай тизим асосида фаолият олиб боради. Масалан, компания

Европа шаҳарлари ва ҳаттоқи кичик қишлоқларига керосин етказиб берувчи 3000 та цистернага эгалик қилади. Хусусий омборлар ва компания эгалари бир хил услуг билин керосинни Япония, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга етказиб беради. Компаниянинг бундай даражага кўтарилиши учун машаққатли меҳнатдан бошқа яна нимадир сабаб бўлади, деб ўйлаш мумкинми?

Маҳсулотларни истеъмолчиларга тўғридан-тўғри сотиш ғояси ва бизнеснинг ғайриоддий тарзда тез ривожланиши барчамизга маълум бўлган қарама-қаршиликларга сабаб бўлмай қолмайди, фикримча, бундан қочишнинг иложи йўқ. Лекин бу ғоя биздан кейин саноатнинг бошқа турли хил соҳаларида амалиётта татбиқ этилди. Уларнинг эса қандайдир танқидларга учраганини эслай олмайман.

Бу каби охирги вазиятлар жуда аҳамиятли ва қизиқ, шундай экан, бу хусусда ўзимга бир неча марта савол беришимга тўғри келган: биз дуч келган ўша кескин танқидлар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг бевосита муносабатлари масаласига мукаммал ечим берган илк компаниялардан бири (агар энг биринчиси бўлмаса) бўлганимиз важидан келиб чиқмаяптимикин? Биз ҳеч қачон рақобатчиларимизнинг ишига аралашмаганмиз, нархларни сунъий тушириш ёки жосуслик йўли билан уларни йўқ қилишга уринмаганмиз. Биз шунчаки ўз олдимизга қандай ва қаерда бўлмасин, маҳсулотларимизга бўлган талабни оширишни мақсад қилиб кўйганмиз. Бунга қандай эришганимизни тушунитиришга ҳаракат қиласман.

Сарфланган маблағдан фойдани ажратиб олиш учун биз барча мамлакатлардан энг иирик бозорларни изладиқ, маҳсулотлар айланмасининг катта ҳажмига эҳтиёжимиз бор эди. Лекин бунинг учун

бизга кўп жабҳада мавжуд усусларни ортда қолди-радиган маркетинг усусларини ишлаб чиқиш керак эди. Биз бир галлон ҳам керосин сотолмаган жойда икки ёки уч галлон керосин сотишимизга тўгри келар эди. Бунга эришиш учун мавжуд усуслардан қоникиш ярамасди. Биз ҳеч қачон ўз бозорини кенгайтириш ташвишида юрган тижоратчининг ишларига аралашмаганмиз. Лекин корхонамизни сезиларли даражада кенгайтиришга асос бўладиган фойдаланилмаган бозорнинг очилиши орқали янги иш имконияти туғилганида, барчасини ўз фойдамизга бўйсундиришни мақсад қиласдик. Шу йўсинда биз кўплаб янги йўлларни очиб бердик, бошқалар эса бу йўллар орқали ортимиздан келди. Бу янги йўлларда истаймизми-йўқми кўплаб ўрганувчиларни ишга олишимизга тўгри келди. Аслида, ишда масъулиятли вазифалар учун номзодларни танлаб олишда аввалги хизматлари билан синалган ёш ходимлар энг яхши хомашё ҳисобланади. Лекин компаниямизнинг ривожланиши фавқулодда юз бергани сабабли биз асло бундай қила олмас эдик. Умид қиласманки, агар шундай ёш ходимларнинг айримлари бор куч-гайратини бекорга сарфлаган бўлиб чиқса, ҳеч ким бундан ҳайрон қолмайди. Лекин бу ҳолатда улар компаниянинг аниқ ва равшан буюртмаларини инобатта олмаганидан шундай бўлган. Хотирам панд бермаса, биз бажарган ишнинг ҳажмига таққослаганда бундай ҳолатлар жуда оз эди, демак, улар барчамизга маълум бўлганидек, қоидаларни эслатиб турувчи истисно ҳолатлар ҳам бўлган.

Узоқ йиллар давомида компаниямиз ва, бундан ташқари, Америкада ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳафтама-ҳафта Америкага олтин кўринишида миллионлаб доллар олиб келди. Мен

бу кўрсаткичдан фаҳранаман ва ишончим комилки бу борада фаолият олиб борган аксарият америкаликлар бу ҳиссиётни мен билан баҳам қўради. Омад – йирик экспорт савдосини ривожлантириш, керосинни иқтисодий суръатларда оммавий етказиб бериш учун маҳсус кемаларга эгалик қилиш, жаҳон бозорларини эгаллаш учун одамларни сафарбар этиш – буларнинг барчаси учун катта маблағ талаб этиларди, бу иш учун сарфланадиган йирик капитални топиш эса имконсиз эди, Standard Oil Company дек ташкилотни нақд пулсиз назорат килиб бўлмас эди.

Ишнинг аввалги ҳолати ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлиш учун, ўша вақтда нефть соҳасининг ҳозир тилга тушган бошқа тоғ-кон саноатлари каби катта таваккалга эга бўлганини эслаш лозим. Эски қадрдоним, содик дўстим, Нью-Йорк черковларидан бирида 40 йил давомида нотиқлик қилган хурматли Томас В. Эрмитеж мени ўйланмай ташланадиган қадамлар – заводларни ва тадбиркорлик субъектларини кенгайтиришдан огоҳлантириб турган. У бизнинг ишимизда катта хавф борлигига ишонарди ва, ё бизнинг керосин захираларни етмай қолишини, ё маҳсулотларимизга талаб камайиб, у ва бошқалар (баъзида ҳаммадек туюлади менга) бизнинг касод бўлишимизни башорат қилишини таъкидлар эди.

Ҳеч биримиз охир-оқибат ишимизнинг бу дараҷада гуллаб-яшнашини орзу ҳам қилолмас эдик. Биз фақат ўзимизнинг ҳар бир вазифамизни тартиб билан бажаар, эҳтиёткорликни қўлдан бермасдик холос, вазият бўлди дегунча пайдо бўлган ҳар қандай имкониятдан фойдаланаардик ва энг аввало компанияя пойдеворини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласардик.

Аввал айтганимдек, капитал топиш жуда қийин эди, консерватив қарашларга эга бўлган одамларни таваккал қилиш юқори бўлган ишимизга қизиқтириш ундан-да мураккаб бўлган. Бадавлат одамлар ҳамиша қатъиятсиз ва эҳтиёткор бўладилар, мабодо шу каби катта капиталга эга одамларни ишга жалб қилишнинг уддасидан чиқсан, бу кам учрайдиган омадли вазиятлар ҳисобланарди. Бизнинг акцияларимизни оз-оздан сотиб олиб, улар (капиталистлар) бу харидларини тажриба сифатида кўрарди, кейин улар юзларида миннатдорчилик ифодаси билан акцияларни сотиб олишни давом эттиришдан бош тортишини кўриш бизнинг ичэтимизни ер эди.

Корхонамизнинг янгилиги ва ўзига хослиги туфайли, бозорда шармандали нархларда соти-либ кетмаслиги учун баъзида акцияларимизни ўзимиз сотиб олишимизга тўғри келарди. Лекин ишимизнинг истиқболига қаттиқ ишонганимиз учун, қўрқмасдан шунга жазм қиласр эдик. Бу каби компанияларда ҳамиша ишнинг муваффақиятли яқунланишига ишонганидан бор бойлигини хавф остига қўядиган одамлар топилади. Лекин ишнинг муваффақиятсизликка дош беришингга арзиди – уларни (эҳтимол, ҳеч қандай асоссиз) баҳтни таъкиб қилаётган авантюристлар деб аташади.

Компаниянинг 60 минг нафар ходими бутун йил давомида хизмат қиласади. Масалан, ўтган йил бозор шароитлари нуқтаи назаридан жуда ноқулай келди. Лекин компания ўз фаолиятини хотиржамлик билан давом эттирди ва янги тадбиркорликни йўлга қўйди. Компаниямиз ходимлар меҳнатига яхши ҳақ тўлайди, шунингдек, улар касал бўлиб қолганида ғамхўрлик қиласади ва кексаларга нафақа ажратади. Компанияда ҳеч қачон катта норозилик

намойишлари бўлмаган. Билмадим, иш юритиш борасида ишлаб чиқариш суръатлари ҳаттоки энг оғир даврларда ҳам пасаймаган компаниядан ўзиб кетиш мумкинми?

Қолганларини бизнинг “Саккизоёқ” услубимизни (ихтиёрий номланиши “полип”, жамиятилиздан кимдир шундай ном берган) ўрганаётганда ўзлаштириб олиш лозим. Энг аввало, бизнинг капиталимизда умуман “сув” йўқ (эҳтимол, айнан шунинг учун сув ва нефтнинг аралашиб кетмаслиги ҳақидани фактни билармиз). Компаниянинг узоқ йиллик фаолияти давомида қарз берувчининг қарзлар тўланишини кутишга тўғри келган вазиятлар бўлмаган. Катта ёнғинлар ва йўқотишлар сабабли компания катта зиён кўрган, лекин ҳеч қачон ўз тасарруфидаги мол-мулкни гаровга қўйишга ёки кимдандир қарз олишига тўғри келмаган. У ўзининг акцияларини арzon-гаров сотиш учун номдор обуначилар қаторини кенгайтиришни жоиз деб биларди, шунинг учун нефть ўтказувчи янги ерларни сотиб олиш учун унинг доимо кўшимча капитали бўларди.

Ҳамма ерда компания ўзининг рақобатчиларини хонавайрон қиласи детан гап-сўзлар юради. Лекин фақатгина компания фаолиятидан яхши хабардор бўлмаган одамларгина бу иғволарга ишониши мумкин. Компаниянинг ҳар доим юзлаб рақобатчилари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Компания шунинг учун ҳам бундай позицияга эришдики, натижада ўз фаолиятини жуда яхши, тежамкор ва вижданан бажарадиган бўлди. Рақобат ҳақида яна бир гап: юзлаб, минглаб истеъодли одамлар фақат ишда мавжуд эмаслигини ўйлаб кўриш лозим. Америка ташқарисида рақобат янада кучли. Керосин компаниялари мунтазам равишда Европа

бозорларини эгаллашга интилаётган Россия керосини билан курашади. Шунингдек, компаниямиз Хиндистандаги барм керосинлари билан ҳам рақобатлашади. Ҳар ерда божхона тўсиқлари, маҳаллий хурофот билан ва ёвқарашиб нигоҳлар билан курашишга тўғри келади. Бошқа мамлакатларда, масалан, Хитойда дастлаб одамларга керосинни қандай ёқишини ўргатишга тўғри келади, бунинг учун эса уларга аввало лампаларни сотиш керак бўлади. Маҳсулотларимизни дунёнинг энг узоқ нуқталаригача етказиб бериш учун биз керосинни қадоқлаймиз, кейин эса туяларда ёки почта орқали юборамиз, бу жараён деярли бир қўлдан иккинчи қўлга бевосита узатилгандек бўлади. Савдо-сотикда биз турли хил эҳтиёжларимизни ҳисобга олдик. Ҳар сафар муваффақиятга эришганимизда биз ватан учун пул ишлардик, муваффақиятсизлигимиз эса халқимиз ва унинг ишчилари учун зиён келтирарди. Мамлакат ҳукумати бизга жуда катта ёрдам берди. Узоқ мамлакатларга янги савдо йўлларини очишида элчиларимиз, вазирлар ва консуллар бизга қўмак берди.

Мен буни ошкора эълон қилишга ҳақлиман деб ҳисоблайман, чунки бу режаларнинг аксарияти мен ишдан кетганимдан кейин (14 йил муқаддам) ривож топди.

Компаниянинг на ҳозир, на аввал алоҳида муваффақият сири бўлмаган. У муваффақиятга ўзининг алоҳида хусусияти билан эмас, балки истеъдодли ходимларининг бирдамликда фаолият юритиши билан эришди. Агар ҳозирги бизнес етакчилари таслим бўлишса, сифатсиз маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишига йўл қўйишса ёки мижозларга бепарволик қилишса, компания узоқча бора оладими? Катта эҳтимол билан, бундай компания унга

қанча масъулият билан ёндашилса, шунча яшаб қолади. Жамиятнинг ҳисботларини ўқиб, компаниянинг нефть бизнесига таъсири щунчалик каттаки, унинг директорлар кенгаши фақат дивиденд тақсимоти вақтида тўпланади, деб ўйлаш мумкин. Вазиятдан фойдаланиб нафақат компаниянинг, балки Американинг умумий экспорт тижоратига ўз ҳиссасини қўшган компания ходимларига ўз мамнуниятимни изҳор этишдан баҳтиёрман, ахир Америка маҳсулотларининг ярмидан кўпроги мамлакатимиз ташқарисида истеъмол қилинади. Агар компанияни ҳозирги директорлар ўрнига иш ҳақида тушунчаси бўлмаган одамлар бошқарганида, ўз акцияларимни исталган нархга пуллаб юборган бўлардим. Ҳар қандай ишда муваффақиятта эришиш учун раҳбар сифатида жиддий, билимли ва истеъдодли инсонларни танлаш лозим. Компаниянинг ташкил этилиши ва унинг дастлабки мақсадлари ҳақида кейинроқ айтаман.

## **Замонавий синдикатлар**

Халқ орасида синдикатларга нисбатан бироз ишончсизлик борлиги рост гап ва бу бежиз эмас. Синдикат ҳам инсонлар каби дуруст ёки бадахлоқ бўлиши мумкин. Аммо баъзи бирларининг ахлоқсизлиги сабаб барча синдикатларни қоралаш ярамайди. Синдикат қатъий белгиланган шаклу шамойил ва табиатга эга ва буни албатта ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, бугунга келиб шерикликнинг ғоят қулай шаклига эга бўлган ушбу синдикатларга ҳаттоқи жуда майда корхоналар ҳам бирлашаётгани эътиборга молиқдир.

Бугун кунда капитални бирлаштириш ҳолати ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ учраётганини инкор қи-

либ бўлмайди. Агар бу синдикатлар реал сиёсатга асосланган бўлса, яъни бошқаларнинг манфаатларини ҳимоя қиласа, у ҳолда ҳадикка тўла инсоннинг ҳам ташвишланишига ҳожат қолмайди. Шахсий рақобат даври энди қайтмайди. Машиналашган асбоб-ускуналардан халос бўлиб, қўл меҳнатига қайтиш вақти келмадими кан, дея баҳслашиш керак, эҳтимол. Соғлом фикрли инсон бунинг моҳиятини яхши англай олади. Синдикат аъзолари сонининг қандай ошишини, бошқача айтганда, кўпдан-кўп капиталнинг қандай корхонага оқиб киришини ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Бир жиҳат жуда муҳим – етакчиларга улкан масъулият ҳиссини сингдириш ҳамда манфаатдор шахсларни синдикатларни танқид ва ҳужум қилишдан олдин масалани чуқур ўрганиб чиқишга мажбур қилиш.

Бундай ташкилотлар ҳақида кўп маротаба ўз фикримни билдирганман ва ҳануз ўша фикрдаман, айниқса, синдикатлар бутун жамоат диққатини яна ўзига тортар экан, мен ҳозир ҳам бемалол ўша фикримни такрорлай оламан.

Бундай бирлашмаларнинг муҳим жиҳати шундаки, улар ҳам шахсни, ҳам капитални бирлаштиради. Маълумки, бир корхона учун оғир бўлган кўпгина мушкулликлар икки корхона кучи қаршисида ён беради. Иш биргаликда олиб борилса, ҳаттоқи энг кичик кўламда ҳам фойдалироқ бўлади деб ҳисобласак, ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажмини чеклаш уларнинг ҳар бирига алоҳида берилиши керак. Унчалик катта бўлмаган иш учун икки нафар шерик етарлидир. Аммо бундай компаниянинг ривож топишида, агар иш умуман ривожланишига қодир бўлса, ўз-ўзидан кўпроқ миқдорда одам ҳамда анчайин катта капитални жалб қилиш керак бўлади. Бизнес, мисол учун, шундай ривожла-

ниши мумкинки, оддий савдо компанияси етарли бўлмайди ва шунда йирикроқ ташкилотга бўлган эҳтиёж пайдо бўлади. Давлатларнинг аксариятида ўз мамлакатидан четта чикмайдиган корхоналар учун компания жуда мукаммал шакл ҳисобланади. Бироқ бизнинг, яъни ҳар бир штат учун алоҳида қонунлари бўлган уюшманинг бошқарув шакли агентларнинг умумий гурухи билан иш олиб борувчи кўплаб фирмаларни бизнес юритиши керак бўлган у ёки бу штатдаги уюшмалар билан бирлашишига мажбур қиласи. Катта уюшмалар билан бизнес юритиш ўрнига улар турли уюшмалар агентликлари хизматига мурожаат қилишларига тўғри келади. Бордию бизнес хорижда юритилиши керак бўлса, маълум, бугунги кунда америкаликлар маҳаллий бозорларининг ўзи билан қаноатланмайдилар, амалиёт, тўғрироги, зарурият ўша хорижий мамлакатларда ўз уюшмаларини ташкил этишини талаб қиласи. Шубҳасиз, Европада ҳам худди Америкада бўлгани каби синдикатларга нисбатан ишончсизлик юқори. Бу уюшмалар қайсиdir маънода ўша мақсаддаги агентлар гурухининг бир кўриниши бўлиб, биргаликдаги эгалик ортидан келувчи фойда орқали бирлашгандирлар.

Заруратга айланган бундай саноат бирлашмаларининг фойда ёки зарарини муҳокама қилиб ўтиришга энди кеч. Бизнесни уюшма худуди ва кейинчалик, хориж бўйлаб кентайтириш истаги мавжуд бўлганида, биттадан ортиқ уюшмага эга синдикатларнинг вужудга келиши табиий ҳол-ку.

Ягона хатар мавжуд – синдикатларга берилувчи хуқуқдан ножӯя мақсадларда фойдаланишлари мумкин, бу эса бизнес юритиш ўрнига акциялар олиб сотарлиги билан шуғулланувчи синдикатлар-

нинг пайдо бўлишига сабабчи бўлади ва бунинг на-  
тижасида маҳсулотларнинг баҳоси тушиш ўрнига  
вақтинча кўтарилиб кетади. Ушбу ҳолат ўлчамидан  
қатъи назар исталган савдо бирлашмасида рўй бе-  
риши мумкин. Бироқ мана шу сабаб туфайлиги-  
на синдикатларнинг ташкил топиши заруратини  
шубҳа остига олиш – худдики буғли машинада со-  
дир бўлиши мумкин бўлган портлаш хавфи туфай-  
ли бутунлайнин бу машиналардан воз кечиб юбо-  
ришдек гап. Бутгиз иложи йўқлиги маълум ва ҳар  
ҳолда буғни назорат қилиш мумкин. Синдикатлар  
ҳам шундай, улар зарур. Ножоя мақсадда қўлла-  
ниш миқдорини эса минимум даражага тушириш  
мумкин. Акс ҳолда, қонун чиқарувчилар замонавий  
саноатнинг муҳим воситасини назорат қилишининг  
уддасидан чиқа олмасликларини тан олишлари ке-  
рак бўлади.

“Саноат комиссияси”нинг 1899 йилдаги кен-  
гашларида саноат бирлашмаларига доир қандай  
турдаги қонунларни таклиф қилган бўлишим мум-  
кинилиги ҳақида айтган эдим. Биринчиси – синди-  
катларнинг шаклланишини осонлаштирувчи ва  
агар имкони бўлса, уларни назорат қилувчи барча  
штатлар учун умумий бўлган қонун. Иккинчиси –  
ҳар бир штат учун алоҳида қонун, иложи борича,  
доимий бўлса ва бу қонун капитал оқими ҳамда ти-  
жоратини кенгайтириш мақсадида бўлган алоҳида  
шахсларга кўмакчи бўлса. Албатта, давлат назора-  
ти остида. Шу билан бирга саноат ривожига халал  
бермаган ҳолда, жамоатта нисбатан қаллоблик би-  
лан найранг қилишларига имкон бермаслик. Ҳатто  
хозир ҳам, 1899 йилдан ўн йил ўтиб, фикримни ўз-  
гартирганим йўқ.

## Келажак уфқлари

Менимча, бундай чора-тадбирлар бирон бир шахснинг фаровонлигига салбий таъсир кўрсатмайди. Биз қадам қўяётган буюк иқтисодий давр янги авлодга сўзсиз бир қанча ажойиб имкониятлар очиб беради. Ота-боболаримизда бўлган имкониятлар ҳозирги ёшларда йўқ деган фикрни ёшлардан тез-тез эшитишимизга тўғри келади. Лекин ёшлар бизларни қандай қийинчиликларга дуч келганимиз ҳақида унчалик кўп нарса билмайди. Эслайман, ёшлигимда бизнинг ишимиз жуда кўп, лекин ишлаш учун қурол-аслаҳалар умуман йўқ эди. Ҳеч қандай тайёргарлик кўрмаган ҳолда, биз ўз мақсадимизга эришиш учун янги йўллар топишимиз керак эди. Сармоя топиш чидаб бўлмас қийинчиликлар келтириб чиқарар, кредит олиш эса сирли ва яширин келишув асосида амалга оширилар эди. Эндиликда биз тижорат юритиш, тижорий баҳолаш учун қатор тизимларга эгамиз, ўша пайтларда буварнинг барчаси қизғин ўйин эди, биз эса бу ўйин оқибатларини ўзида синаб кўрган қурбонлар эдик.

Ўтмишни ҳозирги замон билан солиштириб кўрамиз, бизнинг қулайликларимиз ва меҳнат қилиш имкониятимиз минг баробарга ўси, мамлакатимизнинг бойлик манбалари энди очилмоқда ва аранг қўзғалмоқда, холос. Бизнинг хусусий бозорларимиз улкан. Энди фақат ривожланишдан ортда қолган мамлакатларнинг бозорлари ҳақида ўйляяпмиз. У ерларда биз савдо-сотиқ қилишимиз мумкин. Шарқ мамлакатлари аҳолисининг тўртдан бир қисми эндинигина кўп асрлик уйқудан уйғона бошлаган эди. Янги авлод шундай мерос қабул қилиб олдики, оталарнинг ҳаёти фарзандларникига таққосланганда, қашшоқлар ҳаётига ўхшайди. Та-

биатимга кўра мен оптимистман, лекин гап халқимизнинг келажақдаги тинчлик-хотиржамлиқдаги ҳаёти ҳақида кетар экан, бу борадаги завқ-шавқимни ошкор қилмай иложим йўқ.

Барча фойдали имкониятлардан янада кўпроқ фойда олиш учун янаям кўпроқ ишлаш зарур. Бўлажак вазифалардан энг муҳими бу бутун дунёда бизнинг шон-шуҳратимизни ўрнатишдир.

Умид қиласманки, бизнинг йирик корхоналаримиз шундай даражада ривожланади ва чет эллик капиталистлар ўз маблағларини Америка акцияларига тикишлари қанчалик фойдали эканини ва ниҳоят тан оладилар. Америкаликлар эса мана шу ишга қўл урган чет эллик дўстларга ҳалол ва яхши муносабатда бўлишга ва бизнинг қоғозларимизни сотиб олгани учун афсусланмасликларига ҳаракат қиласадилар ва қайғурадилар.

Ҳаддан ташқари кўп акциядорлик жамиятларига аъзо бўлганим сабабли, шунингдек, уларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қиласайдиган (унча катта бўлмаган ва юқори дивиденданга эга бўлмаганлар бундан мустасно) акциядор эканимдан келиб чиқиб, ҳамма қатори бу корхоналарни бошқаришда ҳалоллик ва ақлий салоҳият тамойилларига асосланган бўлишидан умидворман, деб айтишга ҳаққим бор. Лекин қаттиқ ишонаманки, уларнинг барчаси юқорида кўрсатилган принциплар асосида юритилади.

## Америкадаги ишビルармон одам

Тез-тез пессимистлардан Америка жамиятида очкўзликнинг урчиб кетаёттанидан шикоятлар пайдо бўлади. Уларнинг сўзларидан келиб чиқиб, маълум бўладики, биз америкаликлар очкўзмиз.

Бу фикрда фақат газета хабарларига таяниш қулгили бўлар эди, чунки газетанинг вазифаси, умуман олганда, турли хил ғайриоддий ва ғалати нарсалар ҳақида ҳикоя қилиш ҳисобланади. Ахир газеталарнинг айтадиган ҳеч нарсаси йўқ, улар фақатгина ғайриоддий нималардир юз бергандагина ўз овозларини кўтаради. Лекин унинг ҳаёт саҳнасида олдинги планга чиқиб олганидан, бундай ҳодисалар унинг оддий, кундалик ҳаётидаги тартиб, деган хulosага келиш керак эмас. Шубҳасиз, журналистлар кучли ҳиссиёт эгалари бўлиб, улар нафақат пул учун ишлайди, ишнинг ўзи ҳам уларни ўзига боғлаб олади. Бу ишнинг завқи пул ишлаб топишдан кўра баландроқ мотивларга эга.

Тан оламан, ҳамма нарсани пул нуқтаи назаридан муҳокама қилиш менга ёқмайди. Агар ҳаммаси шундай бўлганида, юқорида айтганимдек, биз очкўз миллатга айланган бўлардик, истеъмолчиларга эмас. Биз шундай – бошқаларнинг муваффакиятига ҳасад қиласидиган зерикарли халқмизки, бу масалада мен гаров боғлашга ҳам тайёрман. Йўқ, биз ғайриоддий тарзда шухратпастмиз, бирор кишининг қайсиdir соҳадаги муваффакияти бошқаларда фақат рақобатчиликни кучайтиради. Лекин бу муваффакият ҳеч нарса билан заҳарланмаган ва бизни фикр доирариз торлигига гумон қилиш нодонлик бўлади.

Газеталарнинг молиявий масалалардаги прогнозларини ўқиб (улар бу борада жуда фаол), менинг ирландиялик қўшним эга бўлганчалик юморнинг каттагина дозасини тўплашимиз керак бўлади. У менинг деразам рўпарасида кўримсиз уй қурган, ранглар ва шакллар комбинациясининг бемаънилиги дарҳол кўзга ташланар эди. Менинг архитектурадаги дидим ирландиялик қўшнимнидан

шунчалик фарқ қилар эдики, натижада уйим атрофига бир қанча улкан дараҳтлар экиб, ўша ижод маҳсулини кўрмаслик учун беркитиб қўйгандим. Буни пайқаб қолган бошқа бир қўшнимиз ирландиялиқдан бунинг сабабини сўраган. Кейин ирландиялиқ бунга ўз ақл-заковати билан жавоб берган: “Бунинг ҳаммаси ҳасаддан, у шунчаки менинг фаровонлигимни кўра олмайди!”

Ёшлигимда одамлар ўзини қандай тутаётган бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. Тижоратнинг умумий яхшиланиши учун нимадир қилиш керак эди, ҳар бир тижоратчининг иши истисно тарзда бошқаларникидан фарқ қиласди, деган ўзига хос сабабларга эга эди. Йўл қўйилган ёки қилинишига тўғри келаёттан ҳар қандай бемаънилик, тижорий муносабатлардаги ҳар қандай ёлғон қадам учун бошқача йўл тутиш мумкин эмас эди, деган баҳона тайёр эди. Рақобатчиликниң ҳийла-найранглари туфайли, у “ўзининг” асл нархидан пастроқقا сотишга мажбур бўлган ягона одам бўлиб чиқарди, чунки унинг ҳолати бошқаларникидан кескин фарқ қиласди. Бундай одамларни катта муваффақиятларга олиб борувчи қулай имкониятларни иккинчиси келгунча кутиш мумкинлигига ишонтириш қийин эди.

Шу билан бирга, одамларнинг ишлари ҳақида ҳеч қачон ҳисбот бермайдиган хили ҳам мавжуд. Кўплаб одамлар, салоҳиятлилигига қарамай, китоблардан қайси амалиётдан фойда, қайсиларидан зарар қўрганини англаб ололмайди. Бундай рақобатчини ишонтириш баъзида бутунлай имконсиз вазифа ҳисобланади. Соғлом ақл уларга бегона бўлади. Баъзилари ҳатто, иши яхши кетмаса, ҳақиқатта тик боқищдан қўрқса, китобларга қарашдан ҳам ижирғанади. Лекин Standard Oil Company раҳбарлари компанияга асос солинган биринчи

кундан бошлаб ўз китобларини тартиб билан юритди. Биз ҳар доим қаерда зиён, қаерда фойда кўрганимизни яхши билардик ва даромадлар ҳисобини аниқ юритар эдик. Энг муҳими, ҳеч қачон ўзимизни алдаш билан шуғулланмас эдик.

Менинг ғояларим амалиётда эскирди. Шунга қарамай, унинг тамойиллари эскирмайди. Мен баъзида ўйлаб қоламан, Америкадаги бизнинг кўплаб ишбilarмон одамларимиз, эҳтиёткорлиги ва қувватига қарамай, тадбиркорлик амалиётида мутлақо нотўғри бўлган принципларга эргашади. Мен энди ўз ишига ҳалол ва жиддий муносабатда бўлиш зарурати ҳақида гапирмаяпман. Лекин кўпчилик шунчаки ҳақиқат ҳақида ўйламай, уни билиб олиш мумкинлигига ўзини ишонтирган эди. Табиат қонунини эса четлаб ўтиб бўлмайди, ҳақиқатни қанча барвақт билсанг, шунча яхши.

Иш ҳақида тез-тез гапириб туришади, масалан, нега темир йўлларда иш ҳақи даражасини юқори ушлаб туриш муҳим ҳисобланади? Ҳар бир ишчи ўзининг иш ҳақи даражасида баҳоланади, лекин, бундан ташқари, унинг меҳнати ҳам иш ҳақига мувофиқ бўлиши лозим. Агар у тушиб кетса, ишчи меҳнати учун кераклича рағбат ола олмайди ва ўз ўрнини йўқотади, натижада унинг борлиги фақатгина маошига боғлиқ бўлиб қолади. Иқтисодий шароитларни сунъий баландлиқда сақлаб туриш ёки иқтисодий қонунларни ўзгартириш ярамайди. Бу каби хатти-ҳаракатлар учун муввафқиятсизлик кафолатланган. Бу нарса эскирган, узоқ вақтлардан бери мавжуд ва тушунарли бўлса-да, лекин бор ҳақиқат. Лекин, қанчалик аниқ кўринмасин, кўпчилик бу ҳақиқатни англамаслиги ғалати. Шунингдек, рад этиб бўлмайдиган бир жиҳат бор: ишбilarмон одам ойдан-ойга, йилдан-йилга ҳар қандай

ўзгаришларга мослашиб бориши лозим. Баъзида шуни ҳис қиласман, биз америкаликлар муваффақият сари қисқа йўлни топиш мумкин, деб ўйлаймиз ва бизга уни кимдир очиб бергандек туюлади. Лекин муваффакият сари ягона йўл – керакли билимларни эгаллаш ва кейинчалик улар асосида меҳнат қилиш ҳисобланади.

Аксарият бадавлат одамлар ишидан бутунлай четлашиш имкони бўлганда ҳам бундай қилмайдилар. Улар ёки бекорчи қолишни исташмайди, ёки ўз меҳнатидан адолатли тарзда турурланиб, ишонган режаларини амалга оширишни исташади ёки ва ниҳоят, янада муҳимроғи, ходимлар ва шериклари учун яхлит ишни оёққа қўйиш ва ривожлантириш мажбуриятини ҳис қиласди. Охириги тури – мамлакатимизнинг буюк меъморлари ҳисобланади. Ўйлаб қўриш лозим, агар бизнинг иирик саноатчиларимиз қора кунларга деб каттагина маблағ ишлаб топганидан кейин, ўз фаолиятларини тўхтатиб қўйганида, нима бўлар эди. Мен ишдан четлашиш сабабларини хурмат қиласман. Лекин одамнинг омади келса, у шу билан тегишли жавобгарликни ўз зиммасига олади, мақсади ўзаро кўмак бўлган бизнинг муассасамиз эса пулга бўлгани каби, оқил раҳбарларга ҳам эҳтиёж сезади.

Бу каби етакчиларнинг кўпчилиги ўз ишлари билан шунчалик банд бўладики, бошқа нарсалар ҳакида ўйлашга деярли вактлари бўлмайди. Ўз фаолиятларидан холи тарзда, бирор ишга қизиқиши пайдо бўлса ва унинг учун пул жамғаришга қарор қиласа, улар ҳар доим буни ўз қароридан хижолат тортгандек, кечирим сўраш билан бошлайди.

“Мен тиранчи эмасман” – бундай одамлардан бир неча бор эшитишимга тўғри келган. Бунга мен,

албатта, фақат шундай жавоб бера олардим: “Масалага шу бурчакдан қараётганингиздан афсусдаман”.

Мен бутун ҳаётим давомида илтижо қилдим ва бундай фаолият тажрибаси ўзим учун жуда қизиқ ва муҳим эди, шунинг учун кейинроқ бунга алоҳида боб ҳам ажратмоқчиман.

## **Бизнесга оид тажриба ва тамойиллар**

Темир конлари ва темир савдосидаги иштироким буткул тасодиф бўлиб, у билан қурашишга мутлақо қурбим етмас эди. Елкамга янгидан-янги ташвиш ва масъулият юкини ортищдан иборат бўлган эски мақсадимни ҳисобга олмасак, аввал бошданоқ ҳеч қандай мақсадим йўқ эди. Аммо бунга мени шимоли-ғарбий штатлардаги муваффақиятсиз киритилган сармоялар мажбур қилган эди.

Бу корхона саноатнинг турли кўринишдаги бир қатор соҳасини қамраб олган эди: конлар, пўлаг қуиши заводлари, мих заводлари, қоғоз фабрикалари, темир йўллар, ёғоч омборхоналари, металл эритиш бўлмалари ва яна мен эслай олмаганим бир нималар. Бу корхоналарнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида киритган акцияларим миқдори унча қўп эмас эди, шу сабаб бизнес ва ишлаб чиқаришга мутлақо таъсирим йўқ эди. Корхоналарнинг ҳаммаси ҳам даромад келтирмас эди. Аммо 1893 йилдаги катта саросима олдидан акциялар йилдан-йилга номутаносиб равишда кўтарилиб борди ва ўзини бадавлат ҳисоблаган кўплаб шахслар бундайин шиддатли саросима билан тўқнаш келганиларида иш ўзлари тасаввур қилганидан буткул бошқача эканлигини тан олишларига тўғри келди.

Мен бу корхоналарнинг кўпчилигини кўрмаганман, бошқаларнинг, яъни бундай ишларда тажрибаси бор одамлар берган маълумотига таян-

ганман, холос. Бундай корхоналарни баҳолашда шахсий билимимга суюниш одатим ҳам бўлмаган. Доимо бизнесни мендан қўра яхшироқ тушунган ва уни баҳолай олган кишиларга мурожаат қилгандман.

Ўша пайтлардаёқ ишдан узоқлашиш ҳақида ботбот ўйлардим, мен интилган оромнинг ортга сурилишига фақатгина саросима айбдор эди.

Шунда, омадим келиб, Фредерик Т. Гетс билан танишиб қолдим. У “Америка Баптист таълим жамияти” иштирокчиси бўлиб, айнан шу иш сабаб Кўшма Штатлар бўйлаб барча йўналишларда ке-зизб юрган эди.

Хаёлимга ақли расо инсон бўлган Гетс менга ёрдам бера олармикан деган фикр келди, гарчи унда фабрикалар ва темир бизнеси бўйича ҳеч қандай маҳсус техник билим бўлмаса-да. Корхоналар даромади ҳақидаги маълумотларни биринчи манбадан бевосита менга етказа олармикан дея ўйладим. Гетс жануб томон йўл олган эди. Унга ўзим шерик бўлган темир эритиш заводига бориб кўришни таклиф қилдим. Завод унинг йўли устида эди.

Гарчи Гетс катта қисми мен учун нохуш бўлган барча фактларни тасдиқлаган бўлса-да, у тақдим қилган ҳисобот шу каби ҳисоботларни тузиш учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Кейинроқ Гетс яна ғарб томон сафарга чиқди ва мен унга бу гал ҳам бироз бўлса-да ҳамон қизиқишим бўлган корхонанинг номини ва манзилини бердим. Мен бу корхоналарнинг ҳар бири секин-асталик билан, аммо аниқлик билан ривожланиб бораётганига ишончим комил эди. Гетсдан аниқ ва тиниқ ҳисоботни ўрганганимда эса, қанчалик даҳшатга тушганимни тасаввур қиласверинг. Ҳисоботдан билганим – бундай ҳолда, яъни ишлар шу тарзда кет-

са, менга ўз даврида тилла кони деб таърифланган корхона қачонга келиб қулаши вақт билан боғлиқ масала эди.

Мен Гетс билан гапланиб олдим, ишдаги чигалликларни ечишда менга ёрдам бериши учун унга ўз ўрнимни таклиф қилдим, мен каби бизнес одами бўлишни таклиф қилдим, асосида филантроник мақсад бўлган муҳим шахсий режаларини амалга оширишига халал бермаслик шарти билан, албатта.

Шу ерда айтиб ўтишим лозимки, Гетс тижоратчиликнинг энг нодир фазилатларига, шунингдек, ўзи моҳирлик билан қўллай олган етук қобилият соҳиби эдики, ушбу фазилатлари узоқ йиллар давомида фойда келтирди. Унинг бу истеъоди йирик ва кенг кўламли хайрия ишлари орқали инсониятга фойда келтиришга бўлган кучли истаги сабаб ортирилган ўзгача қийматта эга. Гетс “Таълим умум палатаси” раиси бўлиши билан бирга, бир вақтнинг ўзида кўплаб жамиятларда ишлар эди. Бунгача эса узоқ йиллар давомида кўплаб ташабbusларда фаол ҳамкоримиз бўлган, бу режалар ва бошланган ишлар хайрли истакдан кўра каттароқ нарса эканлигига буткул ишонган.

Гетс узоқ йиллар менинг шахсий ишларим билан шуғулланди. Қанчадан-қанча машаққатли йилларимда мен билан ёнма-ён турди, елкамдан озмунча ташвиш ва дилсиёҳликларни олиб ташламади, дам олишим, гольф ўйини, келгуси ишлар устида бош қотириш, кўчатларни кўчириш ва шу каби машғулотлар учун менга озмунча вақт инъом қилмади. Бизнинг “Таълим палаталари” мизни ташкил этиш учун қилган саъй-ҳаракатлари, унинг тиббий тадқиқотлар қайси соҳаларга йўналтирилиши кераклиги борасидаги батафсил ҳисоботла-

ри ва бошқа кўплаб жонбозликлари катта муваффақият билан якунланган. Сўнгти ўн-йигирма йил ичида у билан бу масъулиятни ўғлим ҳам бўлиша бошлади, яқинда эса иккаласининг сафига Стар Ж. Мёрфи ҳам келиб қўшилди. Аммо айтганимдек, Гетс ушбу юкни узоқ йиллар ўз елкасида кўтариб юрди ва унга бўлган ҳурматимизга тўлақонли равишда лойиқдир.

Келинг, энди менинг ишониб-ишонмай сармоя киритиш тарихимга қайтсак. Гетс ҳар бир ишни ёлғиз ўзи ўрганди ва қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Бизнинг қатъий тамойилларимиздан бири – ўзимиз қизиққан ишни иложи борича банкротликка олиб бормаслик эди, боиси суднинг аралашуви кўп жихатдан зиёни эди ва қўпинча корхона баҳосини тушириб, янада кўпроқ йўқотишлар бўлишига сабабчи бўлар эди. Биз ишларимизни кузатиб бориш, уни асраб-авайлаш, зарурат бўлганда маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни яхшилаш, имкони борича маҳсулот нархини пасайтириш ва вақт ўтиши ҳамда сабр-бардошимиз сабаб рўй берган, зиёни корхонадан оёқларида событ турган даромадли корхонага айлантира олган муваффақиятли тасодифлардан фойдаланишга доим интилганмиз. Шундай қилиб, юқорида тилга олинган саросима йиллари, яъни 1893 – 1894 йилларда чўкиб қолган аянчли корхоналаримиз аҳволини ниҳоятда синчиклаб ўрганиб чиқдик, йиллар бўйича назорати қўлимиизда бўлди, вақти келди, уларнинг баъзи бирларидан ҳисса сотиб олдик, вақти келди ўз ҳиссамизни сотдик. Шу тарзда уларнинг барчаси зиёндан, банкротлик иснодидан ва суд аралашувидан қутулиб қолди.

Аммо бу бизнесларни тўлалигича тикилашга эришишдан олдин бизнесда муваффақиятсизликларга

қандай чап бериш бўйича талай тажрибани ғамлаб қўйган эдик.

Мавзудан бу қадар узоқ четлаб кетишим мазурини ишбилиармонларга бир нарсани исботлашга бўлган истагим билан оқласам – бизнесингиз энг абгор ҳолга тушшиб қолгандек қўринганда ҳам, сабртоқат, синчковлик ва эҳтиёткорлик йўли билан у учун ҳали ҳам кўп нарса қилиш мумкин. Бу учун икки восита керак: озгина сармоя (ёки ўзингиз киритасиз, ёки бошқадан олиб турасиз) ва бизнесга оид соғлом ва табиий тамойилларни қатъий амалга ошириш.

Юқорида тилга олинган воситалар ичида бизда турли конларга кириттан озгина ҳиссамиз, акциялар ва рудани шахталардан турли бандаргоҳларга элтиш мақсадида қурилган темир йўллар ипотекаси бор эди. Бизнинг конлардан умидимиз катта эди, жуда катта кўламда қазиб олиб экспорт қилиш учун эса унга йўл керак эди. Биз аллақачон йўл қуришни бошлаб юборган эдик, аммо 1893 йилдаги саросима даврида қурилиш ҳам конларимизга алоқадор қолган корхоналар қатори чор-ночор тўхтаб қолди. Кўлимиздаги ҳиссалар миқдори кам бўлишига қарамай, баъзилар бизни турғунилк даврида корхона назоратини ушлаб турибди деб умид қилгандек туюлар эди. Ўша пайтда маблағ топиш учун ўз кафиллигимни беришга тўғри келган. Нихоят ишга нақд кўринишда катта миқдордаги сармоя киритиш кераклигини тушуниб етдик, бунинг учун эса бозор саросимаси даврида биз ўзимиз ҳам баланд баҳода тўловлар қилишимизга тўғри келарди. Ишчиларга маош тўлаб, уларни очликдан халос этиш учун пул топиб, уларни куръер поезди орқали ғарбга жўнатдик. Саросима йиллари поёнига етиб, бизнес алоқалари маромига тушганида, нихоят корхоне

наларимизга бир қур назар солишга имкон топдик. Ишга миллионлаб сармоя кириттган эдик, аммо бирор кимсада ишонч йўқ эди, бирор бир кимса акцияларимизни олишни истамас эди. Қайтага, ҳар бир акция соҳиби қўлидаги акциялар билан хайрлашишга ошиқар эди. Бизга ниҳоятда даҳшатли миқдордаги акцияларни таклиф қилишар эди. Ҳеч муболағасиз айта оламанки, корхонанинг деярли барча асосий капитали бизга акцияларда қайтиб келарди, биз истаганимиз учун эмас, аксинча бошқалар истаги билан, ва биз уларни нақд пул билан тўлашга мажбур бўлдик.

Шундай қилиб, охир-оқибат биз талай темир конлари соҳибига айланиб қолдик. Уларнинг бальзиларидан рудани тоннасига бир неча цент эвазига буғли буксирларда олиш мумкин эди, аммо кам сонли ҳамда номутаносиб ташиш усули билан юзма-юз турганимизни англаб етдик.

Вазият шундай эди – бу бизнесда барбод ҳолга келган капиталимизни асраб қолиш учун сотувга иложи борича кўпроқ миқдорда руда чиқариш керак эди, ортга чекинишга аллақачон кеч, бор гайрат билан ишга киришиб, унумдорликни мумкин қадар тиклаш эди.

Шунча маблағ харж қилингач, бизга таклиф қилинган ва рудага бой деб тахмин қилинган барча ерларни сотиб олишга мажбур эдик. Темир йўл ва кемалар охирги натижага эришиш воситасигина эди, холос. Рудага бой ерлар эса биз учун фақатгина қўшимча қисмдан бошқа нарса эмас эди, улардан умидимиз у қадар катта эмас эди, биз ҳам катта миқдорда руда қазиб олинишга кўп ҳам ишонмас эдик.

Кейинчалик эса нега йирик темир ва пўлат ишлаб чиқарувчилар бу конларни арzonбаҳо деб

хисоблашган экан дея кўп ажабландим. Бир қатор энг яхши конларимизга эга ерларни, гарчи биз бу иш билан қизиқиб кўрмаган эдик, арзимаган пулга сотиб олса бўларди. Биз шу ишга таваккал қилдик, энг сўнгти ва энг маҳсулдор усул билан қазиб олиш ва рудани ташиш ишларини ташкил қилиб, руда олувчиларнинг барчасини ўзимизнинг маҳсулотимиз билан таъминлашга қарор қилдик. Даромадимиз оша бошлади, оша бошлагач эса рудага бой ерларнинг қолган қисмларини ҳам сотиб олдик.

Гетс кон ва темирийўлларга эга, у рудани денгиз бандаргоҳларига элтувчи турли жамиятларнинг раиси бўлди. Бор ғайратини баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чораси ва мақбул йўллар билан ташиш ишларини ўрганишга сарфлади. Гетснинг истеъоди нафақат бу ишда намоён бўлган эди, балки кўп ўтмай бизнеснинг бошқа соҳаларида ҳам моҳирилик билан ҳаракат қила бошлади. Ишларни якка ўзи эглар, камдан-кам ҳоллардагина, зарур деб билганида мендан маслаҳат сўрар эди. Шу режаларнинг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ бир қанча қизиқарли ҳолатлар эсимдан чиқмайди.

## Кемалар қурилиши

Темир йўл масаласи ҳал қилиб бўлингач, тез фурсатда шу нарса маълум бўлдики кўл орқали етказиб бериш учун энди кемалар зарур эди. Рудаларни қилт этмай ташийдиган бундай улкан транспорт ҳақида бизнинг заррача тасаввуримиз йўқ эди. Натижада биз одатдагидек муаммони ҳал қилиб бера оладиган одамга юзландик. Биз у киши билан шахсан таниш эдик. Унинг ўзи ўз хисобидан сув бўйлаб катта миқдорда руда ташир эди, демак равшан бўлдики, биз ҳам бу иш билан шугулланиб, унинг

рақобатчисига айланамиз. Бир күн олдин Гетс у билан музокара олиб борди, әртасига, түшігә яқын уни Нью-Йоркка, менинг олдимга етаклаб келди. У атиги бир неча дақықада ажратса олишини, мен эса бу масаланы ўн дақықада ҳал қилишимни таъкидладым. Шундай бўлди ҳам. Бу менинг хотирамга биринчи ва сўнгти марта ким биландир юзма-юз ўтириб, рудалар бўйича гаплашган ягона сұхбатим бўлиб муҳрланди. Қолган барчаси, юқорида айтиб ўтганимдек, Гетс амалга оширган ва ушбу тижорий фаолият тури унга кўпроқ ёқадигандек туюларди. Ва бу борадаги ишимишга оид муносабатларимизда у алоҳида имтиёзлардан фойдаланаради. Биз у кишига рудани ўз жойидан Юқори кўлдан нарироққа олиб кетиш ниятимиз борлигини ва қурилиш бошқарувини сўнгти, қулай моделда қурилиши учун унга бажонидил топширишимиз мумкинлигини айтдик.

Юқори сифатли кемаларга эга бўлиш – бизнинг бу ишда муваффақиятта Эришишимиздаги ягона умидимиз эди. Сўз бораётган ўша йил биз 5000 тонна сифимга эга баҳайбат кемага, 1900 йил, ишимишни соттан вақтимиз 7000, 8000, ҳозир эса 10 000 тоннали юкка бардош берадиган кемаларга эгалик қиласиз.

Ўша пайт, кутганимиздек, ўзи шу соҳада ишлаб туриб, бизга йўл-йўриқ кўрсатишга эътиroz билдириди. Биз унга талабларимизни ҳимоя қилган ҳолда, ишга катта маблағ тикишимизни, транспорт орқали ташишни ўз қўлимизга олишимизни тушунтирдик.

Биз ўзимиз руда ахтариб топиб, уни кемаларга ортиб, бозорларга етказишга қарор қилдик ва амалладик ҳам, бироқ шунда ҳам аминманки, худди шу мақсадларимиз билан у бундан-да аълороқ

кема қура оларди. Шу сабабли қурилишни унга топширишни ёки ҳеч бўлмаса, бизнинг кема қурилишимизни назоратга олишни истадик.

У жиддий рақобатчиларимиздан бири эканига қарамай, ҳалол ва тўғрилигини билган ҳолда, у билан ҳамкорлик қилишни астойдил истадик.

## Қандай қилиб рақибни жалб қилганимиз ҳақида

Дўстимиз ҳар қандай йўл ёрдамида қарши чиқишига ҳаракат қилди, аммо биз шахсий транспортимизга оид қароримизни асло ўзgartирмаслигимизни, бироқ унинг меҳнати учун энг катта миқдорда воситачилик ҳақини тўлашга тайёр эканлигимизни айтиб уни кўндиришга уриндик. Кимдир ҳам бу ишни биз учун қилиши керак эди ахир, у эса бошқалар каби ҳамёнини шу даромад билан тўлдириб олиши мумкин эди. Бундай тарзда ёндашишимиз ниҳоят унга таъсир қилди шекилли, биз ўша заҳотиёқ битим туздик, аммо шартноманинг тафсилотларини кейинчалик икки томонга ҳам мақбул кўринишда ишлаб чиқдик. Бу рақиб – кливлендлик Самуэл Мэзер эди. У уйимда борйўғи бир неча дақиқа бўлган бўлса, шу муддат ичida унга кемада уч миллион долларлик буюртма беришга ултурган эдим. Бу Мэзер билан бўлган ягона шахсий учрашувим эди. У бизга нисбатан ниҳоятда ҳалол эди, биз ҳам рақиб эканлигига қарамай, унга кўр-кўrona ишонар эдик. Мэзерга ишониб ақалли бир марта бўлса ҳам пушаймон бўлмадик.

Ўша пайтлар 9-10 нафар кемасозлик корхоналари бўлиб, улар катта-катта кўллар бўйининг турли нуқталарида кема қуриш манзилларига эгалик қиласлар эдилар. Ҳар бир компания мустақил равишда

ишлар, шу сабабли бир-бирларига нисбатан ракобати кучли эди. Ўшандада улар учун оғир пайтлар эди, 1893 йилги саросима сабаб ўзларини ўнглаб ололмаган эдилар. Тўлиқ ҳажмда маҳсулот чиқаришда давом этишнинг имкони йўқ. Қишиналашиб келар, уларнинг қўлида ишловчи ишчилар эса олдинда умидсиз қишини кўрар эди. Бизга қанча кема зарурлигини ҳисоблаётуб, буларнинг барини эътиборга олдик ва катта кўлларнинг теварак-атрофидаги барча ишсизлар ишли бўлиши учун имкони борича кўпроқ кема қуришга қарор қилидик. Шу мақсадда Мэзерни ишга солдик, у ҳар бир кемасоз фирмадан ёзма равишда сўраб, улар баҳоргача нечта кема қура олиши ва мавсум бошида фойдаланишга топширишга қурби етиши ҳақида аниқ ва равшан жавоб олиши керак эди. Жавобларга кўра, бир фирма битта, бошқаси эса иккита, жами бўлиб эса ўн иккита кемага умид қилсак бўлар эди. Биз Мэзердан ўн икки дона кемага буюртма беришни сўрадик, уларнинг бари пўлатдан бўлиши ва барча замонавий ҳамда такомиллашган техникага эга бўлиши лозим эди. Баъзилари пароход, бошқалари эса баржа, шатакчи кемалар бўлиши, аммо барчаси ўша пайтлар руда ташиш учун энг мақбул ҳисобланган кема турига яқин кўринишда, бир хил қолипда бўлиши керак эди.

Мэзер бундай буюртма билан, албатта, фавқулодда юқори нархга тўқнаш келишдек қалтис ишга кўл урди. Бордию унга ўн икки дона кема кераклиги ва кемасозларнинг таклифлари шу режага мувофиқ бўлишини бирданига айтганида, балки шундай ҳам бўларди. Мэзернинг қандай қилиб бизга мақбул таклифни кўлга киритишни уюштира олганини мен ҳам анча кейин билганман, гарчи бу воқеа кўл бўйи ҳудуддагилар орасида маълум ва машхур бўл-

са-да, кўпчилик учун янги. Мэзер ўзига неча дона кема кераклигини сир сақлади. У ҳар бир фирмага бирма-бир ўз режалари ва изохларини, ҳар бир талаб ва дубликатларни юбориб, фирма имкониятларидан келиб чиқиб бир ёки икки дона кема учун смета сўради. Ҳамма гап бир ёки икки дона кема қуриш ҳақида кетяпти деб ўйлади ва албатта, икки ёки ҳеч бўлмаса бир дона кемага буюртма олиш истагида ёнди.

Дастлабки шартларни тузиб олинадиган кун барча рақобатчилар Мэзер таклифига биноан Кливлендда бўлдилар. Гўёки буюртманинг баъзи бир тафсилотларини муҳокама қилиш учун уларнинг ҳар бири якка ҳолда Мэзернинг шахсий идорасига таклиф қилинган. Сметаларнинг барчаси белгиланган вақтда етказилди. Рақобатчиларнинг қизиқиши ортгандан ортарди: қайси омади бор одам буюртмани илиб кетар экан, а? Мэзернинг муомаласидан ҳар бир рақобатчи асосли равишда ўша толеи баланд ўзи Ҷанлигига ишонар эди, аммо меҳмонхонанинг умумий кутиш залида бошқа рақобатчиларни ҳам кўргач, ишончи буткул сўнганди, баъзиларининг юраги эзилгандир ҳам балки.

Нихоят, кутиш азоби якунига етиб, жавоб келди ва қарийб бир вақтнинг ўзида рақобатчиларнинг барчаси ўзларига керакли ҳажмдаги буюртма берилганилиги тўғрисида хабар олишди. Уларнинг бари бир хил ўй-фикрга тўлиб-тошиб, мактубни кўрсатиб, омадсиз рақибиға ачиниш билдириш истаги билан ёниб меҳмонхонанинг ўзлари одатда тўхтайдиган манзилига чоиқиллашди. У ерда эса нимага гувоҳ бўлишди? Ҳар бирининг қўлида маҳсулдорлиги энг юқори даражага кўтарилиган буюртмага ва ҳар бири аслида ўзига қарши кураштанига гувоҳ бўлишди. Ҳаяжонлар босилиб, рақо-

батчилар буюртмаларни бир-бирларига кўрсатиб, сўнг бир-бирларига тикилиб қолишган чоғда кўтарилиган қаҳқаҳани тасвирилаш қийин. Ҳолбуки, охир-оқибат ҳамманинг кўнгли чоғ эди. Шу ерда бир нарсани шундай қистириб ўтишим лозим – бу жанобларнинг барчаси ахийри улкан муваффақиятларга эришган катта бир компанияга бирлашдилар ва натижада уларга кема буюртма қилгандада, биз кемасозлар томонидан белгиланган баҳода тўладик.

Қандай қилиб умрида биринчи марта денгизга чиқаёттан одамга кема назоратини топширдик?

Кончилик карьерамизни кемаларга буюртма беришдан бошларканмиз, бу соҳада тажрибасиз, мутлақо янги эдик. Шундай йўл тутиш керак эдик, транспорт ўз йўналиши бўйлаб бехавотир етиб олсин ва бунда яна Мейзерга, елкамиздаги ташвишларни бартараф қиласи деган умид билан мурожаат қилдик. Бахтга қарши, у ўз муаммолари билан шунчалик ўралашиб қолган эдик, бизнинг режаларимизни амалга оширишда ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини айтиб, дарҳол рад этди. Ниҳоят, кунлар ўтиб Гетсдан сўрадим:

– Шундай баҳайбат кемаларни идора қиласидан одамни қаердан топсак бўлади? Бу соҳада тажрибаси бор бирорта фирма ҳақида ҳеч эшиттанмисиз?

– Йўқ, – деб жавоб берди Гетс, – ҳозир бундай фирмалар хаёлимга келмаяпти. Нега энди ҳаммасини шунчаки ўз қўлимизга ололмаймиз?

– Бу соҳада ниманидир биласизми ахир?

– Йўқ, албатта, – тан олди Гетс, – лекин гарчи отини айтишга қўрқаётган бўлсам-да, кемалар бошқарувини эплай оладиган шундай бир жанобни биламан. Аммо бошқа томондан, барча муҳим фа-

зилатлари билан ажралиб туради. Тўгри, умрида бирор марта кемага чиқмаган. Кема қуйруги билан унинг бурун қисмини фарқлай олмайди. Лекин мијаси яхши ишлайди, у ҳалол, уддабурон, топқир ва тежамкор. Гарчи қийин ва тамоман нотаниш бўлса ҳам, нарсаларни тезда тушуниб, ўзлаштириб олиш истеъдодини қўллайди. Кема қурилишигача бизда ҳали икки ой вақт бор, уни дарҳол ишга жойлаштирсақ, кема қурилиб битгунга қадар, бошқаришни ҳам bemalol ўрганиб оларди.

– Жуда яхши, – мен бу ишни унга ишониб топшириш керак деган хулосага келдим.

Ўша жаноб Нью-Йорк штати, Брум графлигидан келган Л. М. Боверс бўлиб чиқди. У кемамиз қурилаётган верф (кема қуриладиган корхона) атрофида айланишни, иш техникасини астойдил ўрганишни бошлади. Оз фурсатдан кейин сўнг у муҳандислар тасдиқлаб, ишлаб чиқсан кема лойиҳаларига дизайн масаласида яхши маслаҳатларга қодир дараҷага етди. Кема қуриш ишлари бошланган заҳот у бошқарувни ўз зиммасига олди, умуман олганда, унинг маҳорати, салоҳияти ва бетакрор истеъдоди кўпни қўриб қўйган денгизчиларни ҳам ҳайратта солди. У ҳатто лангарни ўйлаб тоғди, бу ихтироси аввал ўзимизнинг флотда, кейинчалик бошқа кемаларда ҳам, ҳозир эса, эшитишимча, Қўшма Штатлардаги барча флотларда қабул қилинган. Биз бу кончилик ишидан айрилгунимизга қадар, у барча муаммоларни ҳал қилиб келди. Кейинчалик биз уни рудаларни ташишдан озод қилиб, масъулиятлироқ вазифалар бера бошладик ва ходим буни ҳам муваффақиятли уddyалади. Бироқ ўша пайт оила аъзоларидан бирининг соғлиги ёмонлашгани туфайли Колорадода бутун умр қолишга мажбур бўлди.

Эндиликда у ўша ерда Colorado Fuel and Iron Companyning раис ўринбосари ҳисобланади.

Улкан кема ва темир йўллар линияси қийинчиликларимизни анча енгиллатди. Умуман, бу ташкилотимиз аввалбошиданоқ ажойиб эди. Биз бир вақтнинг ўзида корхонамизга мустаҳкам пой-девор қўйиб барчасини кенгайтирдик, ҳатто бизнинг жаҳон флотимиз эришмаган рақамларга биз эрищдик: олтмиш бешта пўлат колослар. Бу корхона, иштирок этганим кўплаб ишлар сингари, мендан жуда кам эътибор талаб қилди ва ходимларим ишни бошқариш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олди. Мен ўзимнинг ҳамкасларим – сафдош дўстларимга билдирган ишончим ҳеч қачон суистеъмол қилинмаганлигини ўзгача шукроналик ҳисси билан айтиш бахтига эга бўлганимдан хурсандман.

### **Ишни Пўлат Трестига қандай сотганимиз ҳақида**

United States Steel Corporation келгунга қадар иш узлуксиз ҳамда шахт билан давом этди. У ердан бир вакил келиб, бизнинг барча ерларимиз, рудаларимиз ва кема флотларимизни сотиб олиш истагида эканини айтди. Ишимиз даромад келтирарди, уни сотишга ҳеч қандай тайинли сабабнинг ўзи йўқ эди. Лекин янги корхона асосчиси бизнинг шахталаримиз, темирйўлларимиз ва кемаларимиз унинг улкан режаларининг ажралмас қисми эканини куюниб тушунтириди, биз ҳам ўз навбатида унинг режаси амалга ошиши учун қўлдан келган ёрдамишни аямаслигимизни билдиридик. Бу сухбат, эслашим бўйича, ўша пайтдаги турли мулкларни сотиб олиш бўйича Карнеги билан тузган шартно-

мамга муваффақиятли якун ясаб берди. Қисқа музокарадан сўнг, у бизга ўз нархини таклиф қилди, биз ҳам рози бўлдик, шундай қилиб барча ишларимиз: заводлар, шахталар, кемалар, темир йўллар, ҳамма-ҳаммаси United States Steel Corporation қўлига ўтди. Бизга таклиф қилинган нарх, фикри-мизча, юқори эмас, айниқса, бу ишнинг ҳозирги ва келажакдаги қийматини ҳисобга оладиган бўлсак, арзимас эди.

Бу савдо, билишимча, пўлат компаниясига анча кулайликлар келтирди, биз эса унинг улуши ҳисобига тўладик ва даромадга шерик бўлишга кўндириджик. Шундай қилиб, етти йиллик бошоғриқдан сўнг, мен шахта, руда ташиб ишларидан тамомила кутудим.

### **Ҳар доим тижорат қонунларига амал қилиш лозим**

Тоғ-кончилик иши билан боғлиқ воқеаларни ёдга оларканман, ёпиқ капитал бўлган жойда пайдо бўлган тадбиркорликлар, ишлар (кескин айтмаслик учун) у даражада ёрқин келажакка эга эмасдек кўринди, мен эса гайриихтиёрий тарзда мемуарларим саҳифаларида бир неча бор тилга олган ўз принципларимга қайтдим. Агар мен ўша хотираларимдан ўрин олган ва шу ергача етиб келишга қунт топа олган ёш тадбиркорларниadolatга ишонтира олганимда, бу менга завқ, уларга эса фойда берар эди.

Муваффақиятта эришишнинг энг муҳим, энг асосий элементиadolatли тижорий муносабатларнинг қатъий ўрнатилган қонунларига сўзсиз амал қилиш ҳисобланади. Ишончнинг кенг, илҳомлантирувчи йўлларида содик бўлинг ва бу йўлдан тўгри-

га юриш мумкин ёки йўқлигини диққат билан кузатинг. Бир дақиқа бўлса ҳам вақтингчалик ёки тез ўсадиган даромадга чалгиманг. Вақтингизни бекорчи нарсаларга сарфламанг, улар сизни фақат майда галабаларга етаклайди, ҳеч қандай абадий шоҳсупа йўқ. Тадбиркорликни бошлишдан олдин, муваффақиятли натижаларгача бора олишингизга ишонч ҳосил қилинг. Ҳар доим олдинга интилинг.

Шуниси қизиқки, қанчадан-қанча доно тадбиркорлар шарт-шароитларини ҳисобга олмай катта ишларнинг бошини тутади ва киритаётган пуллари таваккал остида бўлади.

Ишингизга доир барча жиҳатларни батафсил ўрганинг, ўз позициянгизни ҳар қандай муваффақиятсизликка дош бера олиш даражасида мустаҳкамланг – барибир қачондир шундай вазиятга дуч келасиз. Ўзингизни қузатинг, ишнинг ҳолати ҳақида ортиқча нарсаларни ўйлаб топмаёттанингизга ишонч ҳосил қилинг. Мақсади фақат бой бўлиш бўлган бошловчилар ҳеч нарсага эриша олмайди. Одамнинг бироз бошқача, юқорироқ даражадаги мақсадлари бўлиши лозим. Бизнесда ҳеч қандай муваффақиятнинг сири йўқ. Ишбилармонга нисбатан ишонч уйғотадиган ягона нарса – ҳалоллик билан иш олиб борилмаган тақдирда, энг иирик саноат фирмалари бир неча бор давомий муваффақият ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигига ёрқин исбот келтиришди. Айнан шу ишонч ҳар ерда қадрланадиган ва ҳар ким қўлга киритишга интилиши лозим бўлган капитал ҳисобланади. Кундалик меҳнатни оқилона, аниқ ва тиришқоқлик билан бажариш, ишни мен анчадан буён айтиётган тижорат қонунларининг қатъий чегаралари доирасида юритиш сизни муваффақият сари етаклайди,

балки эскирган панд-насиҳатларим учун олдиндан узр сўрайман.

Менга ёш ўқувчини кичик муваффақиятлар туфайли роҳатланишдан чеклаш ортиқчадек туюлади, бошқа томондан эса унга муваффақиятсизликка учраган кезларда жасорат зарурлиги ҳақида эслатиш муҳим ҳисобланади.

### **Саросимали вақтларда орттирилган тажриба**

90-йилларда мен нафақага чиқиши истаб қолдим. Мехнат қилишни шунчалик ёш давримдан бошлагандимки, ўйлардим: ишдан кетиб, нафақага чиқиши тўғри деб билишим – ҳақиқатдан ўринли, яrim асрлик ҳаётнинг бошланиши билан ўзингни дилгир ишлардан озод қилиш ва пул тўплашдан кўра аҳамиятлироқ қизиқишиларга ўзингни топшириш анча завқли, бу бизнес эса ҳаётимнинг ilk онлариданоқ вақтимни ўғирлашни бошлаган.

Бироқ 1891–1892 йиллар менда ишбилармонлик муносабатларига нисбатан кучли қўрқув уйғотиб юборди. Инқироз 1893 йилда юз берди ва мен омонаятларимни жон-жаҳдим билан сақлаб қолишим керак эди (бу ҳақда қисман айтиб ўтилган эди). Шу ва кейинги йиллар ҳар қандай тадбиркорга омон қолиш учун кураш йиллари бўлди. Ҳеч ким айни дамда нафақага чиқишига ҳақли эмасди. Standard Oil Company, яъни биз, ваҳимага қарамасдан, анча яхши ишладик, захираларидаги нақд сармоя молијаштиришнинг консерватив усули натижаси эди. 1894 ёки 1895 йилда, ва ниҳоят, мен эски орзумни амалга оширдим – компаниядан нафақага чиқдим. Ўшандан буён компаниянинг ишларига деярли аралашмайман.

1857 йилда юз берган биржан инқирозларини аниқ әслайман, лекин энг ёмони 1907 йилги ваҳима эди. Бу ҳеч кимни четлаб ўтмади: на катта, на кичикни, ҳатто энг йирик корхоналар ҳам ёрдамга муҳтоҷ эди, ўзаро ишончсизлик, ақл бовар қилмас даражадаги қўрқув замонида ҳаммадан оқилона бошқарув талаб этиларди. Мен П. Морганга ва унинг фаол ҳамда самарали ишларини мақтаётган бошқа тадбиркорларга хайриҳоҳлик билдиришга тайёр эдим.

Унинг мағтункор шахсияти ажойиботлар яратди. У шиддат ва қатъият керак бўлган жойда йўқолган ишончни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилди ва мамлакатимизнинг иқтидорли ва энг муҳим молижилари орасида ишонч ва фаровоныликни тикилашга ошиққанлар қаторида биринчилардан бўлди. Ўз вақтида мендан 1907 йил ваҳимаси каби бу муаммодан қандай қилиб тез қутулиши мумкинлиги ҳақида шахсий фикримни сўрашди. Мен ўз тахминларими ни айтишга қўрқсан эдим, чунки мен пайғамбар ҳам, унинг ўғли ҳам Эмасман; лекин мен учун инқирознинг натижаси кундек равшан эди. Бу вақтинчалик иқтисодий реакция ҳамма жойда ҳукм суроётган консерватив шароитда ҳар кимдан ишининг хавфсизлиги учун эҳтиёж пайдо қиласр эди. Том маънода бу эҳтиёжга зарурат бор эди. Бу инқироз бизнинг ташаббусимизга соғлом рух бағишлиарди. Биз ерларимиздаги асосий бойликлардан айрилмаган эдик ва бизни ёппасига молиявий умидсизлик ҳам қамраб олмаган эди. Озми-кўпми, давом этган ҳордиқ келажак йўлларимизни мустаҳкамлашга имконият берарди, сабр-тоқат эса бизнесда деярли фазилатга айланганди.

Яна бир бор тадбиркорларга ўз ўтитларимни таъкидлаб ўтаман: эҳтиёjt бўлинг, ўз ишингизни пухта

ўрганиб чиқинг ва ҳақиқатнинг юзига мардонавор тик боқинг. Агар иш услубингиз ғайриоддий бўлса, нуқсонларингизни бартараф этиш чораларини кўринг. Табиий қонунларга зид равишда омад учун чиранмаслик керак ва буни тан олмаслик бемаъниликдан бўлак нарса эмас. Биз, ўта таъсирчан америкаликлар учун доимо дағал, кескин фактларни қўллаш ножоиздир. Бироқ биз хотиржамлик билан унинг ортидан қувиб етишпимиз, ишбилармонлар мамлакатида яшаб, ўзимиз учун қадрли бўлган нарсаларни ҳам ҳеч қандай қўрқувсиз бой беришимиз мумкин.

## Содик дўст

Бу хотиралар мен уларни бошида таърифлаганимдек, тасодифий боғланган, аниқ режасиз, тасодифий сўзлаб берилган хотиралардир. Умид қиласманки, айнан шу ҳолат тез-тез мавзудан чиқиб кетишпимда бир узр сифатида қабул қилинади.

Ўтмишни хотирлаганимда кўзим олдида ишдаги эски қадрдоңларим сиймоси намоён бўлади. Мен баъзилари ҳақидагина сўзлаб бера оламан, холос, аммо бу мен тилга ололмаганларнинг аҳамияти ва қийматини заррача камайтиrmайди. Балки қолганлар ҳақида бошқа бир жойда сўзлаб беришга муяс-кар бўларман.

Эски қадрдоңларнинг у ёки буниси билан қаерда ва қачон танишганимни, илк тасаввур қандай бўлганини эсда сақлашнинг доим ҳам имкони йўқ. Аммо ҳозирда Standard Oil Company нинг раис ўринбосари лавозимидағи Жон Д. Арчболд билан бўлган илк учрашувни ҳеч унутмайман.

Ўша пайтлар, тахминан 30-40 йиллар аввал мен ўлкани айланиб чиқдим, нималардир қилиш мум-

кин бўлган манзилларни қўриб чиқдим, керосин тозалаш иши билан шуғулланувчи ишбилармонлар билан, агентлар билан бизнес алоқа ўрнатдим, умуман олганда иш билан танишдим.

Ажойиб кунларнинг бирида бир нефть худудида шу ишга қизиқсан одамларнинг бутун бошли бир гуруҳи йиғилиб қолди. Айнан қайси ҳудуд эканлигини ҳозир эслай олмайман. Аммо нефть саноатчилари билан тўлиб-тошган меҳмонхонага етиб келганимдаёқ келувчилар рўйхатида катта-катта ҳарфлар билан “Жон Д. Арчболд, тоннасига 4,00 доллар” деб ёзиб қўйилган фамилия ва шиорга кўзим тушди.

У шунақанги бир ғайрати тўлиб-тошган, бутун вужуди билан ишини севган олов бир йигитча эдик, ўз принципларини заррача шубҳа остига олмай, ҳатто келувчилар рўйхатида ҳам уни шиор кўринишида ўз фамилияси ёнида қайд қилиб қўя олган эди. Ушбу “Тоннасига 4,00 доллар” жанговар хитоби шуниси билан ҳайратланарли эдики, ўша пайтлар нефть баҳоси анчагина паст бўлиб, гарчи тўғрисини айтганда, ҳеч ким ғалабага ишонмаса ҳам, бозор нархини кўтариш учун қилинган бу кураш барчанинг эътиборини ўзига тортди. Охир-оқибат Арчболднинг ўзи ҳам нефть тоннасига 4,00 турмаслигини тан олишга мажбур бўлган бўлишига қарамай, ундаги шижоат бутун умр сўнмади, унинг бошқаларга таъсир кўрсагиш каби ажойиб истеъодиди эса кўп йиллар ўтса ҳам йўқолмади.

У ҳамиша ўзгача юморга бойлиги билан ажраби тураг эди. Бир куни Арчболд гувоҳ сифатида қарши томон адвокати томонидан ўта муҳим масала сабаб судга чақирилди. У ерда унга савол беришиди: “Жаноб Арчболд, сиз шу жамиятнинг директоримисиз?” “Албатта!” – жавоб берди у. “Нима

иш билан шугулланасиз у ерда?” – савол беришда давом этади адвокат. “Менми? Мен дивиденд талаб қиласман!” – деди ҳозиржавоб Арчболъд ва бошқа гувоҳни олиб келган адвокат уятга қолиб тезгина унга ижозат берди.

Арчболъдинг меҳнатга бўлган ақлбовар қилмас лаёқатини кўриб доим ҳайратга тушганман. Ҳозир кўп кўришмаймиз. Унинг елкасидағи ташвиш ниҳоятда катта, мен эса бизнес талотўпидан узокда яшайман, голъф ўйнайман, дараҳт экаман ва яна бир нималар билан шунчалик бандманки, баъзан кун нега бунча калта деб афсусланиб қўяман.

Арчболъд ҳақида сўзлаётганимда, бир нарсани қайта-қайта айтмай тура олмайман – гап Standard Oil Company тўғрисида кетганида мен ҳақимда ўзим лойиқ бўлганимдан кўра кўп нарса ёзишади. Омад менга қўлини чўзиб, ён-атрофимда ташкилотни назорат қилишим учун энг муносиб бўлган инсонларни тўплашимга, узоқ йиллар улар билан қўлни қўлга бериб ишлашимга ёрдам берди. Аммо барча тақдирга лойиқ ишлар уларники, айнан шу инсонлар бутун вақт давомида ҳақиқий меҳнат эгалари эдилар.

Бизнесдаги қадрдонларимнинг кўпчилиги билан алоқа боғлаганимдан бери шунчалар кўп сув оқиб ўтдики, собиқ ходимларимнинг оиласига ё ўзининг ёки бўлмаса, бирор бир яқинининг ўлими сабаб ҳамдардлик мактубини жўнатишга тўғри келмаслиги учун ойлар (баъзан ҳафталар) ўта олмайдиган ёшга етдим. Тунов куни аллақачон вафот этган эски ҳамкорларнинг рўйхатини тузиб қўрқиб кетдим. Улар олтмишдан ошиқ эди. Уларнинг бари менинг содиқ сафдошларим, ҳалол дўстларим эди, биргалиқда озмунча оғир дамлардан ўтмадик, бошимиз-

дан қандай оғир күнлар ўтмади. Шундай вақтлар бўлдики, у ёки бу масала устида оғзимиздан тупук сачраб бир-биrimiz билан тортишдик, аммо ҳамиша бир битимга келишга муваффақ бўлардик ва мен бир-биrimizга нисбатан ҳалол ва очиқ бўлганимизни ўйлаганимда, чуқур мамнуниятни хис қилганман. Бунингсиз бир ишдаги шерикларнинг фойдага эришиши қийин, бирга ишлаш ҳам бехуда.

Айтишади-ку, баъзан ниҳоятда ўзига ишонган, баъзан бутунлай бошқача қарашга эга кишиларнинг фикрини бир хиллаштириш доим ҳам осон бўлмайди деб. Бизнинг доимий тактикамиз шундай эди – барчани тинглаш, то бир нафар ҳам қарши инсон қолмагунига қадар ошкора баҳслашиш. Ана ўшандагина умумий бир қарорга келишга уриниб, якуний чораларни ишлаб чиқиш. Шунча катта миқдордаги иштирокчилар билан биргаликда қилинган ишда консервативлар кўпчиликни ташкил қиласиди. Ана ўшанда бир пайтлар ўрнатилган тамойилларга ёпишиб олиш жуда муҳим саналади. Ҳаётда муваффақиятга эришган инсонларнинг кўпчилиги консерватив қарашга эга. Яхшиямки, ҳам ташаббускор, ҳам жасур одамлар ҳамиша топилади. Бундайлар кўп ҳолларда нисбатан ёшроқ бўлади. Балки улар сон жихатдан камдир, аммо ниҳоятда ишончли инсонлардир. Улар ҳар қандай ишга иложи борича тезроқ уриниб кўришни истайдилар, на ишдан, на масъулиятдан чўчийдилар. Ёдимда, бирда шундай консерватив фикр прогрессив фикр билан, истасангиз, довюрак дейишингиз мумкин бўлган фикр билан тўқнаш келиб қолди. Ўша вазиятда мен довюраклар томонида эдим.

## Капиталга қарши – мулоҳазалик далили

Шерикларимиздан бири, ниҳоятда йирик бир даромадли корхонанинг собиқ раҳбари бир куни баъзилар томонидан киритилган таклифга қарши чиқди. Таклифга кўра, ишимиизни яхшилаш учун жуда катта кўламдаги ўзгаришларни киритиш керак эди, бу эса ниҳоятда катта харажатга тушар, ўйлашимча, уч миллион доллардан кам эмас эди. Биз бу масалани узок кўриб чиқдик, бошқа шериклар билан бор яхши ва ёмон томонларини ёзиб чиқдик, ушбу операция нафақат зарарсиз эканлиги, балки зарурат эканлигини исботлаш учун турли асосларни ўйлаб чиқдик. Аммо кекса дўстимизни кўндиришнинг имкони йўқ эди. Ҳозиргидек ёдимда, у қатъий эътиroz билан ўрнидан турди, қўллари чўнтақда, бошини орқага ташлади ва бор овози билан “Йўқ ва яна йўқ!” деди.

Иғилишларда бир одам ўз хурофоти сабаб бўш позициясини ҳимоя қилишга уринишига гувоҳ бўлиш ҳамиша кишини ранжитади. Бундай ҳолларда кўпинча ишбилармоннинг доимги ҳамроҳлари – мулоҳазалик, чукур ўйлаб иш кўриш ва ақл уни тарқ этиб, қарама-қаршилик жасорати қолади, холос. Шундай қилиб, бир томондан компания ишларини яхшилаш керак эди, бу ниҳоятда мухим эди. Бошқа томондан эса шеригимизни кўндириб бўлмади. Аммо озчилик нима қилиб бўлса ҳам уни кўндиришни истар эди. Биз компанияни яхшилаш нега зарурлигини исботлаб бериш учун янгича йўллар топишга уриндик.

– Маблағ сарфлашга арзимайди деб ҳисоблайсизми? – сўрадим мен.

– Ҳа, – жавоб берди у, – ишни такомиллаштириш учун бундай катта миқдорда маблағ сарфлаш-

га эҳтиёж туғилиши учун чамаси кўп йиллар керак. Бу жуда кечикириб бўлмайдиган иш эмас, корхонамизнинг иши бусиз ҳам яхши кетяпти. Ҳамма нарса ўз навбати билан бўлгани маъқул.

Тилга олинган шеригимиз жуда ақлли ва тажрибали, ёши нисбатан каттароқ ва бундай ишларнинг билимдони эди. Буни ҳаммамиз тан олар эдик. Аммо биз, ҳали айтганимиздек, ғоямизни амалга оширишга, қанчалик узоқ кутишга тўғри келмасин, унинг розилигини олишга қарор қилдик. Баҳслар тиниб, ҳиссиётлар босилгач, шериклар яна шу масалани муҳокамага кўтардилар. Менга янги фикр келганди.

– Бу ишни ўз зиммамга оламан, керакли маблағни ҳам бераман. Иш харажатни оқласа, компания пулларимни қайтиб беради, оқламаса, зарарни мен кўраман, – дедим мен.

Бу далил ниҳоят унга таъсир қилди. Ўжарлигидан асар ҳам қолмади, янгилик қабул қилинди. У: “Модомики сиз шундай ўйлар экансиз, у ҳолда биргаликда киришинг. Агар сиз таваккал қиласидан бўлсангиз, ўйлашимча, буни мен ҳам қила оламан”, – деди.

Менимча, ҳар бир ишда қанчалик тез ҳаракат қилиш зарурлиги муҳим масала бўлса керак. Биз доим ишга дарҳол киришганмиз, ишнимизни ҳамма жабҳа бўйича зудлик билан қўриб чиқиб, уни кенгайтирганмиз. Доим қаршимизда корхонамизни кенгайтиришнинг янгича босқичлари пайдо бўлаверар эди: тоҳ янги нефть ери очилса, тоҳ деярли бир кечада янги омборлар қуришга тўғри келиб қоларди ва деярли ўша дамнинг ўзида нефти ишлатиб бўлинган майдонларни яроқсиз ҳолга чиқариш керак бўлиб қоларди. Шу сабабли, биз кўп ҳолларда икки томонлама мажбуриятта чидашимизга тўғри

келарди. Баъзида ҳаммасини тайёр қилиб қўйган ердан фойда олиш умидидан воз кечишга мажбур бўлиб қолар эдик, баъзан эса ўзимиз кутмаган жойда мол, омбор ва транспорт тащкил қилган пайларимиз ҳам бўлиб қоларди. Мана шундай майда ходисалар сабаб нефтчилик иши хатарли ва қалтис бўлади. Аммо орамизда шундай жасоратли инсонлар ҳам бор эдики, уларнинг тамойилига кўра, етакчилар энг кичик фойданни ҳам ҳисобга олмаса, ундан батамом фойдаланмаса, иш даромадли бўла олмайди.

Бундай ечими мушкул масалалар ҳақида неча мартараб баҳслашганмиз биз! Биримиз ишга катта маблағ тикиб дарҳол таваккал қилишга тайёр бўлса, бошқамиз эса камга қаноат қилишга чақирав эди. Кўп ҳолларда барчаси муроса билан якун топар эди! Масала ортидан масала қўтариб, уларни муҳокамага қўяр эдик, бироз радикал бўлганларимиз талаб қилганчалик чуқурлашмас, ашаддий консерваторларимиз талаб қилганичалик мулоҳазали ҳам эмас эдик. Ҳамиша таклиф бир овоздан қабул қилинишига эришганмиз.

## Муваффақият қувончи

Қадрдон шеригим бўлган Г. М. Флаглер ўйнаган роль ҳамиша мени қойил қолдирган. У доим зудлик билан ишга киришиб, турли-туман улкан лойиҳаларни амалга оширишга интилиб келган. Шу билан бирга, у доим довюраклар томонида бўларди. Компания ўзининг энг эрта ишларида муваффақиятга эришишида айнан Флаглернинг битмас-туганмас шижоати олдида қарздордир.

Ёшига қарамасдан, ундан энг йирик муаммоларнинг ечимини ҳам кутса бўларди, кўпчилик унинг

ёшида уйида, оила даврасида тинч ва шинам ҳаётни афзал кўрган бўларди. Флаглер Флориданинг шарқий қирғоқларини алоқа йўли билан таъминлашга қарор қилди. Биронинг ёрдамисиз, ёлғиз ўзи. У Сент-Августиндан Кей-Вестгача тортиб борилган (600 милядан узун масофага) темирийўлнинг биргина ўзи билан кифояланиб қолмади. Бу бир шахс учун ниҳоятда улкан иш ҳисобланади. Флаглер темирийўл бўйлаб қаторлаштириб данғиллама меҳмонхоналар қуриб, туристларнинг ушбу янги худудларга ташриф буюришига ундади. Камига бу меҳмонхоналарнинг бошқарувини жуда моҳирлик ва улкан муваффақият билан ташкил қилди.

Бу инсон якка ўзи, туганмас шижоати ва шахсий маблағи ёрдамида азим мамлакат эшикларини маданият учун очиб берди, энди ҳам маҳаллий аҳоли, ҳам қўчиб келганлар янги бозорга эга бўлган эдилар. У минглаб одамларга иш берди, ишини муносиб равишда муваффақият билан якунлаш учун муҳандислик санъатининг “chef d’oeuvre” и деб ҳисобласа бўладиган ҳодисани бошлиб, ниҳоясига етказди: Кей-Флоридадан Кей-Вестдаги Атлантика океанига қадар йўл тортиб борди. Айнан шу нуқтадан бир неча йиллар аввал темирийўл тадқиқотчилари унинг раҳбарлигига йўлга чиқсан эдилар.

Буларнинг бари якунига етганида, қўпчилик ўта фаол деб ҳисоблаган умрининг узоқ даврини яшаб бўлган эди. Худди Флаглер каби ўзига тўқ, бошқа миллатдан бўлган одам, ишончим комил, меҳнатининг роҳатини кўриш учун нафақага чиқиб кетган бўлар эди. Флаглер билан ёшлигимда “Кларк ва Рокфеллер” фирмасига маҳсулотларимизни сотаётган дамлар танишганман. У уддабурон ва дадил йигитча эди. Куч ва шижоатга тўла эди. Нефть бизнесимизни йўлга қўйган пайтларимизда Флаг-

лер Кларк ҳам яшайдиган уйга келиб жойлаши. Кларк ўшанда “Кларк ва Рокфеллер” фирмасини ўз қўлига олган ва ишни ёлгиз ўзи давом эттирар эди. Кейинчалик Флаглер Кларкнинг ишини сотиб олиб, ўз бизнесига қўши.

Ўшанда тез-тез кўришиб қолардик. Бизнес алоқамиз аста-секин бизнес дўстликка айланиб борди. Ўша пайтлар кичик бир шаҳар бўлган Кливлендда яшаган инсонлар Нью-Йорқдагидан кўра тез-тез учрашиб қолиши табиий ҳол эди. Кейинчалик нефть бизнесимиз кенгайиб боргач, каттароқ маблағга эҳтиёжимиз пайдо бўлди ва мен ўша заҳоти шерик бўлиши мумкин деб Флаглерни эсладим. Унга воситачилик бизнесини тўхтатиб, бизга шерик бўлишни таклиф қилдим. Флаглер таклифимни қабул қилди ва шу тарзда дўстлигимиз бир умрга боғланди ва ҳеч қачон ҳеч нарса дўстлигимизга соя солмади. Бу дўстликнинг пойдевори бизнес эди ва бу, Флаглер доим айтишни хуш кўрганидек, дўстликка қурилган бизнесдан минг чандон яхши эди. Шахсий тажрибам унинг фикри тўғри эканлигини исботлаганди.

Кетма-кет узоқ йиллар мен ва содик дўстим елкама-елка ишладик, ҳатто иш столларимиз ҳам бир бинода ёнма-ён эди. Иккаламиз ҳам Эвклид хиёбонида, бир-биримиздан бир неча одим нарида яшар эдик. Ишга кетаётуб кўришиб қолар эдик, бирга нонушта қиласардик, оқшомлари бирга уйга қайтардик. Йўлда, идора деворларидан ташқарида баҳслашардик, фикрлашардик, янги режалар тузардик. Флаглер деярли барча шартномаларимизни шахсан ўзи тузиб чиқарди. У шартноманинг барча мақсад ва ниятларини моҳирлик билан аниқ ифодалар, шундай бир батартиб ва мукаммал тузар эдики, ҳеч қачон озгина бўлса-да тушунмовчи-

ликлар келиб чиқмас эди. У тузган шартномалар икки томоннинг манфаатини ҳам тенг ҳимоя қилар эди. Ёдимда, у доим шундай деб тақрорлар эди: “Битим тузишда иккала томоннинг ҳам ҳақ ва та-лаблари тенг равишда ўлчаниши шарт”. Ва доим шунга риоя қилди.

Бир куни ундан бир шартномага имзо қўйшни сўрашди ва у мени ҳайратга солиб, ҳеч қандай савол ва эътиrozсиз шартномани имзолади. Биз керосин заводларимиздан бири жойлашган ер майдонини сотиб олишга қарор қилган эдик, ўша пайтга қадар эса бу майдонни иккаламизга ҳам яхши таниш бўлган Жон Ирвин исмли кишидан ижарага олиб турган эдик. Шу киши шартномани идорасининг бир бурчагидан топилган хатжилдинг орқа томонига ёзган эди. Одатда бундай қоғозларда “у ердан эса жанубга – юқори веллингтонгача” ва шу каби манзилларгача бўлган майдон тасвиirlанар эди, қўлимдаги қоғозда эса аниқлик намунаси бўлган бирор нима кўрмадим. Шунда Флаглер: “All right, John, (ҳаммаси жойида, Жон). Мен шартномани имзолаб бўлдим. У қўлимизда бўлганида, кўрасан, веллингтон ўрнига устун бўлади, бутун ҳужжат эса бенуқсон тартиб ва аниқликда бўлади,” – деди. Шубҳасиз, у айтганидек бўлди. Бир нарсани айтишта журъят этсам, хуқуқ соҳасидаги талай билимдонлар Флаглернинг пойтагида ўтириб, шартнома тузишнинг фойдали йўлларини ўргансалар зиён қилмас эди. Аммо адвокатларимиз мени ноҳақлиқда айбламасликлари учун, жим бўла қоламан.

Флаглернинг алоҳида миннатдорчиликка лойиқ иши керосин заводларини шу пайтгача қуриб келинган, завод биноси вазифасини бажарган “бахтиқаро сарой” кўринишида эмас, янгича қиёфада қуриш зарур деб ҳисоблагани эди. Ҳамма бир кун

келиб нефть иши муваффақиятсизликка учрашидан ва бироз тузукроқ қурилишга сарфланган пуллар зиён ҳисобига тиркаб қўйишга тўғри келишидан қўрқар эди, шу сабабли ҳам заводлар учун ёмонроқ ва арzonроқ бино қуришни афзал кўрар эдилар. Флаглер мана шу қарашга қарши чиқди. Гарчи у нефть захираси қачондир туташи аниқлигини ва бу хавфнинг рўй бериши эҳтимоли кундан-кунга каттариб боришини тан олса-да, у нефть бизнесига киришгандан кейин уни ҳаддан ташқари аниқлик билан бошқариш ҳамда бизнесни мустаҳкам пойдевор устига қуриш мумкин деган фикрни доим ёқлаб келди. Унинг фикрича, ишни щундай бир замонавий усулда бошқариш керакки, токи бирор бир чора бажарилмай қолиб кетмасин, ана ўшаңда мазкур ишдан яхши натижалар кутиш мумкин. Флаглер бу тамоилиларни биноларга татбиқ этди ва уларни худди бир аср туриши керакдек, мустаҳкам қилиб қура бошлиди. Унинг қатъий ишонч билан ҳаракат қылган жасорати эса компания мувваффақиятининг бўлажак бинолари учун озмунча тош қўймади.

Ўша даврдаги навқирон, жасур ва очиқ кўнгил Флаглерни завқу шавқ билан ёдга олувчи инсонларнинг кўпчилиги ҳали ҳаётда. Кливлендда бир нечта керосин тозалаш заводларини сотиб олган пайтларимизда, Флаглер ниҳоятда банд бўлди. Бир куни у кўчада тасодифан эски дўстини – немис булкачини учратиб қолди. Флаглер унга анча пайт ун соттан эди. Дўсти унга булка ишини ташлаганини, ўрнига эса кичиккина нефть тозалаш заводини ташкил қылганини сўзлаб берди.

Флаглер буни эшитиб ҳайратга тушди, бир пайтнинг ўзида дили сиёҳ бўлди. Дўсти ўзининг озгина мулкини кичик бир ишга, Флаглернинг фикрича,

даромадсиз ишга тиккан эди. Аммо на илож. Бу воқеа бир неча кун хаёлидан чиқмади, афтидан, жуда ташвишта тушган эди. Нихоят, бир куни ёнимга келиб деди:

– Бу йигит новвойчилик ишида нималарни дир тушунар, аммо нефть тозалаш ишини умуман тушунмайди. Очиқчасига айтсан, унга ишини бизга сотиб, бизнинг бизнесда иштирок этишни таклиф қилишни истар эдим. Унинг тақдири менинг виж-доним.

Мен, албатта, рози бўлдим. Флаглер мижоз билан гаплашди, у эса агар биз заводини баҳолаш учун борсак, ишни сотишга розилигини очиқчасига айтди. Биз шундай қилдик. Аммо шу жойда бутунлай кутилмаган тўсиқ пайдо бўлди. Биз завод учун таклиф қилган баҳо мижозни қониқтириди, аммо у бу пулни Standard Oil Company al pari улуши кўринишида олгани яхшими ёки нақд пул кўринишида деган масала билан Флаглердан маслаҳат сўради. Флаглердан маслаҳат сўрар экан, бордию пулни нақд кўринища олса, ҳамма қарзини тўлаб юбориб, тинчгина ухлай бошлиши ва ишнинг бу тусда ўзгаришидан мамнун бўлишини тушунтирди. Аммо Флаглер бизнинг ҳиссаларимиз яхшиги на дивиденд олиб келишига ишонгани учун мижоз яхиси акцияларни олиб, шундай “муҳташам корчалон”га қўшилгани маъқул деб ҳисоблар эди... Бу масалани ечиш Флаглер учун мушкуллик қиласр эди ва у аввалига булкачига маслаҳат беришдан бош тортди. Бироқ дўсти хиравлик қилиб туриб олди, ойдан тушган одамдек, Флаглерга бу масъулиятни юклаб қўйди. Нихоят, Флаглер собиқ булкачига пулнинг ярмини нақд кўринища олиб, қарзларининг ярмини тўлаб туришини, қолган ярмини эса ҳисса кўринища олиб, келгуси ишларни кутишни

таклиф қилди. Булкачи шундай қилди ва вақт ўтиши билан эса янада кўпроқ компания ҳиссаларига эга бўлди. Флаглернинг эса собиқ мижозига берган маслаҳатидан пушаймон бўлишига тўғри келмади.

Ишончим комилки, менинг қадрдан дўстим ўзининг улкан режаларига қанча эътибор, қанча вақт ажратса, шу арзимаган ишга ҳам шунча вақт ва эътибор сарфлади. Бу эса қисман бўлса ҳам унга баҳо беришда хизмат қиласи.

Собиқ шерикларимдан яна бири – Г. Г. Рожерс Флаглернинг East-Coast темирийўлига ўхшашиб йўл бунёд қиласи. У ўзининг виржинияча темирийўл кўринишида бўлиб, дунё учун улкан тошкўмир қатламларини кашф этиш унга насиб этди. Собиқ дўстларимнинг ҳеч бирида бундайин маҳобатли ва мashaққатли вазифани елкасига ортиш зарурати бўлмаган эди. Аммо бундай улкан вазифаларни бажарап экан, иш давомида олам-олам гашт топишар ва мамнун бўлишар эди. Бу иккала намуна ҳам америкаликларнинг феъл-авторидаги бир жиҳатни яққол намоён этади – айнан биз америкаликларни ҳаракатга келтирган нарса бу моддий манфаат эмас, балки ҳаракат қувончи ва ундан келган муваффақиятдир.

## Дўстликнинг қадри

Хозирги ёшлар мен кексанинг айтган олди-қочди гапларига қизиқмасалар ҳам керак, гарчи Энг зерикарли ҳикоялар орқали бўлса ҳам, ёшларга қадр-қимматнинг қанчалик юқори эканлигини, барча ижтимоий доираларда ҳеч бир истисносиз дўстликнинг қадри қолган барча қадриятлардан қанчалик юқори эканлигини кўрсатиш ва исботлаш фойдадан холи бўлмайди.

Ер юзида қанчадан-қанча турли-туман дўст бор! Аммо уларнинг барчасини эҳтиёт қилиш керак. Майли, бири бошқасидан яхшироқ бўлсин, аммо дўстнинг ҳар бири алоҳида қадрли, буни кексая бошлигач тушуниб борасан. Тўғри, шундай бир турдаги дўстлар ҳам йўқ эмас, улардан ёрдам сўраган чоғинг, айнан ўша дамда сенга ёрдам бериш имконияти бўлмай қолади.

– Сенинг векселингни ололмайман, – дейди бири, – шерикларимга ҳеч қачон бундай қилмасликка сўз берганман, улар ҳам шундай сўз беришган.

– Сен учун қилган бўлардим, аммо ўзинг тушунасан-ку, айни пайтда ва ҳоказо, ҳоказолар... – дейди бошқаси.

Бундай дўстларни муҳокама қилиш мен учун оғир. Биламан, дўстлик кўп ҳолларда темперамент натижасидир. Кўп ҳолларда эса бундай сухбатлардаги айбор бу – ҳақиқатан ҳам шундай вазиятнинг келиб қолишидир. Айнан шу вазият дўстингизни қилиши мумкин бўлган имкониятдан мосуво қилиб қўяди.

Ўтмишга боқиб, дўстларимга бир кур назар ташлар эканман, улар орасида бундай турдаги дўстларим озчиликни ташкил қилганини кўраман, ҳақиқий дўстларим эса жуда-жуда кўп бўлган. Ҳеч кимга ўхшамаган бир дўстим бўларди – С. В. Гаркнесс. Илк учрашувдаёқ тамоман менга ишонгандек эди.

Кунларнинг бирида бизнинг нефть омборларимиз ва тозалаш заводларимиз бир неча соат ичиде ёниб кул бўлди, ҳеч нарсани асраб қололмадик. Тўғри, улар бир неча юз минг доллар эвазига суғурта қилинган эди, аммо биз шундай катта миқдордаги суғурта пулинни ола олармиканмиз дея ташвишлаб

нар, барчаси такроран изига тушиши учун озмунча вақт кетмаслигини ўйлаб қўрқувга тушар эдик.

Ёниб кетган заводни дарҳол тиклаш керак эди, демак, зудлик билан пул топиш зарур эди. Гаркнесс ишимизга қизиқиши билдириди, мен эса унга:

– Сендан пул сўрашимга тўғри келиб қолиши мумкин, – дедим. – Тўғриси, керак бўлиб қоладими-йўқми, билмайман, лекин олдиндан огоҳлантириб қўйганим яхши деб ўйладим.

У вазиятдан боҳабар эди ва унга узоқ тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ эди. Дўстим айттанларимни шунчаки тинглаб турди-да, лўнда қилиб:

– Бўпти, Жон. Мен сенга боримни бераман! – деди.

Унинг оғзидан чиққани шу бўлди, холос. Аммо мен ташвишлардан озод бўлиб, уйга қайтдим. Кейинчалик аниқланишича, "Liverpool, London and Globe Insurance Company" сугурта жамияти қурилиш ниҳоясига етмай туриб пулнинг ҳаммасини тўлаб берган экан. Гарчи дўстимнинг пулларидан фойдаланишимга тўғри келмаган бўлса ҳам, менга кўрсатилган олижаноб ҳаракат, айтилган бир оғиз ширин каломни, далдани ҳеч қачон унутмайман.

Мамнуният билан тан оламан, бошимдан бундай воқеалар жуда кўп ўтган. Ҳаётимнинг эрта йилларида катта заёмчи бўлганман, ишларим яхши эди, тез ривожланарди, банклар ҳам ўз хоҳишлари билан мента ишониб пул берар эдилар. Улкан ёнғин бир дунё муаммо туғдирган дамдан бошлаб, бизга бир вақтнинг ўзида қанча миқдорда пул керак бўлишини доим билиш учун ишдаги вазиятни тинимсиз ўргандим.

Биз пулга бўлган зарур эҳтиёжга қадар молижий ишларимиз учун олдиндан замин тайёрлаб қўйишга одатландик. Ҳеч қачон, одамлар айттани-

дек, ишни пайсалга солиб юрадиган кишилардан бўлмаганман.

Мана, ўша пайтлар дўстларимиз қанчалик кўп бўлганини исботловчи яна бир эски воқеа. У ҳақида рўй берган ҳодисадан анча вақт ўтгач, хабар топганман.

Гап бир банк ҳақида. Биз бу банк билан кўп ишлар эдик, директори ҳам менинг дўстларимдан бири – Стильмаль Уитт эди. Ниҳоятда бадавлат одам эди. Йигилишларнинг бирида бордию бизга янада кўпроқ пул керак бўлиб қолса, банки нима чора кўради, деган масала қўтарилиди. Ўй-фикрини шубҳа остига олмасликлари учун Уитт ўзининг пул солинган кутисини келтиришларини сўради. Кутини олиб келишгач, унинг устига қўлини қўйиб:

“Жаноблар, ёшлиар ишончли. Агар улар кўпроқ пул талаб қилсалар, мен банқдан ўйламай туриб уларга пул беришини талаб қиласман. Бордию сиз кўпроқ таъминот истасангиз, мана, жаноблар, қанча керак бўлса, олишингиз мумкин!”

Биз ўша пайтлар ташища иқтисод қилиш учун дентиз ва каналлар орқали кемаларда катта-катта партияда керосин жўнатар эдик, бунинг учун эса жуда кўп миқдорда нақд пул, бутун бошли капитал керак бўлар эди. Биз аллақачон бошқа бир банқдан йирик миқдорда маблағ олиб қўйган эдик. Унинг раиси менга хабар беришича, унинг бошқармаси бизга берилган катта қарз ҳақида маълумот олибди, ана шу масалада янада батафсилоқ тушунтириш беришимни исташаётган экан.

Унга хабар бергани учун раҳмат айтиб, ҳар қандай тушунтириш беришга тайёр эканлигимни, сабаби афтидан, яна кўп маблағ сўрашимга тўғри келаётганини билдиридим. Биз банқдан ўзимиз истаган ҳамма маблагни олдик, энг яхшиси ҳеч қан-

дай тушунтиришларсиз олдик. Узр, мен бизнес, банклар ва пул ҳақида ҳаддан зиёд күп гапираман. Мен уйғоқлик соатларининг ҳар бирини пул ишлаб топишга бағишилаган инсондан noctorroқ инсонни билмайман. Қирқ ёшга яшариб қолганимда ҳам, албатта, яна ишга киришган бўлар эдим. Боиси кучли заковат соҳиби бўлган зеҳни ўткир инсонлар билан мулоқот қилиш менда қизиқиш уйғотади, кўнглимга ўзгача бир лаззат бахш этади. Ҳолбуки, менда кунимни тўлдиришга қодир қизиқишиларим кам эмас ва бутун умр ўзимни илҳомлантириб келган бир талай режаларни амалга оширишга умид қиласман.

Узоқ давом этган меҳнат йилларим ўн олти ёшимда бошланиб, 55 ёшимда якунига етди. Ишдан узоқлашганда эса дам олиш соатларимни у ёки бу кўринишда ташкил қилишга муваффақ бўлдим, бу учун эса компаниямизни бошқариш каби катта ташвишни ўз елкаларига олган истеъодди ва сергайрат ходимларим олдида қарзорман.

Айрим кишилар каби, ҳаётим давомида чекимга тушган миқдор ва сифатдаги ишдан мамнунман. Ҳисобчи бўлиб иш бошлаганимда, қанчалик аҳамиятсиз бўлмасин, рақам ва далилларга ҳурматим баланд бўлган. Бирор-бир ўтган лойиҳаларга оид ҳисботни тузиш ҳақида гап кетганида, одатда мени танлашар эди, негаки менда тафсилотларга нисбатан иштиёқ ҳаддан зиёд юқори бўлиб, кейинчалик бу иштиёқни жиловлашнимга тўғри келган.

Покайтико (Нью-Йорк штатида) тепаликларида ҳаммадан узоқда жуда күп соатларни сарфланман. Ажойиб манзарага эга эски уйда күп соатларимни гўзал Гудзон кўлининг ақдни шоширар чиройини томоша қилиб ўтказар эдим. Айни ўша дамлар ҳар бир дақиқа мен учун қадрли бўлган бўл-

са керак. Бизнесимни юритар эканман, серғайрат ишбилармон деб аталувчи инсон бўла олмадим.

“Серғайрат ишбилармон” деган ном менга беихтиёр Кливленддаги дўстларимдан бирини эслатди. Жуда меҳнаткаш инсон эди. Унга ўзим яхши кўрган нарсаларим, яъни образли боғдорчилик, бошқалар айтганидек, йўл ва сўқмоқлар ётқизиш санъати ва шу кабилар ҳақида кўп-кўп сўзлаб берар, шубҳасиз, уни зериктириб азоблар эдим.

Бу дўстим ўттиз беш йил ёнимда бўлди. Болалар эрмаги деб ҳисоблаган бундай арзимас ишлар билан вақтини ўлдирган бир ишбилармон учун у ўз луғатидан танбеҳ сўзидан бошқасини топа олмаган бўлар эди.

Баҳорнинг ажойиб бир кунида тушдан кейинги вақтини мен билан ўтказишни таклиф қилдим. Бу таклиф ўша даврдаги ишбилармонлар учун ноодатий ва тушунарсиз эди. Менинг мулкимга тегишли боғда сайр қилиб, анчадан бери ўйланган ва деярли якунига етиб қолган ажойиб йўлларни томоша қилиб завқ оламиз дедим.

– Иложим йўқ, Жон, – деди у, – тушдан кейин муҳим ишим бор.

– Ишонаман, – дедим мен, – аммо у иш икки томонида улкан дараҳтлари бор йўлчалик завқ бермайди сенга.

– Бемаънилил! Жон, тинч қўй мени, илтимос. Айтяпман ахир, кемада руда олиб келишларини кутяпман, заводларимиз эса анчадан бери кутиб қолди. – У мамнуният билан кафтларини ишқалади. – Ер юзидаги барча ўрмон сўқмоқларини деб уни кўриш фурсатини бой бермайман.

Ўша пайтлар у Бессемер рельсбоп пўлатнинг бир тоннаси учун 120-130 доллар оларди. Бордию унинг заводидагилари руда йўқлиги сабаб ишсиз санди-

раклаб қолса, у ҳаётнинг қувончини қўлдан бой бердим, деб ишонар эди.

У рудани олиб келиши керак бўлган кемани кутиб маъносиз нигоҳ ва таранг асаблар билан тез-тез сувга қараб қўярди. Орада дўсти кема кўринмадими деб сўраб қолди.

– Йўқ. Йўқ, ҳозирча, – дея секин жавоб қилди у. – Аммо ҳадемай келиб қолади.

Кливлендда ўша пайтлар руда савдоси алоҳида эътиборга эга эди. Менинг собиқ хўжайним эллик йиллар аввал руда ташишда тоннасига 4 доллар олар эди. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, дам олиш соатларида йўл ётқизиш билан машғул бўлган одам тоннасига 80 цент эвазига рудани катта кемаларга ташиб бўлгач, бундан бутун мол-дунёга эга бўлади!

Аммо ҳозир дам олиш соатларимнинг анчасини бағишилаган машғулотим – манзара архитектураси ҳақида бир-икки оғиз сўзламоқчиман.

## Йўл қурилишидан завқланиш

Юқорида айтиб ўтилган менинг эски қадрдним, ўйлайманки, бошқалар ҳам ҳаваскор манзаралар меъмори бўлишга даъво қилганимдан оз бўлса-да, ҳайрон бўлишади. Ўйлайманки, ўзимнинг ҳаваскорлигим билан “мулкларни бузмаслигим”га ишонч ҳосил қилиш учун, оиласи менинг ёнимга санъатнинг шу соҳасида фаолият юритадиган машҳур инсонни таклиф қилиштани ҳақида кўпчилик билишса керак. Қачонлардир мен олдимга қўйган вазифа шундай эди: мен курмоқчи бўлган янги уйни Покантико-Хиллзнинг қаерида қурган маъқул? Аниқ қарорга келиш учун майдон юзасининг ҳар бир фути билан зиддан танишиб чиқдим; да-

рахтлар эски қадрдонларимга айланишди, ернинг ҳар қаричи билан яхши таниш бўлдим. Буларнинг барчасини мукаммал даражада ўргандим.

Машхур меъморимиз ўзининг лойиҳа ва режаларини таклиф қилиб, чизиқлар йўналишини устунлар билан белгилаб қўйганида, мен ундан ўз лойиҳамни таклиф қилишга рухсат сўрадим.

Шундай қилиб, лойиҳам устида бир неча кун ишладим ва бундан ташқари, ўтиш пайтида йўллардаги тепаликлардан уфқача чўзилган ажойиб манзаралар кўринадиган бўлди, орқа пландан эса дарё манзараси, тепаликлар, булувлар ва ижодимнинг гултожи бўлган кенг водий ўрин олди. Шундай қилиб, йўлларнинг йўналишини ва охирида устунчалар билан уйимнинг ҳолатини белгилаб қўйдим.

– Марҳамат, кўринг, – дедим мен ва ниҳоят, – кейин икки лойиҳадан қай бири яхшироқ эканини хулоса қилинг.

“Авторитет”нинг ўзи менинг лойиҳамни кўриниш жиҳатдан яхшироқ деб тан олган ва уй учун мен танлаган жойни маъқуллаганида, у дақиқалар байрамнинг бир лаҳзаси эди.

Ўша вақтларда қанча йўл босиб ўтганимни тахминан ҳам айта олмайман, лекин асосли равища ишлардим ва йўлни лойиҳалаштиришда шунчалик узоқ ишлардимки, ишни давом эттириш учун тун халақит берар, ҳаттоқи белгиловчи устунчалар ва байроқчалар ҳам кўринмас эди. Бу узун ҳикояларда йўл қурилиши ҳақида маълум миқдорда беҳудалик бор, лекин нима у? Ахир, бу мемуарларимдан кўплаб саҳифаларни баңд қилган иш ҳақидаги барча ҳикояларни ҳеч бўлмаганда қисман?

Иш юритиш услубим ўша замон савдогарларининг услубидан фарқ қиласдики, натижада менинг анчагина бўш вақтим бўлар эди. Ҳаттоқи компани-

янинг марказий бўлими Нью-Йоркка кўчирилганида ҳам, мен ёз фаслининг кўп қисмини Кливлендаги дала ҳовлимда ўтказдим, қарангки, уни ҳозир ҳам тарк этмаганман. Одатда Нью-Йоркка фақаттина шахсий иштироким талаб этилгандагина борар эдим, лекин ўзимизнинг маҳсус телеграфимиз ёрдамида ҳар доим улар билан алоқада бўлиб турадим. Шу йўл билан ўзимга қизиқ бўлган бошқа ишлар билан шуғулланиш учун вактдан ютар эдим: йўл қурилишини лойиҳалаш, дарахт экиш, боялар ва ўрмонлар барпо этиш ва ҳ.к.

Қўл остилизда ривожланган барча ишлардан, на заримда, дарахт экиш кўпроқ яхши натижалар берди. Мен ҳар бир экилган дарахтнинг қатъий ҳисоботини юритаман, яқинда уларнинг бир неча йилдан кейин берадиган кўчатлари ҳисобининг ўсганидан ҳайратга тушдим, агар уларни парваришлашда биз қилган иш қилинса, албатта, ёш дарахтларни Вестчестер графлигидан Нью-Жерси штатининг Леквуд худудига ўтказиш лозим. Биз аксарияти игнабаргли ва доимий яшил тусда турадиган минглаб дарахтларни ўтказдик. Агар адашмасам, биз 10 000 дан ортиқ дарахтларни кўчириб ўтказдик ва лойиҳаларимиз ёрдамида уларнинг қадрини оширдик. Покантикодаги дарахтларни Леквуддаги ер мулкимизга ўтказиб, уни бошқа бироннинг номидан чиқариб ташлаймиз ва уни бозор нархида бошқа биронга кредитта берамиз. Шу йўл билан ўзимизнинг энг яхши харидорларимизга айланамиз ва бу орқали оз бўлса-да пул ишлаб оламиз, масалан, Покантинода 5 центдан 10 центгача олганимизни, Нью-Жерсида ги ер мулкимизга 1 доллару 50 цент ёки 2 долларга пуллаймиз.

Ёш дарахтларни кўпайтиришда, бошқа тадбиркорликларда бўлгани каби, ишни дарҳол кенг

миқёсда йўлга қўйиб олиш муҳим ҳисобланади. Диаметри 10-20 дюйм, баъзида ундан-да йўғонроқ бўлган дараҳтларни парвариш қилиш ва кўчириб ўтказиш завқи узоқ йиллардан буён менинг яхшигина овунчоғим ва қизиқишим бўлиб келди. Биз деярли ҳамма нарсани ўз ишчиларимиз билан биргаликда меҳнат қилиб, ўз қўлларимиз билан тартибга соламиз ва бир марта ўрганиб олганингиздан кейин дараҳтлар билан эркин муносабатда бўла олиш кишини ҳайратга солади. Бирор марта ҳам 90 футлик колоссини кўчириб ўтказишимиизга тўғри келмаган, одатда, улар ё 80, ё 70 фут бўларди. Улар ёш дараҳт ҳисобланмасди. Биз дараҳтларнинг барча турларини кўчириб ўтказишга ҳаракат қиласадик, айниқса, мутахассислар кўчиришнинг иложи йўқ, буни кўтара олмайди деган дараҳтларни. Бизнинг энг журъатли тажрибамиз ёввойи каштанлар устида ўтказилди. Биз йирик намуналарни кавлаб олдик ва уларни анчагина узоқ масофага олиб бордик, баъзилари ҳатто гул очди ( шу ўринда эслатиб ўтаман, уларнинг бир донаси 20 доллардан арzon турмайди) ва уларнинг озгинаси сўлиб қолди. Мувваффакиятимиз туфайли биз янада журъатлироқ бўлдик ва янада кўпроқ кескин тажрибалар қиласадик. Шундай муайян режа билан ишда биз жуда қониқарли натижаларга эришдик.

Агар турли навдаги ва турли ёшдаги тажрибамизни кўчириб ўтказиш илмини ўргангандан вақт интервалига нисбатан ҳисобга олиб қаралса, маълум бўладики, бу ишда биз кўрган зиён 10 фоиздан ҳам ошмайди, эҳтимол, 6-7 фоиздан ҳам пастроқ бўлса керак. Бир сафар бутун бошли дараҳтларни кўчириб ўтказиш жараёни уч фоиз зиён билан якунланган эди. Тан оламан, йирикроқ дараҳтларнинг ўсиши икки йилгача кечикади, лекин бу камроқ со-

дир бўлади, чунки ёши катта одамлар ўз ишининг маҳсулини дарҳол кўргиси келади, бу эса кўчириб ўтказишнинг замонавий санъатига туртки беради. Кўзланган мақсадларда қўллаш учун биз игнабаргли дараҳтларнинг бутун гуруҳини туздик ва уларни тоғ ёнбағирларига экдик. Эман дараҳтлари билан ишлар анча мураккаб эди, фақат, мустасно тарзда, уларнинг нисбатан кичиклигида, биз эман ва финдиқни мева беришга яқин вақтида қайта экишга ҳатто уриниб ҳам кўрмаганмиз. Американинг оҳак дараҳтлари билан тажрибаларимиз жуда муваффақиятли чиқди ва биз баъзида уларни заррача зиён етказмасдан уч мартадан экардик. Қайинлар биз учун айтарли қийинчиллик келтириб чиқармасди, ҳамиша яшил тусда бўларди ва, садрдан фарқли ўлароқ, деярли ҳар доим яхши жойлашар ва яхши кутиб олинарди.

## УЛАШИШ САНЪАТИ

### Улашиш қувончи

Улашиш қувончи ва унинг ўзингизга ўхшаганлар учун мажбурияти ҳақида бирор жумла топиш у қадар қийин эмас, бошқача айтганда, бунинг йўли “улашиш санъати” ҳақида ҳар сафар гапирганда ажralиб туриш имконини берувчи ёд бўлиб кетган такрорий жумлаларни топишdir.

Бошқа тарафлама, мендан қўра иқтидорли муаллифлар жуда нозик бўлган бу масалада қанчалар муваффақиятсизликка эришганини эслайдиган бўлсак, бирор кимда бунга қизиқиши уйғотишимга умидим етмайди. Шундай бўлса-да, у айни дақиқаларда иш, корхоналар ва савдо усувлари тасвиридан қўра кўнглимга яқин.

Тарбиявийликка риоя қилиш, иш нұқтаи назаридан турли хайрияларни амалға ошириш ва шу билан биргә, рух, әхсон мөхияти қалдан чиқиши осон әмас ва ушбу мөхият кейинги әхсонлар учун олий мукофот ва турткы ҳисобланади.

Биз американалар ҳаётда шундай муваффакиятта эришдикки, күзга күринган фуқароларимиздан жамият, умумий манфаат йүлида вақт, билим ва катта хайрияларни юрақдан амалға оширишни талаб қилишга ҳақлимиз. Мен, албатта, умумий манфаат ҳақида қайғуришим керак бўлган аниқ йўналишни белгилаб бермаяпман. Аммо бу каби кенг кўламли режаларнинг ҳақиқатда амалға ошишини кўриш барчага манзур бўларди, деб ўйлайман.

Менимча, катта бойлик ўз эгасига катта баҳтни етаклаб келади деган тушунча хато. Бойлар ҳам бошқалар каби оддий одамлар, агар бойлик уларга асосий хотиржамлик тақдим этаркан, демак, бу бошқаларга ҳам қувонч баҳш этувчи ниманидир бажаришдек омадли имконият натижаси ҳисобланади.

## Бойлик чегаралари

Шунчаки, мақсадсиз, режасиз, беҳудага пул сарфлаш ҳақида одамлардан жуда кўп эшитганман, тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бу нарса тез фурсатда пулнинг баракасини учирини турган гап. Бошланишига бу нарса ўзига тортадиган янгиликдек, ўзинг истаган ҳар нарсани амалға ошириш имкониятидек туюлади. Бироқ айнан инсоннинг кўнглига яқин бўлган нарсани ҳеч қайси пулга сотиб олиб бўлмайди. Биринчи қаращда, қанчалик бемаъни туюлмасин, буни рад қилиб бўлмайди: вақти келиб, қаршинга бир чегара тушади-

ки, қўлингдаги жами бойлик билан ҳам ҳеч нарса қилолмайсан – хоҳишларингни ҳам амалга ошира олмайсан. Мана, худди ўша вазиятларга бир қанча мисоллар.

Ошқозон дунёning барча ноз-неъматларини қабул қила олмаганидек, пулинг қанча кўп бўлмасин, яхши ҳазм қилувчи ошқозон сотиб ололмайсан. Ўзинг ва оиласнг олдида кулги бўлишни истамасанг, пулни чегараланган микдорда тежаб ишлатиш лозим. Кулайлик ҳақида ҳам шуни айтиш мумкинки, бадавлат одам уй шароитида ўзини ўраб олиши мумкин ва бу ерда унинг чегаралари сезиларли даражада торайган ва унга кириш ҳам мураккаброқ бўлади. Тўғри, бу чегараларни щунчаки унтиш, улардан ошиб ўтишнинг ўзи кифоя, бироқ сен ўша онданоқ ўз мулкингни хўжайини эмас, аксинча қулига айланасан, ўзингта роҳатдан кўра кўпроқ ташвиш юклайсан. Бойлик чегараси ва пулнинг кучи билан танишиб, биз сарфлаёттан пулнинг ягона уйғунилигига олиб борадиган йўлни топдим. Бу йўл – сизга одамларнинг узундан-узун миннатдорчилигини тақдим этадиган эҳсон қилишни ўрганиш йўлидир. Бу фикрни, унчалик аниқ бўлмаса-да, барча олтин қиролларига, истисносиз катта ва кичикларига Рождество совғаси сифатида тақдим этишни ўзимга маъқул кўрдим.

Ҳар қандай ишбилармон ишини шундай қўйганки, уларда ишчи камми ёки кўпми, доим иш тоғилади, шу билан бирга, шартларга мос ва юқори маошли – вижданан ишлашга ундовчи иш бўлса, демак, менинг ғояларимга мувофиқ иш кўряпти. Ишбилармон ўз ходимларининг манфаатларини шундай кузатса, у ҳар доим ходимлари орасида чуқур умумий ҳурматга эга бўлади.

Мантиқсиз пул исроф қилишни яхши иш деб хи-  
соблаш, менимча, ғайриоддий хато ва узоқни кўра  
олмайдиган одамларга хос ҳаракат. Бундай фикр  
(келинг, менга бу ҳақда фикр билдиришда рухсат  
бор деб ҳисоблайлик) одамда фикрлашнинг маъ-  
лум даражада торлигини исботлайди.

## Хайрия қилишнинг энг яхши усули

Хайрияниңг энг олижаноб тури бу ёрдам кўрса-  
тишдир, энг мақсадга мувофиқ томони таҳиттум  
даражада яхшилик ва тинимтум даражада ёмонлик  
чакиришдир. Бу нарса цивилизация асосини мус-  
таҳкамлайди ва инсоният ўртасида соғлик, баҳт ва  
адолатни тарқатади. Албатта, бу “юмшоқ руҳият”  
деб аталадиган инсон руҳининг мулки эмас.

Қаттиқ ишонаманки, ҳақиқий инсонпарварлик  
инсонларниңг бор куч, вақт ва воситаларни бу иш-  
дан ўсиб бораётган ҳолатни иложи борича кўпроқ  
топишдан иборат. Нима биландир банд бўлиб,  
улар дурустгина пул топсинлар; яна инсонпарвар-  
лик ишлаб турган ёрдамчи ташкилотларни кен-  
гайтириш ва ривожлантириш, уларниңг тараққиёт  
ва соғлом меҳнат имкониятларини енгиллашти-  
ришдан иборат. У ерларда ҳам етишмовчиликлар  
сезилиб туради. Қанчалик катта бўлмасин, мана  
шу мақсад билан ҳеч қандай воситаларни исроф  
қилишни солиштириб бўлмайди. Сарфланган ҳеч  
қандай маблағ натижалар давомийлигига тентлаша  
олмайди.

Агар бу ғоя адолатли бўлса, шунда филантроп-  
лар фаолияти учун кенг йўл очилади. Шахсан ме-  
нинг бу ғояниңг адолатли эканига шубҳам йўқ.  
Менга балки эътиroz билдиришар; касб бу бирор  
нарса, инсонпарварлик эса бу умуман бошқа тар-

тибдаги ва бошқа соҳадаги ҳодиса. Бу фарқлар мен-га ёқимсиз ва тушунарсизлигига қаршиман. Чунки кимдир хайрия ишлари билан байрам пайтлари шуғулланса, унда жамият ҳаётини тартибга солиши-га бўлган интилишларида ундан жуда кам даражада қўллаб-қувватлашни кутарди.

Мен тез-тез ўз лойихаларим билан жудаям банд бўлган ишбилармонларга қўп мурожаат қиласман. Бунинг учун улардан узр сўрайман. Менинг фик-римча, бунга унинг ёрдамига кўпроқ муҳтожли-гимиз сабаб бўлса, ажабмас. Бундан ташқари, мен ушбу режани кетма-кет тарзда ҳаётга татбиқ эта олган ишбилармонларни биламан. Бу ишларни ривожлантириш, шу билан биргаликда, сезиларли даражада ривожланмаган корхоналарни қўлга олиб, уларни қойилмақом қилиб тиклади. Баъзан эса улар катта хавф-хатар ва жуда шубҳали қарашлар қарши олинди. Бу ерда ҳеч қандай тарзда ўз даромадлари-ни эмас, балки уларга хос бўлган ошкоралик туйгу-сидан келиб чиқиб ҳаракат қилинган.

## Таъмагирлик мақсадлари йўқ жой-да муваффақият сари йўл очилади

Агар менда энди ҳаёт йўлига қадам қўяётган ёш йигитга маслаҳат беришимга тўғри келса, шундай деган бўлар эдим: “Агар сен ҳамма тан оладиган муваффақиятга эришишни истаётган бўлсанг, мус-тақилмисан ёки ўз ишингни сотишга мажбурми-сан, нима бўлишидан қатъи назар, ўз ҳаёт йўлинг-ни мана шу ишдан кўп пул топиш фикри билан бошлама. Ҳаётда ўз касб-корингни танлаётганингда миянгта келган биринчи фикрни ечишга ҳаракат қил ва ушбу саволга жавоб бер: қаерда ишласам, бор кучимни жамият фойдаси учун қўллай ола-

ман? Қаерда менинг меҳнатим жамият манфаатлари учун керак бўлади? Мана шу ўй-фикрлар билан фаол ҳаётни бошла ва бу сенинг муваффақият сари ташланган биринчи қадамларинг бўлади!"

Фақат бунга ишониш керак, шунда Американинг кўпгина бойликлари, эҳтимол, бошқа мамлакатларга нисбатан аксарият ҳолларда ижтимоий-иқтисодий хизматлар кўрсатган инсонлар орқали яратилганини англайсан, бу инсонлар ватани равнақига ишонган, ватанининг табиий бойликларини очиш ва ривожлантириш устида ҳаммадан кўпроқ ишлатган. Муваффақиятдан энг кўп умидвор бўлишга фақатгина бир инсон ҳақли, у ҳам бўлса мамлакат учун энг кўп хизмат қилган инсондир. Кўпчиликка хизмат кўрсатувчи тижорат корхоналари доим фойда келтиради, манфаатсиз корхоналар эса фойда олмайди ва муваффақиятга эришмайди.

Ишбилармон файласуф ҳар доим ўз вақтини, кучини ва маблагини бирор нарсага тикаётганда саноатнинг бор тармоқларини кераксиз кенгайтиришга йўл қўймайди: ахир, фойдасиз рақобатта маблағ сарфлаш пулларни кўчага улоқтириш демакдир. Миллий маблағ совурилади, миллатнинг ижтимоий ўсиши секинлашади, ишчилар оғзидағи нони тортиб олинади, мақсадсиз равишда дунёда оғир меҳнат ва қашшоқлик ортиб боради; бунинг ҳаммаси фабрика барпо бўлиши билан боғлиқ, ахир амалдагиси аллақачон арzon нархларда омманинг эҳтиёжларини қондириб бўлган.

Америка тижоратчилари америкаликларнинг тараққиёти ва таъминотида узилиш бўлмаслиги учун саноат тармоқларида нархни ошириш ва янги меҳнат бозорини очишни қўллаб-қувватладилар. Улар ўз меҳнат ва сармояларини рақобатчи корхоналар барпо этишга тикдилар. Тўғри, синалган,

муваффақиятнинг тажрибадан ўтказилган йўлларидан юргандан кўра, савдо-сотикнинг янги манбаларини топиш, уларнинг янги тармоқларини очиш учун кўпроқ зиёли бўлиш керак. Лекин фойдаси ҳам бор, бу фойдадан улкан қадамлар билан ривожланиш сари олға кетаётган бизнинг мамлакатимиз фойдаланиши мумкин. Афсуски, меркантил уриниш дунё бойликларини тараққиёт фойдасига ёки жамият баҳти учун, кўпинча индивидиум учун сарфлайди ва бу уриниш муваффақиятсиз бўлиб боради. Энг ёмони шундаки, одамлар ҳеч қанақасига унинг учун айбдор бўлмайдилар, лекин баъзида компанияя учун айбдор бўлиб хароб бўладилар.

## Ҳожатбарорнинг муруввати

Дунёдаги энг олийхиммат инсонлар, менимча, фақирлар бўлса керак. Улардан баъзилари бошқаларининг турмуш мажбуриятини енгиллаштиради, ёрдамга муҳтож инсонларга ниҳоятда ғамхўрлик қиласди. Айтайлик, бир оиласда она хасталанди, кўшни аёл зудлик билан унинг хўжалик ишларини ўз бўйнига олади. Бошқа оиласда эса ота ишини йўқотди, кўшнилар гарчи баъзан ўзларида ҳам ҳеч вақо топилмаса-да, унинг болаларини боқишига киришадилар. Мархум отанинг дўсти ўзи ҳам кун кешириш учун кураш олиб бораётган бўлса-да, етимларни ўз қарамоғига олиб, елкасига янги ташвиш ва меҳнатни ортгани тез-тез қулоққа чалиниб туради. Ҳақиқий ҳожатбарорликнинг бу кўринишини қанчалик катта бўлмасин биз қилган барча дабдабали хайр-эҳсонлар билан таққослагандা, бизники ҳеч нарса бўлмай қолади. Яхудийларнинг диний қонунига кўра шундай қоида бор – даромадининг ўндан бир қисми хайр-эҳсон қилиниши шарт.

Аммо ўрта даражадаги бу меъёри ҳам тўла қониқарли деб бўлмайди. Баъзи кимлар учун даромадининг ўндан бир қисмини ажратиш имконсиз нарса, бошқалар учун эса арзимаган иш. Агар инсон марҳаматли бўлса, тортиқнинг ўлчами ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Бойлар берган эҳсоннинг ўлчамини ёдда тутишади, камбағаллар эса беради ва уни яхшилик деб на ҳисоблайди, на тан олади. Аммо яна ҳамма эътироф қилган нарсалар ҳақида сўзлай бошлайман, деб қўрқаман.

Менинг ёшлигимда бола тарбияси кўп жиҳатдан ҳозиргисидан фарқ қилган. Аммо бир нарса мени қувонтиар эди – биз ёшларни шахсий маошимизнинг муайян бир қисмини камбағаллар фойдаси учун тизимли равища ажратиб боришга қаттиқ ўргатишган. Бу одат боланинг гўдаклигидан яқинларига бўлган мажбуриятини англаб боришга ўргатган деб ҳисоблайман. Ҳозир, тўғри, барчаси қийинлашгандан қийинлашиб боряпти. Бизнинг давримизда ҳашамат белгиси бўлган нарсаларга ҳозир ҳамманинг қурби етади. Ҳақиқий завқ пулни бехуда нарсаларга сарфлагандан кўра, эзгу иш учун хайр қилишда эканлигини кўрсатиш керак. Мен ҳаётим давомида ҳамиша ҳақиқий саховатнинг моҳияти нимада эканлигини исботлаш истаги билан югуриб елганман. Шу билан бирга, ҳам замонамиз, ҳам келгуси авлод мол-мулкини ақл билан сарфлайди деб умид қилганман.

Балки шунчаки пул бериш ва ҳақиқий ёрдам кўрсатиш ўртасидаги фарқ қуйидагичадир: камбағал одам қўшни уй ёки оила чекига тушган мушкулликларни бартараф этишда бажонидил ёрдам беради. Бой эса пул берар экан, бу хайр унга ҳақиқий фойдани олиб келиши учун ҳар бир вазиятни дикқат билан баҳолаши керак. У муҳтожликни

келтириб чиқарған вазиятни яхшилашга уриниши керак. Муаммони бундай усулда ечиб, ўзини четта тортмаслиги керак ва бу ишни вижданан бошлаб, амалга ошириши керак. Омадсизликнинг сабабини ўрганмай туриб, пул бериш – ҳеч қандай самара бермайдиган ва ҳеч кимга ёрдами тегмайдиган бехуда йўқотишдир.

Мисол учун, катта шифохоналардаги фидокор аёл ва эркакларга тўла муассасани олайлик. Мана бу ҳақиқий саховатли иш. Аммо менимча, хасталиклар билан боғлиқ шу пайтга қадар номаълум бўлган янги далилларни топишни мақсад қилган илмий тадқиқотлар, азобни енгиллаштирувчи даволаш ишлари ёки хасталикни бутунлай тузатувчи йўллар ҳам катта аҳамиятта эгadir.

Хаста ёки азадор одамларга ёрдам бериш учун тайёр бўлган одамлар кўплаб топилади. Аммо хасталик сабабини ўрганаётган тадқиқотчига маблағ бериш кўпчиликнинг эътиборидан четда қолади. Ёрдам кўрсатишнинг биринчи усули ҳамдардлик ҳиссига мурожаат қиласи, иккинчиси эса ақд-идрокнинг онгли меҳнатини талаб қиласи.

Нима бўлганда ҳам илмий хайр-эҳсоннинг шу соҳасида ҳайратланарли жасурликлар қилишга ултурдик. Филантропиянинг катта муаммоси оддий пул импульси йўли билан ечилмаслигини, умрини амалий ва илмий масалаларга бағишлиган инсонларнинг – аёл ва эркакларнинг олийхиммат мадади зарурлиги дунёнинг ҳар ерида тан олина бошланди. Шу ўринда тадқиқотчilar ҳаётини хавфга қўйиб қилган қаҳрамонликларини, баъзан эса безгак сабабини тадқиқ қилаётib ҳалок бўлганларини, номлари инсониятнинг сон-саноқсиз авлоди орасида барҳаёт яшайдиганларнинг кашфиётларини ёдга олиш зарар қилмайди. Қаҳрамонликнинг

ушбу оғир журъати барча шифокорларни, айникса, жарроҳларни илҳомлантиради.

## Илмий-изланишларни қўллаб-қувватлаш

Бизнинг вақтда фидокорлик туйғуси руҳимизга қанчалар узоқ муддатда етиб келмаса? Ўз кўзларимиз билан гувоҳи бўляпмизки, бир нечта шифокорлар, илм аҳли, инсоний билим миқдорига ўз ҳиссасини қўшиш учун йиллар давомида барча қулийклар ва роҳатлардан воз кечади. Ўзимга қўп савол бераман: қаттиқ изланишлар олиб борилган тажрибаларга паст назар билан қарайдиган, танқид қиласидиган одамларнинг ўзи бу нарсани равшан тушунишадими, умуман, қилаётган танқидларининг маъносини англашадими кан? Ўртадаги катта фарқ шундаки, ўшаңдай одамлар фақат ўзининг такаббурона ва саёз билимига осилиб, сўз юритаётган мавзуси ҳақида тушунмай, сурбетларча гапиради ёки худди шу мавзу тўғрисида мутахассис ўзининг бой ҳамда илмий салоҳиятига таяниб, фактлар ёрдамида ўз фикрини билдиради.

Шахсан мен ҳар доим сукут сақлаб кузатувчи ва тингловчи бўлганман, бу борада мендан кўра тажрибали ва катта билимга эга бўлган одамларга ўзимнинг маслаҳатимни тиқиширадиган даражада фаросатсиз бўлмаганман, бирор ишни режалаштириб, лойиҳалаштириб, ўша ишни қандай бажаришни ўз мутахассисларига асло ўргатмаганман.

Тананинг функциялари – вивисекцияни ўрганиш учун тирик ҳайвонлар устида қилинган жарроҳлик амалиётлари ҳар доим ҳам, шубҳасиз, қаттиқ танқидларга сабаб бўлган. Ҳимоясиз, забонсиз ҳайвонга қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракат табиий

раҳм-шафқат туйгусини шунчалик қучли уйғотиб юборадики, баъзида бу тажрибаларнинг бошқа, фойдали томонини кўрсатиш бефойда бўлиб қолади. Institute of Medical Researchда фаолият олиб борадиган шифокор Флекслер шубҳага ўрин қолдирмайдиган, вивисекция ҳақидаги ҳайратланарли хабарларни тез-тез, мажбуран рад этган. Ҳозир эса доктор Флекслер ўз лабораториясида (шу ерда дикқатингизни жамлашингизни сўрайман) менингит эпидемиясига қарши воситасини очик, ошкора намойиш қилди. Тўғри, бу кашфиёт ўн бешдан ошиқ ҳайвонлар, аксари маймунлар ҳаёти эвазига бўлди, лекин ҳар бир маймуннинг чиққан жони туфайли юзлаб ва минглаб одамлар ҳаёти сақлаб қолинди. Шифокорлар, илмий тафаккур эгалари, тиббиёт шароитида мақсадсиз ҳеч қайси ҳайвоннинг устидан жарроҳлик қилиб, азобга қўймади.

Кейинги бобда сизларга ўта қизиқ, бироқ умидсиз бошланган вивисекция, ҳайвонлар устида ўтказилган жарроҳлик алалоқибат муваффақиятли якун топгани ҳақида айтиб бераман.

## Қўрқинчли жарроҳлик амалиёти

Юқорида номи келтирилган Institute of Medical Research ташкилотининг раҳбарларидан бири доктор Алексис Кэррель экспериментал жарроҳликда кўплаб қизиқарли тажрибалар ўтказди, бир ҳайвоннинг органларини бошқа бирига ўтказиш ва қон томирларини кўчириш шулар сирасига киради. Яқинда у ўзининг тажрибасини инсон ҳаётини қутқариш учун амалда қўллашига тўғри келди, бу эса Нью-Йоркдаги барча шифокорларнинг эътиборидан четда қолмади. Шаҳарнинг кўзга кўринган энг ёш жарроҳларидан бирининг қўлида шу

йилнинг март ойида бир гўдак дунёга келди, у қандайдир касалликдан азият чекиб, номаълум сабаб билан томирларидаги қон тана тўқималарига ўтиб кетаётган эди. Одатда, бундай касалликка чалингтандар танасида қоннинг қолмаслиги оқибатида вафот этади. Туғилганига беш кун бўлганида чақалоқقا ўлим хавф сола бошлади. Унинг отаси ва тоғаси ҳам энг яхши шифокорлардан бири эди, улар бошқа ҳамкаслари билан вазиятни бошдан-оёқ муҳокама қилиди ва умид йўқ, деган хulosага келди.

Боланинг отаси доктор Кэррелнинг лабораториясида ҳайвонлар устида қилинган тажрибаларнинг ихлосманди эди. Кейинчалик мълум бўлишича, доктор Кэррелнинг иш услуби билан танишиб, шу каби тажриба амалиётларининг кўпида иштирок этган экан. Шу сабабли у янги туғилган фарзандини ўлимдан сақлаб қолишининг ягона йўли унинг организмига тўғридан-тўғри қон қуиши, деган хulosага келди. Бундай амалиётлар ёши катталар билан бир неча марта ўтказилган эди. Лекин ҳали сутдан чикмаган гўдакнинг қон томирлари шунчалик нозик бўлганидан, операциянинг муваффақияти иложсиздек эди. Ахир бунинг учун нафақат томирлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар бўлишини талаб этади, балки уларнинг силлиқ ва жуда ёрқин теридан иборат ички қобиғининг узилиб қолмаслигини ҳам таъминлаш керак эди. Гап шундаки, қон томирларнинг мушак мембр纳斯ига тегиши керак бўлади, у қалинлашади ва қон айланишини қийинлаштиради.

Бахтимизга, доктор Кэррель бир қанча янги туғилган ҳайвонлар устида қон қуиши амалиётини ўтказган эди, шунинг учун боланинг отаси бундай операцияни фақат доктор Кэррель муваффақиятли ўтказа олишига ишонарди.

Тун ярмида доктор Кэррелни сўраб келишди. Вазиятни ўрганиб, гўдакнинг ўлим ёқасида турганини тушунгач, доктор жарроҳлик амалиётига уриниб кўришга розилик билдириди, лекин унинг муваффақиятли якунланишига умид кам эканини олдиндан таъкидлади.

Ота фарзандининг танасига қуиши учун ундан қон олишларини таклиф қилди. Наркоздан фойдаланиш иккиси учун ҳам имконсиз эди. Бундай операция учун боланинг фақатгина битта вена томири анча кеңт эди, яъни у томир оёқнинг узун суяги ва мушаклар остига чуқур жойлашган эди. Машхур жарроҳлардан бири, амалиёт иштирокичиси унинг томирини ушлади ва болада ҳеч қандай ҳаёт аломатларини сезмагач, унинг ўлганига 10 дақиқа бўлди, деган хulosага келади. Шу хulosса таъсирида у саволни ўртага ташлади: қон қуишини давом эттиришдан маъни борми? Лекин боланинг отаси давом эттиришни талаб қилди, қон қуиши амалиётини муваффақиятли амалга ошириш учун отанинг радиал артериясидан олти дюйм юқорироқни (артерия пульси) кесишди.

Бу ёғи энди, жарроҳ айтганидек, мутахассисларнинг катта тажрибасига қарамай, ҳақиқий қассобнинг иши эди. Уларнинг сўзларига кўра, боланинг қон томирлари гутуртнинг қалинлиги ва узунлиги билан баробар эди, изчиллиги эса намланган папирос қофозига ўхшарди. Ҳар икки томирни бирлаштириш бутунлай иложсиздек туюларди. Лекин доктор Кэррель иложсиз ишни уddaлади. Ва у ерда шундай мўъжиза содир бўлдики, операцияда иштирок этаётган шифокорлар замонавий жарроҳликнинг энг кескин лаҳзаларига гувоҳ бўлди. Ва ниҳоят, отанинг артерияларидан боланинг танаси-

га (тахминан ярим литр) қон ўтказиши. Қимирламай ётган гўдакнинг танасидаги биринчи ҳаёт аломатлари сифатида бир қулоғининг юқори қисмида қизил доғ пайдо бўлди. Кейин бу доғлар кўкариб кетган лабларига ўтди, кейин дафъатан, иссиқ ҳаммомдан чиққандек гўдакнинг танаси ҳароратдан қизариб кетди. Чақалоқ соғлом, ҳеч нарса бўлмагандек чинқира бошлади. Тахминан саккиз дақиқадан сўнг иккала томир ҳам ажратилди. Чақалоқ ўша заҳотиёқ қўкрак сутига эҳтиёж сезарди. Уни озиқлантиришиди, ўша лаҳзадан бошлаб у мунтазам овқатланиб, бутунлай согая бошлади.

Кейинчалик боланинг отаси қонун чиқарувчи Албани штатида барчага маълум бўлган, охирги йиғилишда очиқлигича қолган вивисекция ва тирик жонзотлар устида тажриба қилишга қарши қонун лойиҳасига эътиroz билдириб чиқди. У юқорида ҳикоя қилинган ҳолат ҳақида айтиб, қачонлардир доктор Каррелнинг тажрибаларини ўтказаётган вақтда, уларнинг амалиётта татбиқ этилиб, қўплаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолинишини тан олмаган бўлишини таъкидлади. Яна бироз қўшимча қилиш мумкинки, бундай усуllар билан унинг фарзандининг ҳаёти биринчилардан бўлиб қутқариб қолинган эди.

## Ҳар қандай ёрдамнинг пойдевори

Агар инсонларни ўзидан ўзи ёрдам қидириб топиш имконияти билан тарбиялаганимизда эди, биз ҳаётимиздаги барча баҳтсизликларни таг-туғи билан йўқ қилган бўлардик.

Бу нарса доимий тақрорлашни талаб этади, ҳаттоқи, хавф-хатар бўлганда ҳам мана шу ҳар қандай ёрдамнинг пойдевори хисобланади.

Инсон учун ягона яхшилик бўлиб қоладиган нарса бу унинг ўзи қўлга киритган ва ўзи эришган ютуқлардир. Инсоннинг меҳнатсиз қўлга киритган пуллари камдан-кам ҳолларда хайрли бўлади ва янада тезроқ унга қарғиш бўлиб қайтади. Мана, чайқовчиликка қаратилган асосий таъна нимадан иборат. Шуниси хавфлики, унинг оқибати фойда олиш эмас, балки йўқотишидир – бу ҳақиқат. Лекин унинг борлигига эътиrozларнинг бош бўғинида шундай тушунилади: унда муваффакиятлар муваффакиятларга қарагандга кўпроқ зарар келтиради. Айнан мана шу нарсани пулга нисбатан ҳам, бошқа нарсаларга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин, яъни бу нарсаларни инсон совға сифатида бошқа бирордан ҳам олиши мумкин. Истисно сифатида бундай тухфанинг мавжудлиги унумли равишда эҳтимолдан холи эмас. Фақаттина инсонларни ўз-ўзига ёрдам беришга ўргатиб биз узоқ вақт давом этадиган яхши ишларга пойдевор қўямиз.

Одамзод қийинчилклари масалаларини ўрганивчи шифокорларнинг бизга айтишича, касалликларни енгувчи кучни топиш – инсоннинг ўз организмнинг ғалаба қозониши фақаттина бу кучлар бир-бири билан нормал ҳолатда уйғунлашсагина, юз беради. Организмни умумий мустаҳкамлаш ва ривожлантириш орқали инсон ўзини касалликлардан сугурта қилиши мумкин. Лекин организмингизга кириб келиб, сизга боғланиб олган касалликни табиий даволаш воситалари ёрдамида даволаган яхшироқ. Мутлақо тушунарлики, инсон уларни ҳаётда бошидан ўтказганида организмида қандайдир нуқсонлар пайдо қиласидан муваффакиятсизликлар бор, бунда одамлар танасида ёки руҳиятида ланжлик, иродаси ва темпераментида заифликни ҳис қиласиди. Бу камчиликларни йўқ

қилишнинг ягона йўли – бу организмнинг бундай камчиликларини ички куч орқали енгиш орқали мустаҳкамлашдир. Ички куч ҳаммага хос бўлган кучdir. Faқаттина мана шу тарбиявий иш ҳаммага тушунарли – бу муваффақиятга етакловчи ҳақиқий йўлdir.

Ҳаётий яхшиликларниг озми-кўпми ҳақоний ва тўғри тақсимланишини кузатишни ҳаммамиз хоҳлаймиз. Баъзан тўлиқ ишлаб чиқилмаган лойиҳалар ҳам таклиф қилинган, уларнинг кўпчилиги, бу лойиҳаларни тузувчилар инсон табиатининг моҳияти ҳақида бўш тасаввурга эга эканликлари ни исботлаганлар, агар бу режаларнинг бирортаси амалга оширилгандами, бизнинг цивилизациямиз даҳшатли ҳалокатга учраган бўлар эди. Мен қаттиқ ишонаман, инсонларнинг иқтисодий жиҳатдан тенг эмаслиги сабабини уларнинг шахси бир-бирига ўхшамаслигидан излаш лозим (дунёқарашлари ва табиатига нисбатан) ва фақаттина кучли шахсиятига қараб бойлик ва фаровонликка эришиш мумкин. Лекин бу сифатларни инсонларнинг бевосита иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун яқинларга энг яхши ёрдам тури бу, мен айтганимдек, ўз-ўзига ёрдам бериш қобилиятидир.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, инсониятни тарбиялаш ва шу каби мақсадлар учун нақд пул ҳар доим камлик қиласди. Маблагни иложи борича кўп вақтга етказиш мақсадида бу пулларни оқилона тарзда сарфлашни билиш жуда ҳам муҳим.

Бу саҳифаларда мен бир неча бор ўз фикрларими ни очиқ-ойдин айтдим, яъни ишбилармонлик ҳаётида ҳамкорликда ишлаш жараёнида ортиқча куч талаб қиласиган кераксиз сарф-харажатлардан қочиши муваффақият зиналаридан кўтарилишига хизмат қиласди. Ишончим комил ва умид қиласманки,

бу принципларни бутунлигича бериш санъатига ҳам қўлласа бўлади. Бу принцип унга қўйилаётган талабларни ҳаддан ташқари ўсиб бораёттанилиги сабабли аллақачон саноат соҳасида аҳамиятли деб тан олинган. Саховатпеша инсонларга иложи борича кўпроқ яқин атрофдагилар олдида қатор улкан яхшиликлар қилишлари учун йўллар очиш керак.

## Баъзи асосий принциплар

Бу бўлимнинг зерикарли бўлишидан хавфсираган (тажрибасиз ёзувчи бу каби камчиликлардан бутунлай қочиши керак, деб айтишган менга) ва олдиндан узр сўраган ҳолда, менинг режаларим асосида ётган бир нечта асосий принципларга қисқача тавсиф бериб ўтиш керак деб ҳисоблайман. Ҳеч бўлмаганда умумий маънода, бу тамойилларга амал қилмаган ҳолда, анчадан буён ҳеч қандай муҳим аҳамиятга эга ишларни амалга оширмадим ва ишончим комилки, филантропияда ҳам ўзингизни бу каби қатъий йўналишга боғламай, тайинли нимагадир эриша олмайсиз.

Хайрия ишиларида ҳам талаб этиладиган биринчи нарса қатъий ҳаракат режаси ҳисобланади, бу борада менинг тажрибам қуидагича шаклланди.

1890 йилгача, мендан пул сўрашганида, унинг олди-бердисида тасодиф иродасига амал қилганман. Мен ёрдамга муҳтож одамлар тўгрисида, унинг аҳволи ҳақида иложи борича аниқ маълумотга эга бўлиш учун сўров ўтказардим ва шундай ғайрат билан ўзимни виждонли одам сифатида кўрсатишга ҳаракат қиласардим, бунинг натижасида эса асабларим толиқарди. Буларнинг барчасига сабаб кейинчалик инстинктив ҳолда, бошқа бирорвнинг раҳбарлигисиз бундай хайрия фаолиятининг ҳақиқий

йўлига ўтиш эди. Кейинроқ, бошқа иш режалари миздагидек уларни ҳам кенгайтириш ва ишни ри-вожлантириш учун хаёлимга хайрияни муқобил ташкил этиш фикри келди. Биз ишлаб чиқсан ва ўша вақтдан бошлаб келгуси фаолиятимизда йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилган асосий принципларни ишлаб чиқишига уриндим, умид қиласанки, унинг пойдевори янада мустаҳкамланиб бора-веради.

Эҳтимол, бундай шахсий ишлар ҳақида гапи-риб, мен яхши тон қоидаларидан чиқиб кетаётган-дирман ва тан олишга тайёрман, лекин бунинг учун мени кечирса бўлади, ахир мен оиласам ва кўплаб дўстларим иштирок этган жараён ҳақида гапиряп-ман, бу эса менинг фақат ўзим ҳақимда гапирмаёт-ганимни англатади.

Ҳар бир инсоннинг, буни ўзи тан оладими ёки йўқми, ўз ҳаётий фаласафа кодекси бўлади. Ми-јамизнинг узоқ бурчакларида яширинган асосий принциплар, уларни тилимизга чиқарамизми ёки йўқми, бизнинг мавжудлигимиз шарти билан фа-олиятимизни бошқаради. Лекин унинг идеали бў-лиши муҳим: қанчалик оз бўлмасин, меҳнатингни ўзининг энг яхши амалиётини топадиган жойга сарфлаш лозим – пул жамғармаси бўладими ёки қўл меҳнатими – инсоният тараққиётига хизмат қи-лиши лозим.

Ҳар кимнинг идеали ўзининг манбаларидан фойдаланиш истаги бўлиши лозим, амалий фа-олиятда ҳам, хайрия соҳасида ҳам, ҳар кимнинг идеали инсоният цивилизацияси учун ўзининг бор манбаларидан фойдаланишга тайёрлиги бўлиши лозим. Цивилизациянинг қонун-қоидалари қандайлигини аллақачон батафсил ўрганиб чиқишиган. Бизнинг хайрия фаолиятимиз ҳар доим кўзланган

мақсад – цивилизация жараёнига тезроқ эришиш мақсадида амалга оширилган. Агар кимдир келиб, хайрия бўлимимизга (ходимларимиз фикрича) цивилизациянинг моҳияти нимада, деб савол берганида, у шундай жавоб олган бўлар эдики, батафсил изланишлардан маълум бўлишича, умумий цивилизация номи остида уни ташкил этувчи қуидаги қоидалар назарда тутилади:

1. Халқ фаровонлигини оширишда борлиқни қўллаб-куватлаш йўлидаги ривожланиш, яъни, озиқ-овқат, кийим-кечак, бошпана, илмий асоста эга гигиена, умумий саломатлик, савдо-саноат соҳасининг ривожланганлиги ва таъминланганлити сари интилиш;

2. Ҳукумат ва қонунчилик шаклларидағи ривожланиш, яъни ҳар бир кишига шахсий эркинлик, адолат, хотиржамлик ва барча учун баробар бўлган қонунни таъминловчи қонун устуворлиги;

3. Тил билиш ва адабиёт соҳасидаги ривожланиш;

4. Табиий фанлар ва фалсафа соҳасидаги ривожланиш;

5. Санъат ва эстетик тарбия соҳасидаги ривожланиш;

6. Ахлоқ ва дин соҳасидаги ривожланиш.

Шу ўринда савол пайдо бўлиши мумкин, санаб ўтилган соҳалардан қай бири, айтайлик, бошқаларига қараганда муҳимроқ ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бу саволга аниқ жавоб беришнинг иложи йўқ, бу ҳақиқий илмий савол, бу соҳаларнинг барчаси сезиларсиз равишда бир-бирини тўлдирди. Лекин тарихдан маълумки, ҳар бир цивилизациянинг бошланишида инсоният яшаб қолиш учун, манбаларга эришиш учун курашган, кейинчалик бошқа соҳаларнинг ривожига эътиборини

қаратган. Гарчанд юқори талаблар нуктаи назаридан, бундай моддий саволлар бирламчи бўлиши ноўрин ҳисобланади, лекин у барча цивилизацияларнинг пойдевори бўлиб, усиз ҳар қандай ривожланиш маънисиз бўлади.

Шунинг учун, яшаш қулайроқ ва арzonроқ бўлиши учун қўлимиздан келганча, ўз кучимизни инсонларнинг ҳаётини яхшилашга сарфладик. Сарфланган бундай капитал учун биз ҳеч қандай алоҳида миннатдочилик кутмаймиз, бизнинг хайриямиз аҳамиятсиз, у шунчаки муваффакиятта эришишимизнинг энг яхши манбаси эди. Бошқа халқларга таққослаганда, юқорида санаб ўтилган цивилизация элементларидан қолган соҳалар бўйича оргда қолсак ҳам, лекин яшаш учун манбаларни арzonлаштириш, уларга эгалик қилишни енгиллатиш, уларнинг истеъмолини кенгайтиришда Америка барча халқлар орасида етакчилик қиласи.

Сўрашингиз мумкин: қандай қилиб битта қўлда тўпланган катта маблағ билан ҳаёт неъматларини тенг тақсимлашни уddaлаш мумкин? Қўлимдан келганича жавоб бераман: бой одамлар, шубҳасиз, катта бойликка эгалик қиласи ва уни бошқаради – баригири бу манбанинг барчасини ўзларига ишлата олмайди! Улар, албатта, қонунан бу бойликка эгалик қилиш ҳуқуқига эга ва уларни ўзи тасарруф қила олади, лекин буларнинг барчаси уларнинг шахсий эҳтиёжлари асосидаги даражада бўлади. Ҳамма жойда пул чиқими бўлади, уларни нимагадир тикади, натижада, ҳафта сайин ҳисобида харажатлар ортиб бораверади.

Айни вақтда пулдан фойдаланишнинг шахсан эгалик қилишдан муқобилроқ усули мавжуд эмас. Пулни банкка қўйиш мумкин – у миллий банкми ёки алоҳида штатникими, фарқи йўқ – лекин ҳеч

қандай қонунчиллик ҳозиргидек улардан самарали фойдаланишга кафолат бера олмайди. Социализм ғояларининг бирортасида ҳам бойлиқдан фойдаланишнинг умумий манфаатлар учун мақсадга мувофиқ бирорта йўли топилмайди. Мана, ҳақиқий эгасига қараганда капиталдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ усулларини топишга қодир одам ёки гурӯҳ пайдо бўлмасидан, бойларнинг ўз капиталига қаттиқ боғланиб қолиши ва уни ўзи бошқаришга мажбуриятининг пайдо бўлишига сабаб шу.

Цивилизацияни ташкил қиласидан қолган тўртта сабабга тўхталадиган бўлсак: бошқарув шакли ва қонунчиллик ривожидаги тараққиёт адабиёт ва тил билиш соҳасидаги тараққиёт, санъат ва эстетик таълим соҳасидаги тараққиёт. Тахминимизча, катта эҳтимол билан, бунга таълим-тарбиянинг янада мувофиқ усули билан эришиш мумкин. Шунинг учун, нафақат машхур билимларни, балки бу соҳадаги янги тадқиқотларни ҳам кенгроқ тарқатиш мақсадида биз Америкада, шунингдек, чет элда ҳам таълим-тарбия ишининг турли соҳаларига яхшигина капитал ажратдик. Якка таълим-тарбия муассасаси зарурат жиҳатдан чекланган таъсир доирасига эга бўлиб, кам сонли ўқувчиларга таълим бера олади. Лекин ҳар бир янги кашфиёт, тадқиқотлар ёрдамида инсоннинг билим чегараларини кенгайтириб боришга уриниш барча таълим муссасаларининг умумий мулки ҳисобланади.

Манфаат бундай алоҳида ишларнинг нафақат ҳар бир режасини тақдим этади, балки қўйилган мақсадга эришишдаги янги йўлларни ҳам кўрсатади. Биз ёрдам бериш билан кифояланмадик, айтиш мумкин бўлса, бу адолатли талабларни бажаришдан завқланиш эди. Биз англаб етгандикки, шу ёки

бошқа режаларни ҳәётимизга олиб киришдаги оддий манфаатлар уни амалиётта татбиқ этиш мақсадида катта капитал ажратиш учун ҳаракатта келтирувчи сабаб бўла олмайди, эҳтимол, молиявий ёрдамга муҳтоҷ, биз бехабар бўлган бу каби минглаб бошқа режалар ва тадбиркорликлар бордир. Бир аниқ факт бор, агар бирор ишнинг қўллаб-қувватланиш даъволари бошқаларидан афзалроқ бирор жиҳатга (балки, бизга номаълум, ёрдамга қўпроқ эҳтиёжманд) асосланмаган бўлса, у яхши ишни шахсан афзал кўришим, ҳеч қандай тарзда қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги даъволарнинг адолатлиигини белгиламайди.

Шунинг учун бизнинг кичик қўмитамиз ҳеч қачон ўз ёрдамининг бирор вазиятга ёки ёрдам сўраган бирор муассасага боғлиқ бўлиб қолиб, қолганларининг ёрдам берилмай қолишидан қониқмаган. Бу қўмита ўзининг тадқиқ соҳаси сифатида инсон тараққиётини танлади ва пировард мақсади тараққиёт бўлган ҳар бир соҳани қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилди. Бу идеалликка интилишда режаларни амалга ошириш масъулиятини ўз зиммасига олувчилар топилмади, қўмита аъзолари янги ташкилотларга асос солишга ҳаракат қилди. Айни вақтда биз янги ва, умид қиласманки, ўзлаштирилган соҳаларда иш олиб боряпмиз.

Хайрия ишларига бўлган бу интилишлар мени ҳар доим тўлқинлантирас ва ҳаётимга катта таъсир кўрсатар эди. Яна айтаманки, бу муносабатларда отанинг фарзандларига – ўғли ёки қизига муносабати муҳим аҳамиятга эга, у фарзандларини ўзининг хайрия ишларига йўналтириши муҳим аҳамиятга эга. Болалигидан, отасига ёрдам бераркан, фарзандлар атрофидагилар олдидаги жавобгар-

лигини англашни ўрганади. Худди отам менга ўргатгани каби, мен ҳам ўз фарзандларимни хайрия ишларига ўргатишга ҳаракат қилдим. Узоқ йиллар давомида бизнинг тушликдан кейин мактуб ўқиш (улар биз иштирокчиси бўлган хайрия ишлари га тааллуқли эди), мурожаатномаларни батафсил кўриб чиқиш ва барчамиз биргаликда филантроп муассасалари, бизни қизиқтирган институтларнинг ривожланишини кузатиш анъанамиз бор эди.

## ХАЙРИЯ ТРЕСТИ

### Хайрия тизими

Ва ниҳоят, ўзимнинг севимли режам ҳақида айтадиган вақт келди, бу режа, айниқса фаровонлик сари барчани бир мақсад учун бирлаштириб, самарали ҳаракатларни амалга ошириш ғояси узоқ йиллар давомида менинг севимли машғулотим бўлди.

Агар амалий масалаларда бирлашиш қувватни тежаш ва яхши натижаларга эришишга хизмат қиласа, унда нега бу шарт хайрия ишларида ҳам ўз самарасини бермаслиги керак? “Хайрия соҳасида бирлашиш” бош ғояси, айниқса, таълим услубини такомиллаштириш Андрю Карнегининг “Таълим умум палатаси”нинг аъзоси бўлишга рози бўлганидан бошлаб алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Чунки бизнинг президиумимизда жойни қабул қилишда, у, менинг назаримда, хайрия соҳасида бирлашиш принципини маъқуллади (айниқса, штатимиздаги таълим соҳасини).

Мен бошқалар каби жуда хурсанд эдим, чунки ўз капиталини муҳтоjlар ҳаётини яхшилашга сарфловчи энтузиаст Карнеги намунаси, янги ватанида

бўлаётган хайрия ишларидағи иштироки бутун умр оқилона хайрияниң ёрқин намунаси бўлиб қоларди.

Эндиликда Карнеги аъзо бўлган “Таълим умум палатаси” менга мақсадларимга эришишга, аниқроқ айтилса, муаммони илмий жиҳатдан ҳал қилишга, катта мамлакатимизнинг барча нуқталарида таълим соҳасини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган ташкилотчиликнинг ажойиб намунаси бўлиб кўринади. Бу ташкилотнинг нималарга эришишини айтиш, албатта, ҳозир иложсиз, лекин ҳозирги президиум раҳбарлиги остида у, шубҳасиз, кўп ишларни уddyалайди. Президиумга алоқаси йўқ, бегона, мажлисларида ҳеч қачон қатнашмаган инсон сифатида мен яна очиқ-оидин гапириб, ўз фикримни билдиришим мумкин, чунки у ерда бажарилган барча ишларнинг ташаббускорлари ўзгалардир.

Узоқ йиллардан бўён хаёлимни банд қилиб турган яна кўплаб кенг миқёсли, чуқур ўйланган ва қатъий асосга эга режалар бор ва уларнинг янада ёрқинроқ шакл топаёттанини сезиб турибман. Ҳар қандай филантроп ташаббусларга холисона ёрдам берувчи инсонлар топилишини англаш ҳамиша ёқимли. Кўплаб банд инсонлар ҳар доим бир лаҳзага ўзларининг шошилинч ишларини кечиктириб туришга ва кучини ҳамда ақлини инсон тараққиёти учун йўналтиришга тайёр эканига, бунинг учун ҳеч қандай мукофот кутмаслигига ишонган ҳолда, бир неча бор тажрибаларимни амалда қўллаш имконияти туғилди. Шифокорлар, руҳонийлар, ҳуқукшунослар ва кўплаб тижоратчилар бу режаларни, шунингдек, машғулотларни ҳаётга татбиқ қилишда ўзларининг вақтларини ва кучларини холисона бағишилади.

Узоққа бормай, улар орасидан бирини айтадиган бўлсам – Роберт К. Огден. Узоқ йиллар мобайнида, унинг кўп вақтини олиб қўяётган масъулиятли ва машаққатли ишга қарамай, бизга ёрдам бериш учун ҳамиша етарлича вақт ажратди. Бу борада унга ҳайратланарли иштиёқ ёрдамчи бўлди.

У бор билими ва куч-тайратини берди, мамлакатимизнинг жанубий қисмига алоҳида эътибор қаратиб, ўз салоҳиятини таълим соҳасига йўналтириди. Шунингдек, унинг интилишлари чуқур ўйланган, маълум бир қатъий тизимда ўзининг бош мақсадига эга эди. Келажакда унинг меҳнатлари, шубҳасиз, ўз мевасини беради.

Менинг фарзандларим, мен каби ўз меросини кўпайтириш ўрнига, бошланган ишни давом эттиришга жиддий киришди ва бунинг учун ўзларининг бор кучларини сарфлади, яхшиямки, хайрия ишларида маблағлардан оқилона фойдаланиш учун уни топишда сарфлангани каби қаттиқ меҳнат ва мулоҳаза талаб этилади, деган фикримга хайрихоҳлик билдиришди.

“Таълим умум палатаси” Кўшма Штатлардаги олий ўқув юртларининг жойлашув ўрни, мақсади, фаолияти, амалий ёрдами, бошқаруви ва педагогик аҳамияти бўйича энг изчил тадқиқотларни амалга оширади. Тиришқоқлик билан мамлакат эҳтиёжларини қиёсий ўрганиб чиққандан кейин, президиум йилига тахминан икки миллион доллар ҳисса чиқаради. Унинг протоколлари танишиб чиқиш учун барчага очиқ ҳисобланади. Айнан шу предметни ўқиган кўплаб филантроплар бизнинг холис изланишларимиз имтиёзларидан баҳраманд бўлишади ва, умид қиласманки, бу борада ҳамиша бизга мурожаат қилишади.

Кўплаб одамлар мамлакатимиздаги таълим муассасалари бўйича ташаббусларимизнинг амалиётида биз билан ҳамкорлик қиласди. Лекин смарали бўлмаган, яхши ўйланмаган, ортиқча мактаб қўмаги ҳавога совурилган ҳисобланади. Бу муаммони асосли равишда ўрганиб чиқсан одамлар ўз қарашларида қатъий турди, яни ўз вақтида мақсадга мувофиқ бўлмаган таълим усуллари учун анчагина пул сарфлангани кундек равшан, у пулларга эса бемалол миллий Америка олий таълимининг оригинал тизимини шакллантириб, такомиллаштирса бўлар эди. Таълим усулини таъкомиллаштириш учун капитал киритишга тайёр бўлган одамларнинг аксарияти учун, хайрия қилгунга қадар, капитал киритишга таклиф этилаётган компаниянинг хусусиятларини изчил ўрганиш ва бу ўрганиш давомида корхонанинг етакчиларига алоҳида эътибор қаратса яхши бўлар эди. Лекин мен тасаввур қилган бундай изланиш алоҳида индивид учун ақл бовар қилмайдиган иш ҳисобланади, капитал киритувчи ё маълумотлар етишмаслигидан ёрдам қўлини чўзишдан бош тортади, ёки дастлабки муҳокамаларсиз бунга розилик беради. Бу воситачилик иши бир неча бор ақлли, доно ва зийрак одамлар ёрдамида амалга оширилди. “Таълим Умум Палатаси” да қилинганидек, унинг юқори қадрини етарлича баҳолаб бўлмас эди. Алоҳида ҳолларнинг истиснолари, аслида бўлиши лозим бўлганидек, тез пастлайди, натижада қобилиятли ходимлар инсоният тараққиёти учун умумий иш олдида елкама-елка турдилар.

Бу ҳақда гапирап эканман, мазкур йўналишда аллақачон ишнинг ярмини аъло даражада бажарган католик черковида мен бир неча маротаба кузатган ҳолатни эсламасликнинг иложи йўқ. Роҳиба ва руҳонийлар томонидан тўплангандар пулларнинг бу мақсад йўлида қанчалик оқилона сарфланганини эшитиб, ҳайратга тушдим.

Бошқа динлар учун мен халққа таълим бериш учун кўрсатилган барча хизматларни тан оламан – умумманфаат ҳақида қайғуриб, шу билан бирга, ўз кузатишларимдан ишонч ҳосил қилдимки, айнан католик черкови, бошқа дин вакилларига қараганда, ўзининг маблағлари ёрдамида кўпроқ муваффақиятларга эришди. Бу ерда ташкилотчиликнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эгалитини таъкидлаш учун шу ҳақда гапиряпман. Бундан ташқари, ҳаммага маълумки, католиклар бир неча юз йиллар давомида пул маблағларини жамғариве келишади ва бир неча юз йиллар давомида таълим-тарбия усулларини узлуксиз такомиллаштириш жараёнидан ўтди.

Бу саволни ўрганиш мен учун ҳар доим ҳаддан ташқари қизиқарли манба бўлган. Менинг ёрдамчиларим, ҳар қандай бошқа президиумга бутунлай қарши ҳолатда, Нью-Йоркдаги девонхонамииздан келадиган, бизга йўлланган ҳар қандай мурожаатларни батафсил ўрганиб чиқиш учун етарлича кучли ташкилотчиликка эга.

Алоҳида бир шахс учун ҳар бир алоҳида вазиятни ўрганиб чиқиш иложсиз иш бўлар эди. Девонхонадан ҳар куни олинадиган юзлаб хатлар одамнинг кучи чегарасидан ортиб кетади. Агар менга кунига юзлаб хатлар билан мурожаат қиласиган сахий одамлар бироз ўйлаганида, барча шарҳларга

шахсан ўзим эътибор қаратишга имконим йўқлигини тушуниб етар эди.

Биз ишлаб чиқсан ва йиллар давомида такомиллаштириб бориш мумкин бўлган режа бир неча ўн йиллик тажриба натижаси ҳисобланади. Бу ерда мен хайрия масаласида умумий хазинага ҳисса қўшувчи меҳнатга рухсат масаласи – ҳар қандай жиддий одам учун муҳим аҳамиятта эга бўлган масала га тўхталиб ўтаман. Шунча вақтдан буён бу ҳақда кўп гапириб келяпман, изоҳни ҳам фақат шундан излаш керак бўлади.

## Бизга келиб тушадиган мурожаатлар

Махсус бўлимнинг вазифалари билан солиштириш мумкин бўлган девонхонамизга келиб тушадиган юзлаб мурожаатлар билан танишиб чиқиш, уларга тартиб бериш ва ўрганиб чиқиш айнан шу мақсадларда ташкил этилди. Унинг вазифалари бир қараща қўринганидек унчалик қийин эмас. Барчага тушунарли бўлганидек, дунёning турли нуқталаридан хатлар келади, унинг муаллифи турли табақалардаги турли касб эгалари бўлиши мумкин ва уларнинг мавзуси ҳам турлича бўлиши мумкин. Хатларнинг бешдан тўрт қисмини одатда илтимосномалар ташкил этади, айтиш мумкинки, ҳеч нарса билан асосланмаган сабаб билан харажатлари учун пул сўраш каби шахсий характерга эга бўлади.

Лекин эътиборга молик яна кўплаб илтимосномалар келади. Уларни, мазмунига қараб, қуйидаги разрядларга ажратиш мумкин.

**Маҳаллий хайрия илтимосномалари.** Шаҳар ёки унинг бир қисми ўзининг барча аҳолисига бошқа ҳамشاҳарларига ихтиёрий эҳсонлар билан ёр-

дам беришдек маълум талабларни қўяди. Лекин, менинг фикримча, хайрия кўмагига бўлган бундай соф маҳаллий эҳтиёж қондирилишини (шифохоналар, болалар боғчаси ва ҳ.к.) муассасамиз ёрдамига муҳтож жойларда яшовчи одамлардан сўраш тўғри бўлмайди. Бу ташвишларни ўша ёқларда яшайдиган ва ишнинг моҳиятидан хабардор бўлган ёки ҳеч бўлмаганда, вазият билан таниш бўлган одамлар ўилаши керак.

Кейин миллий ёки халқаро характердаги, нафақат маҳаллий, балки бошқа хайрия ташкилотларига ҳам ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган, умумий бойликка эга бўлган одамларга қаратилган. Дунёда хайрияning барча соҳаларини эгаллаб олган кўплаб миллий ва халқаро филантропия ва насроний ташкилотлар бор. Улар ҳам дунёning турли хил нуқтларидағи алоҳида одамлардан сон-саноқсиз ёзма илтимосномалар қабул қиласиди. Ҳар қандай оқил ва доно филантроп, ўйлайманки, ўзининг хайрия ишлари учун воситачи сифатида омма олдида шу каби катта ва масъулиятли ташкилотларни танлайди. Бу каби бутун ҳаётимнинг кундалик тажрибаси ўлароқ тасдиқланган ҳолатларда менинг одатим ҳар доим шундай бўлган.

Бу хатти-харакатлар – ташкилот воситачилигидағи ҳаракатларнинг катта фойдаси шундаки, мукаммал маълумотлар ва қаерда ёрдам кўпроқ кераклиги, қаерда берилган ёрдам самаралироқ бўлиши бўйича муқобил қарор қабул қилиш қобилияти пайдо бўлади – буларнинг барчаси менга бу соҳадаги узоқ йиллик тажрибалар натижасида маълум бўлди. Масалан, сизга миссионерлик иши бўйича, айтайлик, шифохона қуриш учун ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Айтайлик, юз минг доллар сўрайди. Кўринишидан ёрдам бериш ке-

ракдек туюлади, чунки ёрдам сўраб мурожаат қилган миссионер ҳам кучли ва ҳаётий диний ташкилот назорати остида ишлайди.

Лекин, айтайлик, илтимосномани биз бевосита бу ташкилотнинг президиумига йўналтиrsак ва аён бўладики, маълум фикрларга кўра, бу шаҳарнинг янги шифохонасида бундай касаллик билан оғриган бирор бемор топилмайди. Ҳар қандай ишни оқилона юритишда, бу миссионернинг талаблари шу вақтгача мавжуд бўлган шифохоналар ёрдамида қондирилиши мумкин. Бошқа ҳудуддан бўлган яна бир миссионер эса бундай имкониятларга эга бўлмаслиги, беморларнинг шифо излаб борадиган маскани бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолатда, албатта, ёрдам кўпроқ кимга кераклиги борасида саволга ўрин йўқ, шундай экан, маблағлар иккинчи миссионерга юборилади. Гарчанд пул берувчилар улар ҳақда заррача шубҳага боришимаса ҳам, бундай ҳолатларга барча миссионерлик жамиятларининг бошқармалари юзма-юз келади. Тушунишимча, иш раҳбарларининг қарашлари билан танишиб чиқмагунча, хайрия ишларида ҳеч қачон шошма-шошарлик билан иш қилмаслик лозим, вақт ҳар доим ёрдам сўраб мурожаат қилганилардан кўра яхшироқ маълумот беради.

Бошқа яхши одамларнинг, атрофдагиларга нисбатан вазифалари моҳияти нимадалиги ҳақидағи қарашларини билдириб, ўз виждонларини тозалаш вазифасини қандай уддалаётгани борасидаги фикрларини кузатиш ҳар доим ибратли ҳисобланади.

Масалан, улардан бири айтади: “Менимча, кўчадаги тиланчиларга садақа беришдан фойда йўқ”. Менинг қарашларим ҳам шундай: мен ҳам бундай хайрияниң самараси бор деб ўйламайман. Лекин

бундай нүқтаи назар кўчада тиланчиларнинг борлиги билан тавсифланадиган ишдаги вазиятларни бартараф этиш чораларини кўришга тўсқинлик қилмаслиги керак. Аксинча, айнан шу баҳтсизларнинг мушкулини енгил қилишга ҳисса қўшишни истамаганингдан, ўз округингдаги хайрия ишларини қўллаб-кувватлаш учун кўпроқ асос топасан, уларни ёрдамга лойик бўлган одамларни лойик бўлмаганингдан ажратади олиш салоҳиятига эга бўлиб, тиланчилар синфига адолатли ва инсоний тарзда ёндашади, деб ҳисоблайсан.

Бошқаси айтади: “Мен бундай жамиятга ҳеч нарса бермайман! Мухтожларга хайрия қилингандарни ярми ёки ундан ҳам камроғи ўз эгаларига етиб боради, деб ўқиган эдим!” Ҳамиша исботланганидек, бу гапнинг асоси бўхтон; агар қисман бўлса-да ҳақиқат бўлганида ҳам, хайрия қилувчини бироз бўлса-да масъулиятидан озод қилмаган бўлар эди. Нима бўлганда ҳам, ҳамёнини ёпиб, бундай ташкилотни хотирасидан ўчириб ташлайдиган одам учун бу баҳона бўла олмайди.

## Ўзаро алоқада бўлган муассасалар

Ҳар жабҳада янги хайрия ташкилотларини ташкил қилишга интилмаслик оқилона иш деб ўйлайман, ахир уларнинг сони етарлича. Яхшиси, мавжудларини қўллаб-кувватлаб, мустаҳкамлашга кўмак бериш зарур. Тўғри, бу иш рақобатсиз бўлмайди ва бир нечта рақобатчи жамиятлар ҳамиша топилади. Хайрия ишларининг асосий вазифаларидан бири унинг мазкур соҳаси етарлича зарурий жиҳозлар билан таъминланганми деган саволни ҳал қилиш ҳисобланади. Кўпчилигимиз биз хайрия қилмоқчи бўлган иш унинг бошида турган раҳбар-

лари томонидан яхши бажарылыштими, мақсадга мувофиқми деган саволлар билан чекланамиз-құя-  
миз, бошқалар ҳам уни етарлича құллаб-қувватла-  
яштими-йүқми, суриштириб билишга уриниб ҳам  
күрмаймиз. Мана шу асосга таяниб, нафақат бун-  
дай турдаги муассасани, балки шу соҳада ишлаёт-  
ган ҳаммани дикқат билан күздан кечириш керак.

## Мана сизга бир мисол

Бир гурух филантроплар етимлар учун бошпана  
куриб, унинг бошқарувини йирик диний жамият-  
ларимиздан бирига топширишга қарор қылдилар.  
Керакли маблағни йиғишини бошлаганларида имзо  
қўйиш таклиф қилинган шахслар орасида хайрия  
қилишдан аввал ишни синчиклаб ўрганиб чиқишига  
одатланган бир одам чиқиб қолди. У янги муассаса-  
са асосчиларига бир қатор саволлар берди: ҳудудда  
мавжуд бўлган бошпаналарда неча дона ётоқ кара-  
воти бор, улардан қай тарзда фойдаланилади ва ҳо-  
казо, якунида эса – ўша ҳудуддаги бирор бир бош-  
қа хайрия ташкилотлари булардан кўра ёрдамга  
муҳтожми ёки йўқ?

Афсуски, ҳеч бир саволига жавоб ололмади у.  
Шунда ўзи бу масалани ечишга киришди. Маълум  
бўлишича, янги етимхона қурилиши керак бўлган  
شاҳарда бундай бошпаналар керагидан ортиқ-  
ча бўлиб, уларда қабул қилинган номзодлардан  
кўра бўш жой бисёр экан. У буларнинг ҳаммаси-  
дан лойиҳалаштирилган бошпана асосчиларини  
хабардор қилди ҳамда бундай муассасага эҳтиёж  
йўқлигини кўрсатиб берди. Сўзим якунида ушбу  
таъсисчи жаноблар ўзларининг бемақсад режа-  
ларини амалга оширишдан воз кечгандарини ай-

тишни истар эдим, аммо афсуслар бўлсинки, улар бундай йўл тутишмади! Умуман олганда, бир ҳолат деярли ҳар доим кузатилади – бордию раҳмдил инсонлар бирор бир режа ёки филантропик фикр ортидан тушишдими, улар тутган йўлнинг нотўғри эканлиги ва ахборот камлигини қанчалар аниқ ва равшан кўрсатиб берманг, уларни ортга қайтариб бўлмайди. Хайрия соҳасидаги бундай тизимли, таъбир жоиз бўлса, бундай ҳиссиз ҳаракат олдида айрим кишиларнинг алоҳида шахсий хизмати учун деярли ўрин ажратилмайди десам, менга эътиroz билдиришлари мумкин. Шахсан мен шу каби ҳолатларда бир киши табиий равишда йирик ташкилотга бўйсуниши керак деб ўйлайман. Аммо бошқа томондан қараганда, тизимли хайрия ишлари ёнидаги индивидуалликнинг намоён бўлишига босим ўтказишга ҳеч қанақасига ҳақли эмас. Хайрия ишлари бўйича трестлар ғояси кундан-кунга янада мустаҳкам ўрнашиб бормоқда. Бу ғоянинг тарқалиш кўлами ҳеч қачон ҳозиргидек кенг бўлмаган.

## Олий маълумотта бўлган талаб

Хайрия жабҳасида самара билан ишлаб келаётган ҳар бир киши, қандай дастурга риоя қилмасин, барибир танқидга учрайди. Ҳаётдаги қундалик эҳтиёжларни аъло даражада англай оладиган, аммо мана шу эҳтиёжлар қаторида унчалик ҳам кўзга ташланмайдиган, бироқ ниҳоятда зарур бўлган эҳтиёжларимиз ҳам борлигини мутлақо тушуна олмайдиган инсонлар талайгина. Мисол учун, узокқа бормайлик, таълим даражасини ошириш эҳтиёжи. Жиноят фоизининг юқорилиги ҳамда ҳукм суроётган фақирликнинг камида тенг ярмининг асосида

билимсизлик ётади. Мана, нега таълимга эҳтиёж бор! Қайси жабҳада бўлишидан қатъи назар, таълимнинг такомиллашган шаклини қўллаб-қувватлаш орқали биз инсон билими сарҳадларини кенгайтириш ёрдамида оммага янада кўпроқ таъсир кўрсатиш имконига эга бўламиз. Негаки исталган янги факт, хоҳ у яқинда кашф этилган бўлсин, хоҳ бутун дунё миқёсида истеъмолга киритилган бўлсин, тез фурсатда инсониятнинг умумий бойлигига айланади. Ўйлашимча, бу фактнинг аҳамиятини етарли даражада юқори баҳолашнинг имкони йўқ. Инсон идрокининг тиббиёт, санъат ва адабиёт каби илмий соҳаларида эришган улкан ғалабаларидан иборат оддий ҳол кент кўламли таълим меваси ҳисобланади. Ушбу факт ҳозирги вазиятнинг тўғри эканлигининг исботи учун етарлидир.

Қай бир катта ёзувчи пайти келиб, одамларнинг, хоҳ у ўқимишли бўлсин, хоҳ у билимсиз, хоҳ бадавлату хоҳ фақир бўлсин, кундан-кунга ошиб бораётган ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда барча илм соҳасида қанчадан-қанча ютуққа эришилганини, бу ютуқлар ҳаётимизни қанчалар мукаммалликка яқинлаштирганини исбот қилишни ўз зимасига олади.

Энг аъло кўринишдаги хайрия ишларининг вазифаси қуйидагилардан иборат: ҳамиша бош сабабни аниқлашга интилиш, ҳаётимиздаги муваффақиятсизликларни томири билан бартараф этишга уриниш. Чикаго университети ҳаётидаги менинг иштироким айнан бир ҳол билан боғлиқки, айнан шу ҳол ҳаммага маълум таълим муассасасининг ўз табиатини саклаган ҳолда деворлар оша ичкарига қатъий мустақил илмий тадқиқотнинг мана шундай ролини олиб кирган.

## Доктор Вилльям Р. Гарпер

Ушбу ёш, аммо истиқболи порлоқ ташкилотни эсга олар эканман, беихтиёр доктор Вилльям Р. Гарпер ёдимга тушади. Бу инсон ўз ғояларига ҳаддан зиёд ишқибозлиги билан бошқалардан ажралиб турар әдики, инсониятнинг энг мардонавор орзу-ларидан ҳеч бири у учун жасорат бўлиб кўринмас эди.

Доктор Гарпер билан ўша пайтлар қизларимдан бири таҳсил олган Вассар-Коллэжда танишиб қолган эдим. Гарпер у ерга коллеж президенти Жеймс М. Тейлорнинг меҳмони сифатида борар ва одатда якшанба маъruzалари бўйича мутолаа қиласар эди. Шанбадан то душанбага қадар у ерда қолганимда Иапода доцент бўлган бу ёш олимни кўп учратиб қолар эдим. У билан суҳбатлашганимда ундаги ши-жоат менга ўтиб қолгандек бўлди.

Чикагода университет ташкил қилиниб, уни ректорлик лавозимига таклиф қилишгач, Гарпер энг яхши олимларни у ерга жалб қилиш учун, замона-вий илм-фаннинг барча талабларига жавоб берувчи илмий ташкилот тузиш учун бор кучини сарфлади. Чикаго ва ўрта фарб аҳолисидан миллионлаб доллар йиғиб олди ва штатимиз раҳбарлари ҳамда уларни назорат қилувчи шахслар эътиборини қо-зонди. Бу Гарпер суюна бошлиган ҳақиқий куч эди. У ўзини нафақат молиявий ёрдам билан, балки уларнинг маънавий қўмаги ҳамда шахсий иштиро-кида ўзига бўлган ишонч билан таъминлади. Бу энг аъло турдаги ёрдам ва кўмак эди. У ишини бунчалар сернеъмат заминда бошлий олганига ишониш қийин. Университет унинг юксак мақсадларининг ифодасига айланди. Бу эса Қўшма Штатларининг бутун ўрта фарб худуди бўйлаб кутилмаган эъти-

борни ўзига тортди, одамларда олий таълимга нисбатан қизиқиши уйғотди, алоҳида шахсдан тортиб, бутун жамиятларни, корпорацияларни фаол ҳамкорликка чақирди. Гарбий штатлардаги университетларнинг мавжудлигининг исботи мана шу камтар инсоннинг шижиоати ва истеъоди олдида қанчалик қарздор эканлигини одамлар ҳеч қачон била олмасалар керак.

Мехнаткашлыги ва ташкилотчилик иқтидоридан ташқари, доктор Гарпер яна бир фазилати билан ажралиб туради, бу унинг дилбар шахс эканлигидир. Доктор Гарпер машаққатли университет меҳнатидан бироз дам олишни истаб рафиқаси билан хонадонимизда вақт ўтказган кунлари қадрли ва ёқимли хотира бўлиб қолди. Ундан-да етук, ундан-да дилобар дўстг ёки сафдошни тасаввур қилиш қийин.

Доктор Гарпер ректорлик қилган университетта кўп бора эҳсон қилини баҳтига мұяссар бўлганман. Газеталар эса доктор Гарпер учрашувларимиздан эҳсон ундириш мақсадида фойдаланади деган асоссиз фаразларни ёзиб чиқар эди. Ҳажвий журналлар бу мавзудан кенг фойдаланишар эди. Мисол учун, улар доктор Гарперни гипнозчи образида тасвиirlab, бошим устида сехрли таёқчани силкитаёттанини чизишар эди. Ёки бир қатор суратлар оша менинг махфий идорамга кириш йўлини топгани, мен эса зўр бериб купонлар билан банд бўлганим, унга кўзим тушиб эса шопшилинчда ойна ортига беркинганимни тасвиirlашар эди. Бирда эса доктор Гарпердан қочаёттаним, катта муз парчасида дарёни кесиб ўтаёттаним, у эса худди рус эртакларидаги бўри мисол ортимдан қолмагани, миллион долларлик чекни тўё нон ушоқлари каби отиб

ундан қутулиб қолганим, унинг эса шоша-пиша чекларни йигиб олгани тасвиранганди.

Бундай суратларни, баъзан яхши чиққан ҳазилларни кўриб кулардим. Аммо доктор Гарпер асло буни қабул қила олмас эди, уларни таҳқирлаш манбаси хисоблар эди. Агар у ҳозир ҳам ҳаёт бўлганида эди, жамоат қаршисида тантанавор равишда Гарпер Чикагода ректорлик қилган даврида бирон марта университетни қўллаб-қувватлашни сўраб менга мактуб ёзмаганини, шахсан ундан ҳеч қачон бундай ёрдам ҳақида оғиз очганини эшитмаганимни, ҳаттоки бир доллар ҳам сўрамаганини ўз оғзимдан эшитганида ниҳоятда қувонган бўлар эди. Деярли ҳар куни бизнинг уйда бўлган учрашувларда Чикаго университетининг молиявий ишларини муҳокама қилиш у ёқда турсин, ҳатто сўз ҳам очилмас эди.

Ушбу алоҳида воқеада менинг эҳсон тўплаш усулим бошқа ишларим каби айнан бир хил. Университетнинг молиявий эҳтиёжларини тасдиқлаш ишлари бюджетни тузиш вазифаси юклатилган ходимлар томонидан ишлаб чиқилар эди. Шу билан бирга, қолган бошқа молиявий ишлар шартли муҳлат билан ёзма равишда тасдиқланарди. Бунда ректор бошчилигида университет васийларининг қўмитаси йигилар эди. Қўмита бизнинг хайрия бўлинимиз билан биргаликда университетнинг барча молиявий ишларини ҳар томонлама муҳокамага қўяр эди. Қарорларнинг деярли барчаси ҳамжиҳатлик билан тайёрланар эди, мен эса бу қарорларнинг татбиқ этилишидан ҳеч қачон воз кечмаганман. Бу масалалар бўйича ҳеч алоҳида сухбатлашилмаган, ҳатто ҳеч қачон менга тўғридан-тўғри мурожаат қилишмаган. Мен бу хайрияни қилиш имкониятига эга бўлганимдан хурсанд бўлганман. Аммо бу хурсандчилик онгли равишда англаб етишдан келиб

чиққан. Негаки бу университет фаолиятнинг улкан соҳасининг марказига айланди, у ўзининг меҳнати билан ҳаммада ишонч ва қизиқиш уйғотди, у ҳақиқатан ҳам сермаҳсул меҳнатни намоён қилди, бир сўз билан айтганда, бу университет дўстлар томонидан кўрсатилган мададга лойиқ эканлигини исботлади. Кўпчилик хайрия жамиятларида шундай бўлиши керакки, ҳамиша ёрдам узатилаётганда, шахсий келищув ва хирадек ёпишган илтиmosларга эмас, балки ақл билан масаланинг чуқур тадқиқига таянишлари керак.

Тинимсиз мени йўқлаб келувчи ва қандайдир важлар билан мен билан суҳбатлашишга имкон топган сон-саноқсиз одамлар негадир бу суҳбат энг зўри бўлади деб ҳисоблашади. Биз доим бир анъанага содик қолганмиз – арзилардан ўзларининг сўzlари билан ёзилган, у қанча керак деб ҳисобласа, шунча батафсил тасвиirlанган аниқ баёнотни талаб қилганмиз. Эҳтиёжлари эса ёзма баёнот тарзида топширилган. Бу арзнома айнан шу вазифа учун маҳсус тайинланган пухта билимли одамлар томонидан кўриб чиқилади. Бордию арзгўй билан шахсан учрашиш керак бўлиб қолганида, у бизнинг идорамизга чақирилади. Ёзма арзномада эса улар тадқиқ ва муҳокама қилаётган ҳамда қўмита аъзолари унинг устида алмашишган фикрлар тўғрисидаги муҳим материал киритилган бўлади. Ана шундагина арзнома шахсан менга узатилади.

Ушбу бўлимда ишни бошқача юритиб бўлмайди. Ёзма арзнома тақдим қилишларини қатъий талаб қилганимиз ва ҳеч қандай кўринишда бу талабдан воз кечмаслигимиз баъзи арзгўйлар ўйлаганидек, совуққонлик билан ёрдам беришдан бош тортиш истаги сабабли эмас, балки шахсий суҳбатларда доим имкон бўлмаган бир заруратдир.

## Шартли хайрия асослари

Қилинган әхсонлар билан фойдадан күра зиён келтириш осонроқ. Бошқа жойдан ёрдам оладиган хайрия ташкилотларига молиявий құмак бериш тавсия әтилмайды, чунки бу каби хайрия яхши амаллар учун ресурсларни фақатгина камайтиради, холос.

Биринчи навбатда ҳар бир хайрия ташкилотлари исталған вақтда әхсон қилувчилари етарли даражага әриша олиши лозим. Құллаб-құвватлаш учун қилинган илтимослари ижобий ҳал бўлиши учун улар ўз соҳаларини мукаммаллаштиришга интилишлари ва ҳақиқий, очик әхтиёжлар учун маблағ ажратишлари керак. Хайрия қилувчилар сонини ошириш учун уларга маблағларнинг оқилона сарфланишини ва бу каби муассасалар раҳбарларининг тўлиқ холислик билан фаолият олиб боришини исботлаш зарур.

Аксарият ҳолларда биз ўз хайрияларимизни шартли равищда амалга оширамиз, яъни бошқа хайриялар микдорига қараб, бу бошқаларни ўз мажбуриятларини бажаришга мажбуурлаш истагидан эмас, лекин бу хатти-ҳаракат билан хайрияга қизиқиш билдирганлар сонини оширишга ҳаракат қилиш истаги туфайли бўлади. Шартли хайрия мунтазам равищда қаттиқ қораланади ва ву бу масалани етарлича муҳокама қилмаган одамлар ҳаммадан кўпроқ қоралайди. Ахир оқилона, жиддий ва холис танқид ҳамиша қадрли ва жараённинг барча томонлари учун керакли омил ҳисобланади. Ҳеч бўлмаганда, мен танқиднинг адолатли улушига аллақачон чидаганман, лекин очик айтишим мумкинки, ундан кейин менда инсон рухига алоқадор на ғазаб, на бошқа аччик туйғу қолмаган эди. Ме-

нинг фикрларимга қўшилмаслигини очиқ ва холис ифода этганларга нисбатан ғаюрик билдиришни истамайман. Майли пессимиствлар шовқин кўтраверсин, биз дунёning тез ва изчил равищда ривожланиб бораётганини биламиз, буни англаш эса бизга ҳаттоки ҳўрланган ва қайғуга ботган вақтларимизда ҳам енгиллик беради.

## Хайрия трести

Яна хайрия трестига қайтамиз, бу барча ташкилотларга иқтисодий томондан корхонанинг хайрия ишларини бошқариш учун берилган умумий ном. Бу ғоя шуни талаб қиласиди, агар ундан муваффақият кутилаётган бўлса, албатта бунда кечиктирмаган ҳолда меҳнат мактабида тарбияланган инсонлар ёрдами зарур бўлади. Айнан мана шу имконият – яхшилик қилиш – энг меҳнаткаш ишчиларни жалб этишни талаб этади. Бу масала етарлича ишлаб чиқилганидан кейин, албатта амалга оширилади, биз ҳозир тасаввур қилганимиздан кўра кўпроқ, мутлақо янги шаклда бўлади.

Ўшанда биз сахий ёрдам туфайли энг яхши хайрия ташкилоти бошқарувида ақл ва тажрибага суюнган қобилиятли инсонлар турганини кўрамиз. Бу инсонлар хайрия қилувчилар олдида бутун хайрия маблағини эмас, балки ҳар бир тийинининг оқилюна сарфланиши масъулиятини ўз зimmelарига оладилар. Шу кунларда хайрияларни ташкил этиш кўп ёки оз даражада тасодифий принциплар асосида бошқарилади. Ҳақиқатдан раҳмдил жаноблар ва хонимлар турли йўллар билан корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун энг содда йўл орқали пул йиғадилар. Бу эса шундай катта миқдордаги маблағни ўйламасдан исроф қилиш ҳисобланади!

Йирик миқдордаги хайрия жамғармасини йиғишда фақат юрак амрига бўйсуниш бемаъниликдир. Йўқ! Хайрия учун маблағ йиғиш билан ишбилиармон шугуланиши керак, у рақобатчиси йўқ бутун бошли хайрия машинасини йўлга солиши керак. Ўқитувчилар, ишчилар ва мамлакатнинг буюк доҳийлари ўзларини пул туфайли бўғаётган ва эзаётган ташвишлардан озод бўлишлари керак. Уларнинг ўз соҳалари бўйича меҳнатлари етарлича, бу соҳалар ҳеч қачон етарли даражада мукаммал ишлаб чиқилмайди, уларни ҳар қандай ташвишдан озод қилиш зарур, буларнинг барчаси уларнинг ўз вазифаларини тўла-тўқис бажаришларини секинлаштиради.

Бундай хайрия трестлари ҳаётга татбиқ этилганда улар ўз томонига жамиятимиздаги маънавий жиҳатдан бой инсонларни жалб этади, бундай инсонларни энди биз барча йирик ишларда кўрамиз. Агар бу барча ишбилиармонларимизнинг омади келган ягона синф деб оладиган бўлсак, уларнинг барчасида ор-номус, виждан ҳақида жиҳдий тасаввурлари бор. Баъзан шуни айтишни хоҳдайманки, бизнинг маънавий қиёфамиз ишбилиармонлик моҳияти билан яқиндан танишгач, фақатгина ғалабага эришиши мумкин. Йўлда давом этаман: маънавий бой инсонларнинг ишбилиармон кишилар билан чамбарчас жипслashiши иккала табақа учун ҳам фойдалидир. Маънавияти бой шахслар билан тез-тез иш олиб борувчи инсонлар бизнинг жамомада худди танланган лавозимда тургандек бўладилар, бирор бир ҳолат билан тўқнашганда, руҳоний ишбилиармон одам сифатида ҳаракат қилиши керак бўлса, баъзан кундалик ҳаётда оддий ишларда ҳам тажрибасиз эканликларидан гапириш қобилиятларини ҳам йўқотадилар.

Хоҳ тижорат оламида бўлсин, хоҳ илмий интилишларда бўлсин, ўзаро мулоқотнинг тўғри тизими барибир ҳалолликка асосланади. Ишбилармон тижоратчилар ҳар доим ҳақиқаттўй ва ўз сўзи учун жавоб берадиган инсонлар билан ишлашни хоҳлайди. Черков вакиллари ҳар доим тижоратчиларга худди таъмагир ва паст фикрли мавжудотга қарандек қарашга тайёр, лекин тижорат олами билан яқинроқ тўқнашганда, уларга анча фойда бўлади.

Хайрия трестлари ишга тушиши биланоқ ишларнинг умумий кўлами шу заҳотиёқ ўзгарида. Шунда фактларга тик қаралади, ишбилармон меҳнаткаш эса ўзи учун қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш топади. Умумий фаровонликка бўлган барча интилишлар бошқа бир умумий ўлчамни топади, яъни инсонларнинг ўзаро кўмаги қўллаб-қувватланади. Ҳамкорлик ишининг биринчи аломатлари юзага чиқа бошлаган ва бу тез орада пайдо бўлади. Ишонаманки, бу трестларнинг президиумларида американлик жаноблар бўлади, бу инсонлар фақат пул ишлаб топишни эмас, балки ишлаб топилган сармояни бошқариш ва ақл билан сарфлаш жавобгарлигини ҳам ўз зиммаларига оладилар.

Бир неча йиллар олдин Чикаго университетида унинг очилганига 10 йил тўлиши муносабати билан байрам дастурхонида бўлдим, мендан нутқ сўзлашмни илтимос қилишди ва олдиндан икки жуфт фикр ёзиб олдим.

Барча мартабали меҳмонларнинг эътиборини ўзимга қаратиш вақти келганда ўрнимдан турдим-да, менинг бу қисқа фикрларим менга керак эмас, деган қарорга келдим. Бу бой-бадавлат, ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлган инсонлар қандайдир яширин кучга эга эканликларини ўйлаб қаттиқ ҳаяжонландим, қоралаб ёзиб олганларимни

ташлаб юбордим ва ўзимнинг хайрия трестларим фаолиятини ёрита кетдим.

– Жаноблар, – гап бошладим мен, – кўриб турибман, ҳаммангиз атрофга қараб менга бирор бир яхшироқ иш топилмасмикан, деб излангаётган бўлсангиз керак. Биламан, ҳаммангиз жуда бандсиз: ахир сизлар худди тегирмоннинг югуриш йўлакчасидаги отдек ишлайсиз, ундан чиқиб кетиши эса қийин. Тушунаман, қунт билан инсоният талабларини ўрганиш, шуғулланиш учун жуда катта куч сарфлайсиз, токи кўпгина нарсани муҳокама қилиб олмагунча, ўзингизнинг шахсий режангизни тузиб олмагунча, уларни пухта муҳокама қилиб олгач, курбонлик қилишни тўхтатасиз. Нима сабабдан ўзингизга ва болаларингизга қолдирган маблағнинг бир қисми билан қилган ишларингизни бошқаларга ҳам раво кўрсангиз бўлмайдими? Бу ерда ҳам ишбилармонлик принципларини қўлласангиз бўлмайдими? Ахир фарзандларингиз қанчалик меҳрибон ва олижаноб бўлмасин, бойликларингизни улардек тажрибасиз одамлар қўлига тоширишни истамайсиз-ку. Келинг, бошқаларга ҳам ўз оиласизнинг келажақдаги эҳтиёжлари учун асраб қўйган нулларимиз каби маблағ ажратайлик. Сиз биз учун бу ишларни директор бошқаради, дейсиз. Шундай қилиб, трестларни, ташкилотларни асослаймиз, бизнинг шахсий иштирокимизда ўз ҳаётий вазифаларини белгилай олиш қобилиятига эга бўлган директорларни таклиф этамиз. Улар бу хайрия ташкилотларини тўғри ва самарали йўлдан олиб борсинлар. Сиздан илтимос, буни ортга сурмасдан, ҳозироқ амалга оширайлик.

Тан оламан, бу импровизациядан қаттиқ ҳаяжонландим, лекин энди аввалгидаи хайрия трестлари учун тик оёқда турибман.

## СҮНГСҮЗ ЎРНИДА

XIX аср охири XX аср бошларида Американинг сиёсат майдонида икки нафар йирик сиёсий шахс пайдо бўлди – Рузвелт ва Рокфеллер, уларнинг ҳар иккиси китобнинг ўқувчиси бўлган ташқи кузатувчи учун тенг кучли ва, нима бўлганда ҳам, бирдай қизиқарли эди.

Улардан бири – нул қудратининг тимсоли, руслар бадавлат одамларни “қоп” деб номлаганидек, бу иборага “олтин”ни қўшган одам бўлса, бошқаси – тафаккур тимсоли, долларнинг ватани бўлган мамлакатда доллар тимсоли бўлган одамга, синдикатлар асосчисига, нефть қироли Рокфеллерга, унинг қудратли ташкилотларига уруш эълон қилган шахс ҳисобланади.

Рузвелт учун бу кураш ғалабадан анча йироқ эди: у ўз мағлубиятини тан олишга ва қўплаб компанияларнинг касодга учраётгани, баъзиларининг бутунлай парчаланиб кетганини қўриб, шунингдек, бу аҳвол яна бир ой давом этса, Американинг энг катта ссудаси мувозанатини йўқотиши ва шубҳа остида қолишини англаб, бу курашдан воз кечишга мажбур эди.

Рокфеллер-чи, деб сўрарсиз. Ҳеч нарса! Standard Oil Company ўша 1907 йили 85 000 000 доллар даро-

мад келтирған әди, бу одатдагидан беш миллионга күпроқ бўлиб, ҳеч қандай инқироз ёки фожиа Рокфеллернинг ижод маҳсули бўлган ташкилотларга дахл қила олмади.

Афсуски, жаҳон тарихидаги бу эпизодга Рокфеллер мемуарларидан жой ажратилмаган, аниқки, бунга унинг камсукумлиги, ўз муваффақиятлари ҳақида гапиришни истамаслиги сабабдир.

Фақатгина Рузвельтнинг мемуарларида Америка замонавий тарихининг мавҳум саҳифаларига ойдинлик бериб туради, лекин у ё бу ҳақда ёзмайди, ё ёзib бўлиб кент оммага ошкор қилимаяпти.

– Рокфеллер ростан ҳам шу даражада бойми? – деган шубҳа ва гумон сасини эшитаман.

Оммавий ахборот воситаларининг тарькидлашича, асосий капитали 100 000 000 миллион доллар бўлган Standard Oil Companyдаги улуши энг камида 50 фоизни (агар кўпроқ бўлмаса) ташкил этади. Умумий ҳисобда 50 000 000 доллар деб оламиз. Компаниянинг ҳисботларидан кўриниб турибдик, унинг асосий капитали йилига 80 000 000 доллар даромад келтиради. Энди ҳисоблаймиз, беш фоизлик фойдага эришиш учун бундай катта капитални оқилона жойлаштириш лозим. Ўщанда Standard Oil Company капиталининг биржа баҳоси 16 баробар қимматроқ әди, яъни 1 600 000 доллар, ва шунинг учун Рокфеллернинг унда иштирок этиш улуши 50 фоиз әди, бошқача айтганда 800 000 000 доллар – 1 600 000 000 рубль.

Агар бунга унинг United States Steel Corporationдаги акциялари йигиндисини (анчагина катта) қўшсак, шубҳасиз, жами 1 000 000 000 долларга (2 000 000 000 рубль) етади, бу эса тахминан унинг катта бойлигининг биржа баҳоси ҳисобланади.

Энди Шимолий Америка штатларининг тижорий фаолияти Standard Oil Company га қай даражада фойдали эканини кўриб чиқамиз. 1880 йил ва “The Petroleum Review” журналида ҳозирги ҳолат бўйича чоп этилган ҳисоботларда кўришимиз мумкинки, унинг нефть ва нефть маҳсулотлари билан савдоси Америкага 1 700 000 000 доллар (3 400 000 000 рубль) микдорида соф даромад олиб келган, яъни йилига 110 000 000 рубль, ўртача ҳисобда, кунинга 300 000 рубль.

Бутун дунё бўйлаб унинг ходимлари сони жуда кўп, шу билан бирга, компания уларни доимий равишда рағбатлантириб, тақдирлаб боради. Standard Oil Companyning 60-75 000 кишидан иборат бутун бошли шаҳарни боқади деб тасаввур қиласак, эҳтимол, компания ходимларининг асл сонини икки баробарга ёки ундан ҳам ортиқроқقا камайтирган бўламиз.

Масалан, энг охирги амалий йил – 1903 йилда компаниянинг соф даромади 80 000 000 долларга етди, ундан акциядорларга фақат 39 335 320 доллар дивиденд сифатида ажратилди, қолган 40 664 680 доллар захира капиталига ўтказилди. Бу рақам – 80 000 000 доллар узоқ йиллардан бўён ўртача кўрсаткич ҳисобланади, фойданинг энг юқори кўрсаткичи 1907 йилга, Рузвелт билан кураш даврига тўгри келади, ўшанда жамият 85 000 000 доллар тўлаши керак эди. 1902 йилдан 1908 йилгача жамият 553 202 074 доллар микдорида соф фойда олди, унинг 294 258 980 доллари дивиденд сифатида акциядорларга берилди, қолгани захира капиталига ўтказилди. Бундан келиб чиқадики, сўнгги олти йилда компания ўзининг асосий капиталидан беш ярим баробардан кўпроқ даромад тўплади.

## *Рузвельт билан кураш тарихининг асосий жиҳатларини эслатиб ўтамиш*

Бунга компаниялар учун темир йўл тарифи став-  
каларининг ноқонуний равишда туширилиши са-  
баб бўлди. 1906 йилдаёқ синдикатларнинг ошко-  
ра душмани ва мамлакатнинг жорий президенти  
Рузвельт ишни ўз назоратига олди ва уни судгача  
олиб борди, суд эса Standard Oil Company ни 29 240  
минг доллар миқдорида жаримага тортишди.

Ўшанда саҳнада Рокфеллернинг капитали пайдо  
бўлди ва охирида жарима тўлашни рад этиб, суд  
жараёнида шахсан ўзи иштирок этмади. Катта маб-  
лағга эгалик қилиб, Standard Oil Company ҳукумат  
билан узоқ давом этувчи курашни бошлиши мум-  
кин эди ва ҳукумат бу ўйиннинг барча хавфини ту-  
шуниб етмаганида, компаниянинг айбсиз эканини,  
буниг учун ҳеч қандай жазо қўлланмаслигини тан  
олиб, ишни ёпишга ҳаракат қилмаганида кураш-  
нинг ҳар икки томон учун қандай ҳалокатли оқи-  
батларга олиб келиши фақат Худога аён эди.

Шундай қилиб, иш Standard Oil Company фойда-  
сига, аниқроғи, унинг асосчиси Рокфеллер фойда-  
сига ҳал бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Рокфеллер жуда ҳам кам-  
суқум ва, шубҳасиз, ўзини реклама қилишни иста-  
маганидан, ўзининг маданий-маърифий мақсадлар  
йўлидаги улкан хайрия ишлари ҳакида деярли га-  
пирмайди, сукут сақлайди. Шуни айтиш кифояки,  
Америкада унинг бюджетидан ҳеч қачон катта хай-  
рия олмаган муассаса топилмаса керак, икки-учта  
университетлар эса истисно тарзда деярли тўлиқ  
унинг пуллари эвазига кун кўради.

У ҳақиқатан ҳам ўзининг меҳнати ва тижоратчилик даҳоси билан тўпланган улкан бойликнинг “оқилона назоратчиси ва бошқарувчиси ҳисобланади”.

Бопиқа миллатларнинг бадавлат одамлари ҳам ундан ўрнак олса арзийди!

*Nashriёт*

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	21
Қабул қилиш санъати .....	24
Ота уий .....	24
Ишнинг бошланиши .....	26
Биринчи кредит .....	32
Принципларда қатъий турмоқ керак .....	33
Ўн фоиз .....	37
Вақти келганда мен қандай қилиб пул тўплаганим .....	38
Черковнинг тўлови учун жамғарма .....	39

## НЕФТЬ СОҲАСИДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАР

Керосин савдоси .....	41
Ташқи бозорлар .....	44
Standard Oil Companuning ташкил этилиши .....	46
Суғурта режалари .....	48
Нега компания катта дивиденд тўлайди? .....	49
Ишнинг нормал ўсиши .....	50
Капитализация .....	52
Баккус иши .....	54
Чегирма масаласи .....	63
Қувурлар ва темирийўллар .....	65

## THE STANDARD OIL COMPANY

Иш юритиш услубимиз .....	68
Замонавий синдикатлар .....	76
Келажак уфқлари .....	80
Америкадаги ишбилиармон одам .....	81
Бизнесга оид тажриба ва тамойиллар .....	86
Кемалар қурилиши .....	92
Қандай қилиб рақибни жалб қилганимиз ҳақида .....	94
Ишни пўлат трестига қандай сотганимиз ҳақида .....	99
Ҳар доим тижорат қонунларига амал қилиш лозим .....	100
Саросимали вақтларда орттирилган тажриба .....	102
Содиқ дўст .....	104
Капиталга қарши – мулоҳазалик далили .....	108

Муваффақият қувончи .....	110
Дўстликнинг қадри.....	116
Йўл қурилишидан завқланиш .....	122

## УЛАШИШ САНЬЯТИ

Улашиш қувончи .....	126
Бойлик чегаралари .....	127
Хайрия қилишининг энг яхши усули .....	129
Таъмагирлик мақсадлари йўқ жойда муваффақият сари йўл очилади.....	130
Ҳожатбарорнинг муруввати.....	132
Илмий-изланишларни қўллаб-кувватлаш.....	135
Қўрқинчли жарроҳлик амалиёти.....	136
Ҳар қандай ёрдамнинг пойдевори .....	139
Баъзи асосий принциплар.....	142

## ХАЙРИЯ ТРЕСТИ

Хайрия тизими .....	148
Бизга келиб тушадиган мурожаатлар .....	153
Ўзаро алоқада бўлган муассасалар .....	156
Мана сизга бир мисол. ....	157
Олий маълумотга бўлган талаб.....	158
Доктор Вилльям Р. Гарпер .....	160
Шартли хайрия асослари.....	164
Хайрия трести.....	165
Сўнгсўз ўрнида .....	169

*Оммабон нашр*

## **ЖОН ДЭВИДСОН РОКФЕЛЛЕР**

**МИЛЛИАРДЕРНИНГ  
ХОТИРАЛАРИ**

**Мұхаррір  
Маъмура ҚУТЛИЕВА**

**Бадий мұхаррір  
Зилола ТҮЛАГАНОВА**

**Мусақхих  
Сайёра МЕЛИҚҮЗИЕВА**

**Саҳифаловчи  
Нигора УМАРҚУЛОВА**

**Дизайнер  
Абдуқодир ЮЛДАШЕВ**

**Лицензия рақами: А1 № 001. 20.07.2018 йил.**

**Босишига 10.09.2021 йилда рұхсат этилди.**

**Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.**

**Босма табоги 5,5. Шартли босма табоги 9,24.**

**Гарнитура “Palatino Linotype”. Офсет қоғоз.**

**Адади 3000 нұсха. Қуыртма № 36.**

**Баҳоси келишиң ған наරда.**

**Мурожаат учун тел.: (99) 403-45-66**

**«Yosh kuch niatbuoti» МЧЖда чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,  
Сўгалли ота 84-уй.**



Америкалик тадбиркор Жон Девидсон Рокфеллер инсоният тарихидаги биринчи "доллар" миллиардердир. У 1870 йилда "Standart Oil Company" нефт компаниясини ташкил қилиб, Рокфеллер империясини асосини қўйди. Рокфеллерда тадбиркорлик қобилияти эрта болаликдан пайдо бўлган. Жон бир килограмм конфет сотиб олиб, уни майда бўлакларга бўлиб, ўз опаларига сотарди. 38 ёшида АҚШдаги нефтни қайта ишлаш саноатининг 90 фоизига бошчилик қилган. 58 ёшида нафақага чиқаётганида у дунёning энг бадавлат кишиларидан бири бўлган. Бугунги кунда Рокфеллернинг иш усуллари бизнес-мактабларда ўрганилади. Рокфеллер танқидчилар учун рақобатни адолатсиз бостириб, монополияни яратган шафқатсиз ва зиқна капиталист ҳисобланган. Бошқалар учун эса у — нефт нархи ҳаттоки 80 фоизга тушиб кетган пайтда ҳам пул кўпайтира олган бизнес-даҳо.



ISBN 978-9943-7084-8-8

A standard linear barcode representing the ISBN 978-9943-7084-8-8.

9 789943 708488